

ИБРОҲИМ
ҲАҚҚУЛ



КАСБИ КАМОЛ
ЎЗНИ ТАНИШДИР



ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ

**КАСБИ КАМОЛ ЎЗНИ
ТАНИШДИР**

Шарҳ, таҳлил ва талқинлар

ТОШКЕНТ
“YOSHLAR MATBUOTI”
2021

УЎК:821.512.133.09

КБК: 83.3(5ЎЗБ)

X 40

Кўлингиздаги ушбу китоб буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий қитъаларининг таҳлил ва талқинларига бағишиланган. Улар билан танишган ўқувчи фақат маъно ва моҳиятда эмас, ифода ва тасвир ранг-баранглигида ҳам шоир зўр ютуққа эришганлигига иқорор бўлади. Таҳлил ва шарҳлар китобхон тасаввурларини тиниқлаштириб, кўнгилда янги-янги таас-суротлар пайдо қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Китоб адабиётшунос олимлар, олий ўқув юртлари фило-логия факультети талабалари ҳамда Алишер Навоий изко-диётининг муҳлис ва муҳибларига мўлжалланган.

Ҳаққул, Иброҳим

Касби камол ўзни танишдир [Матн] шарҳ, таҳлил ва талқинлар/ Иброҳим Ҳаққул, – Тошкент: “Yoshlar matbuoti”, 2021. – 272 б.

*Масъул муҳаррир:
Зулайҳо РАҲМОНОВА
филология фанлари бўйича фалсафа доктори*

*Нашрга тайёрловчи:
Мунис ҲАКИМОВ
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти шлмий
ходими*

ISBN 978-9943-6907-4-5

© Иброҳим Ҳаққул
© «Yoshlar matbuoti» 2021

МУҚАДДИМА

Қитъа Шарқ халқлари адабиётининг энг кўҳна шеърий жанрларидан бири ҳисобланади. Бу жанрда туркий шеъриятнинг Насимий, Лутфий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Огаҳий каби улуғ сўз санъаткорлари, форс-тожик адабиётининг Ибн Ямин, Носир Хисрав, Саноий, Фаридиддин Аттор сингари намояндлари самарали ижод этганлар.

Қитъанинг пайдо бўлиш тарихи ва поэтик хусусиятлари узоқ асрлардан буён олимларнинг диққатини жалб этиб келади. Баъзи олимлар қитъани мустақил шеърий жанр тарзида баҳоласалар, иккинчи бирлари унга қасида ёки ғазалнинг парчаси, бўлаги сифатида қарайдилар. Қадимги адабиётшунослардан Абдураҳим ибни Аҳмади Сур ёзади: «Қитъа... бир неча байтли матлаъсиз шеър. У ғазал ёхуд шеърдан кесиб олинади». Бу фикрдан хулоса чиқариладиган бўлса, ғазал ё шеърдан узиб олинган ҳар қандай парчани қитъа дейиш мумкин, бундай бирёқламалик бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам учрайди. Тожик адабиётшуноси Б. Сирус: «Мазмун жиҳатидан қитъа ғазалдан кам фарқ қиласди», дейди. Ҳолбуки, бундай эмас, қитъа турли-туман ҳаётий масалалар, кундалик турмуш билан боғлиқ маъноларни тасвирлашга имкон берадиган жанр. Шунинг учун у араб, форс, туркий адабиётда ҳам қасида ва ғазалдан фарқли ўлароқ анъа-

навий талаб ҳамда поэтик қонуниятлардан озод бўлиб, қитъа тилидаги фазилатлар ғазал тилига нисбатан силлиқланмаган халқнинг оғзаки нутқига фавқулодда яқин. Бундан ташқари, қитъанинг образлар олами ўзига хос. У бадиҳабоп шеърий шакл бўлган. Чех олимни Ян Рипканинг ёзишича, бадиҳа усулидаги шеърий мусобақалар, ўспирин шоирларни синовдан ўтказиш ёки турли мақсадларда ҳукмдорлар ҳузурида уюштирилган мушоираларда, асосан, қитъадан фойдаланилган.

Қитъада ижтимоий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий-таълими масалалар ифодаланган, шоирлар ҳаётий-реалистик қарашлари, давр ва замонга муносабатларини акс эттирганлар; шунингдек мадҳия, марсия, тарих ва чистонлар битилган.

Мир Алишер Навоий қитъаларида табиатдаги оддий курғоқчилик ходисаларидан тортиб, коинот сир-асрорларигача, чумолидан тортиб, инсон ҳолати ва қисматигача – барча-барчасига муносабат билдирилган.

Қитъа (кўплиги муқаттаот) арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси парча, бўлак демакдир. Адабий истилоҳда ўзининг мустақил поэтик белгиларига эга, маъно йўналиши аниқ чегараланмаган икки ва ундан ортиқ байтли шеърлар қитъа дейилган.

Эрон олимни доктор Захрои Хонлари (Киё) қитъада панд ва ҳикмат ғоялари ифодаланиши, уч байтдан ўн икки байтгача бўлишини ёзади. Турк адабиётшуноси Муаллим Ножий эса: «Қитъа-матлаъи мисра (биринчи байти қофияланмаган – И.Х.) бўлгани ҳолда якқофия назмдир. Камида икки байт ўлур...», деган. Ҳақиқатан

ҳам, қитъа камида икки байт миқдорида бўлиши шарт деб ҳисобланган. Кичик ҳажмдагилари «Али-ул талоқ қитъа», тўрт байтдан ортиқлари эса «Қитъайи кабири» деб номланган. «Али-ул талоқ қитъа» фасоҳатли, хушбаён, муҳтасар маъноларини билдиради, шоирлар кўпинча мана шу хил қитъалар яратишга интилганлар. Қитъанинг ҳажми хусусида шуни қайд этиш керакки, ўзбек адабиётида, умуман, тўрт байтдан ортиқлари кам учрайди. Гадойй, Лутфий, Бобур, Огаҳий, Мирий ва бошқа мумтоз шоирларимизнинг қитъалари икки, уч, тўрт байтлидир. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳазойин-ул-маоний» девонидаги 210 та қитъадан қарийб 200 га яқини икки, уч ва тўрт байтли. Бу тасодифий ҳодиса эмас, албаттта. Чунки мумтоз сўз санъаткорлари мумкин қадар ихчамликка интилганлар.

Ўзбек адабиётшунослигида Навоий қитъалари анча вақтлардан буён үрганиб келинади. Бу ўринда А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Р. Орзивеков, Ё. Исҳоқов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини эслаш мумкин. Биз ушбу китобни Алишер Навоийнинг айрим қитъалари шарҳига бағишиладик. Ҳусайн Бойқаро Навоийни: «Ҳақ сўз айтишнинг қаҳрамони», деб таърифлаган эди. Шоир қитъалари ҳам бунинг нақадар тӯғри эканлигини тұла тасдиқлайди. Мир Алишер Навоий шеъриятида бир шоир ва бутун бир халқ яшайди. Бутун бир халқнинг маънавий ривожи, улкан бир даврнинг руҳий манзаралари ҳазрат Навоий ижодиётида ўз мукаммал аксини топгандир.

«ВАЖҲИ МАОШ УЧУН...»

Важҳи маош учун кишиким деса фикр этай,
Қисмат ризосидан анга бегоналиғ керак.
Ганжи қаноат арчи эрур салтанат валек
Элдин тамаъни узгали мардоналиғ керак.
Ким ишқ асири ўлсаки, мумкин эмас висол,
Дарду балоға ҳамдаму ҳамхоналиғ керак.
Лаззоти нафс тарки самари оғият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиғ керак.
Тажрид нуридин киши кўз ёрутай деса,
Аҳбоб ҳажри шамъига парвоналиғ керак.
Гар анжуманни деса мурид мутиъ этай,
Кўп нуктау фасонада ағсоналиғ керак.
Ботин ҳаримида тиласа маҳзани хузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиғ керак.
Зоҳир юзидин ар тиласа тожу иззу жоҳ,
Дарду бало муҳитиға дурданалиғ керак.
Десанг ҳалос ўлай борисидин Навоийдек,
Бехудлуғу май ичмаку девоналиғ керак

Бу қитъа Алишер Навоийнинг ирфоний мазмундаги шеърларидан. Дастрабки байтдаги маъно мана бундай: «Қайси инсонки «важҳи маош» – ҳаёт, тириклик ташвишлари тўғрисида фикр юритай деса, қисмат ризосидин у бегоналашиши керак». Бу сўзлари билан бобомиз: «Эй одам, қисмат ишидан хушёр бўл, фикр-сизланма, балки азал девонида тақдирингни рақам

этганинг ҳукму хоҳишларини ҳам тафаккур айла, идрок эт!» демоқчи бўлганлар.

Шарқ мутафаккирларининг ҳукмларига кўра, қаноат туйғуси тенгсиз маънавий хазина. Қаноат топган киши ҳеч кимга муҳтожлик сезмайди. Шунинг учун қонеъ шахсларни фойда ва тама тузоғига тушириш мумкин эмас. Улар одамийлик қадриятларини ҳар нарсадан устун қўядилар. Қаноатли бўлмоқ – руҳан озодликка эришишдир. Руҳ эркинлиги эса шундай дахлсиз муҳитки, ғурур унда шикаст топмайди, майда ташвишлар юракка озурдалик етказа олмайди. Ҳазрат Навоий шундай қарашларни давом эттириб, қаноат хазинасини бир салтанат сифатида таърифлайди. Лекин унга эгалик қилишнинг энг муҳим шарти бор. Бу – элдан тама этмаслик, эл кўзига чўп солмаслик. Бунда энди қаноатнинг ўзигагина суюнмоқ кифоя эмас. Шоир таъкидлаганидек, «Элдин тамани узгали мардоналиғ керак».

Ишққа асирилик – дардга бандилик. Муҳаммад Фузулий «азал котиблари» ошиқлар бахтини қора ёзганликларини сўзлаган. Мир Алишер Навоий гўё шу бахти қораликнинг туб сабабини очганлар. Яъни ишқ дардига мубтало кўнгил висолга интилади. Аммо ошиқ учун висолга етиш мумкин эмас. Ошиқлик толеи аввал-охир «Дарду балога ҳамдаму ҳамхоналиқ»ни талаб этади. Бу нима дегани? Ҳайвоний ҳирсу ҳаваслардан покланиш демакдир. Шунинг учун ҳам қитъанинг навбатдаги байтида нафс лаззатларидан қутулиш зарурлиги хусусида сўз юритилади:

*Лаззати нафс тарки самари оғият берур,
Лек Ол шажарни эккали фарzonалиғ керак.*

Демак нафсоний лаззатларни тарк қилмоқ самараси – хаёлий осудалик, ички равшанлик. Бироқ бу осудалик дарахтини (шажарни) кўқартириб, вояга етказмоқ учун оқиллик ва заковат лозим.

Оқиллик билан фидойилик орасидаги масофани у қадар йироқ деб бўлмайди. «Дунёда жамики нарса инсонга қурбон, фақат инсон ўз-ўзига қурбон», деган экан Шамсиддин Табризий. Ўз-ўзини билган инсон мана шу қурбонликдан қутулиб, дунёга нечун келганинги тўғри ҳал қиласди. Танҳоликни севган одам охир-оқибатда уни юракка яширмоқни истаб қолади. Лекин ёлғизлик ҳиссиётлари қалб қаърига ҳар қанча чукур чўқмасин, бундан дил нигоҳи зарур даражадаги равшанлигини топмайди. Ҳазрат Навоий тоқлик нурининг манбанини қуидаги тарзда асослаган эдилар:

*Тажрид нуридин киши қўз ёрутай деса,
Аҳбоб ҳажри шамъиға парвоналиғ керак.*

Бу нурга интилишгина эмас, фидойилик ҳамдир. Шоир бу ўринда висол шамъигамас, дўстлар ҳижрони ёлқинига талпинишни назарда тутган. Нега? Чунки ёлғизлик нуридан кўзларини мунаvvар этмоқ орзусидаги киши учун айрилиқ ўйлари ҳақиқатда ҳароратли ва изтироб ўйғотувчидир. Бунинг иккинчи жиҳати ҳам бор:

*Гар анжуманни деса муриду мутың этай,
Күп нуктау фасонада афсоналиғ керак.*

Мазмуни: халқни ўзига ром этишни истаган киши күп маъно, ҳақиқатларни билиши, саргузаштларда достон бўлмоғи керак. Шу «афсоналиғ»лардан бир и «ботин ҳарими» – дил кошонасини маънавий бойликлари билан тўлдириб, «Зоҳир уйи» ташқи истакларнинг асосларини вайрон этишdir:

*Ботин ҳаримида тиласа маҳзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиғ керак.*

«Зоҳир уйи асоси» дейилганда инсондаги моддий ва жисмоний эҳтиёжларга тегишли нарсаларни тушунмоқ керак. Бойлик мансаб, молу дунёдан мағурланиш – булар ўша «зоҳир уйи»нинг пойдевори ёки безаклариdir. Агар «зоҳир юзидан» кимки тож, иззат ва мартаба тиласа, унга:

Дарду бало муҳитиға дурдоналиғ керак.

Бироқ шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, ишқ туфайли «дарду балога ҳамхоналиғ» билан тожу давлат, иззату шухрат ҳирсида «дарду бало муҳити»даги «дурдоналиғ» ўртасида еру осмон қадар фарқ бор.

Охирги сатрдаги «бехудлуғ», «майхўрлик» ва «девоналиғ» тушунчалари қай мақсаддада ишлатилаётганинг тўғри тушуниш зарур, албатта. «Бехудлуғ» ақл

— дар руҳий қувватдир. Май-чи? У
мирифат нури, ҳиссиёт «шароби». Бу «май»дан ичиб
ақли ҳушини йўқотган одам дунёга энг ҳушёр ва теран
нигоҳ билан қаровчи донишманд зотдир. Мир Алишер
Навоий шеърхонни мана шунга чорлайдилар.



«ҚАНОАТ ТАРИҚИҒА КИР...»

*Қаноат тариқиға кир, эй күнгүл,
Ки хаттм ўлғай ойини иззат санга.
Десанг шоҳ ўлай еру күк басдуурүр,
Бу бир тахту ул чотри риғбәт санга.
Фано шуъласида ёшур жисемни,
Керак бўлса зарбофт хилъат санга,
Етар лола бутган қиё қулласи,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.
Эрур бас, ариғ нуктау қон ёшиңг,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга,
Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга,
Назарни қадамдин йироқ солмагил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам оғат санга,
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чалинмоқ не тонг қўси давлат санга,
Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий агар етса наевбат санга.*

зрат Навоийнинг «Лисонут тайр» достонида бир
ит бор. Уни ўқиб, тасаввурингизда шундай воқеа
энади: олий сифатларга эга мўътабар бир зот.
ши ҳақни билишда қиёссиз. Шунга қарамасдан,

фавқулодда камтарин. Аэбаройи хоксорлигидан ўзини ҳар нарсадан кам кўради. Кунлардан бирида шу ҳақшуноснинг кўзига хаста ит кўриниб қолади. Ва у киши кутилмагандан кўзларига ёшлар олиб дейди: «Бу ит вафодорлар тоифасидандур. Мен эса бундок эмасман. Вафо ва садоқатда ўзимни унга тенг деб айтолмайман...» Ушбу сўзларни эшитган ит гўёки тушунгандай у одамнинг олдидан йўл солиб ўтиб кетади. Итнинг тупроқ устидаги оёқ изларини кўрган ҳалиги зот ер ўпиб, уларга кўзларини сурта бошлайди. Бундан унинг вафосизликка этак силкиб, вафодорликка сажда этаётганлиги англашилади.

Бу ҳикоят Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисидадир. Нақшбандийнинг асл исми Муҳаммад ибни Муҳаммад Бухорий. 1314 йилда Бухоронинг Қасри Орифон деган жойида туғилган. Хожа Баҳоуддин замонасининг буюк фарзанди ва олими сифатида шухрат топиб, тасаввуфдаги нақшбандийлик тариқатига асос соглан. Нақшбандийлик кишиларни таркидунё қилмаслик, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, ҳаётни севиш ва қадрлаш, нафс учун бировларга тобе бўлмасликка рағбатлантирган.

Мир Алишер Навоийнинг юқоридаги қитъаси нақшбандийлик тариқатининг туб моҳияти ва унинг асосий шартларини шарҳлашга бағишлиланган. Биринчи байт:

*Қаноат тариқига кир, эй кўнгул,
Ки хаттм ўлғай ойини иззат санга.*

Маълум бўлаётирки, ҳазрат Навоий таърифига кўра, нақшбандийлик – қаноат маслаги. Улуғ шоир «Ҳамса»да: «Шоҳ ул эмаским бошиға қўйди тож, шоҳ ани билким йўқ анга эҳтиёж», дейдилар. Мана шундай эҳтиёжсизликнинг номи қаноат. Қаноат йўли – иззат йўли. Қаноат соҳиби учун қарамлик эмас, ҳокимлик хосдир. Унинг шоҳлиги руҳан еру кўкни эгаллаш камолотидир. Унга ер бир тахт бўлса, кўк – чатри рифъат, яъни юксаклик чодиридир:

Десанг шоҳ ўлай еру кўк басдуур,
Бу бир тахту ул чотри рифъат санга.

Бутун борлиғи билан еру кўкка уйғунлашиб кетмоқ шавқида ёнган шахс, шак-шубҳа йўқки, вужудини зарбофт тўнлар билан ясантириб юришдан беҳад баланд туради. Шунинг учун у жисмини ҳам йўқлик нурлари (аслида, бу инсон мавжудлигини абадийлаштирадиган илоҳий шуъла) билан ёпарди. Шоир шу маъруфий тушунчага асосланиб:

Фано шуъласида ёшур жисмни
Керак бўлса зарбофт хилъат санга,—

дейдилар. Фано шуъласидан зарбофт кийим кийиш – руҳан табиат билан уйғунлашиш демакдир. Шуни ҳисобга олиб шоир қитъанинг кейинги байтларида қаноатли одамнинг олий муроди ва зебу зийнати нима эканлигини изҳор этади:

*Етар лола бутған қиё қулласи,
Мурод үлса гулгун ҳашмат санга.
Эрүр бас ариғ нұктай қон ёшинг,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга.*

Мазмұни: «Қаноат тариқига кирған зотнинг эъти-
бор қозониш ёки донг таратишига уринишига ҳожат
йүқ. Агар у гулгун дабдабаларни ҳавас қилған бўлса,
тоғ ёнбағриларида унган лолалар унга етарли. Дуру
лаълдан зебу зийнатли бўлмоқ, истаги учун эса покиза
маъноли сўз ва қонли кўзёшларнинг ўзи кифоядир»,

Покиза сўз ва маънолар қандай туғилади? Дард ва
муҳаббатдан. Кўздан оқсан қонли ёшларнинг ирмоғи
– шавқ ва изтироб. Ишқсиз кимсаларнинг дийдасидан
дуру лаълга айланажак ёшлар эмас, тошлар тўкилади.
Демак, Нақшбандий тариқатининг маънавий-ахлоқий
замини Ишқ. Бу таълимотга кўра, қаноат нури, шукуҳи
– муҳаббатдир. Мир Алишер Навоийнинг бошқа бир
асарида ёзилишича, Нақшбандийдан: «Сизнинг жано-
зангизда қайси оятни ўқусинлар?» деб сўраганларида,
у киши: «Бу байтни ўқусунлар:

*Чист аз ин хўбтар дар ҳама оғоқ кор
Дўст расад назди дўст, ёр ба наздики ёр», –*

деган эканлар. Байтнинг мазмұни: «Дунёда дўст дўст-
нинг қошига етишиши, ёр ёрга яқинлашишидан ях-
широқ нима бор?»

Нақшбандий дунёқараши ботинан (ичдан) Худо

билан, зоҳиран (ташқаридан) одамлар билан бўлиш кераклигини ёқлади. Унинг ақидаси бўйича, «дил ба ёру, даст ба кор», юрак Худо билан бўлиб, қўл меҳнатдан ажралмаслиги керак. Зотан, меҳнат-машаққатсиз чайналган ҳар қандай ризқ ва нарса ҳам ҳаромдир. Нақшбандий тариқатига биноан мана бундай шартларга риоя этмоқ жоиз. Уларнинг биринчиси – «хилват дар анжуман», дейилади, иккинчиси – «сафар дар ватан». Учинчиси – «назар дар қадам». Тўртинчиси – «хуш дар дам».

«Хилват дар анжуман»нинг моҳияти – эл-улусдан ажралма, майли, ёлғиз бўл, лекин одамлардан қочма, анжуманнинг ичида хилватингни топ, деганидир. Ҳазрат Навоий буни қитъада қуидаги шаклда баён этадилар:

*Десанг хилватим анжуман бўлмасин,
Керак анжуман ичра хилват санга.*

Яъни: узлатда улусдан йироқлашмайман десанг, анжуман ичра хилват изла.

Инсон умрининг мазмуни, бундоқ қаралганда, ҳаётга, табиат, жамият, қолаверса, дунёга сафардир. «Маҳбуб-ул қулуб»да ҳазрат Навоий сафарнинг фойдалари хусусида ёзадилар: «Турғун ер қайда-ю, айланувчи осмон қайда? Бир жойда турган тупроқ қайда-ю, сайр этиб юрувчи юлдуз қайда?.. Сафар айрилиққа учраганларни мақсаддага етказувчи ва маҳрумларни мурод уйига олиб киравчидир. Сафар хом одамларни

пиширувчи ва таомларни сингдирувчидир. Сафар – кишиларни олам ажойиботларидан баҳраманд этади, ғаройиботлар дунёсидан хабардор қиласи...» Шунинг учун унинг олам ва одам ҳаракатларидан ажралиб яшашга ҳаққи йўқ. Кишининг инсонийлигини белгилайдиган бош мезон эса туғилишиданоқ Ватанини танишидир. Бу – Ватанга сафардир. Буни шаҳар ва қишлоқлар, боғу саҳроларни кезиш дебгина тушуниш керак эмас, албатта. Ватанга сафар – одамнинг ўз вужуди ва асл Ватанига ҳам саёҳатдир. Нақшбандийнинг «Сафар дар Ватан» деган тушунчасини мана шундай миқёсларда қабул этиш зарурдир. Акс ҳолда у юзаки бир даъватга ўхшаб қолади. Уни Мир Алишер Навоий талқинида ўқиймиз:

*Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.*

Яъни: сафару саёҳатлардан чарчасанг, улар сенга заҳмат ва мashaққатлар туғдирса – Ватанинг ичра сокин ва осуда яша, лекин сойир бўл. Одам қандай қилиб ҳам сокин-у, ҳам сойир, саёҳат этувчи бўла олади? Ҳазрат Навоий бунда инсондаги хаёл саёҳати, руҳ ва юрак сафарларини ҳам эътиборда тутганлар.

«Назар дар қадам» – масъуллик ўз-ўзига жавобгарлик қатъиятидир. Нақшбандий бунда одамнинг босаётган ҳар бир қадамидан мақсад нима эканлигини англаши, инсоннинг биронта одими ҳам изсиз қолмаслиги, юрилаётган йўллар қайси манзилларга олиб бо-

ришини идрок этиш зарурияти каби ақл фаоллигини талаб қиласынан масалаларни мужассамлаштирган. Ҳазрат Навоийда бу ҳақиқатлар ифодаси мана бундай:

*Назарни қадамдин йироқ солмагил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.*

«Хуш дар дам»нинг муҳтасар маъноси – ҳар дам ва нафасингни хуш ўтказ. Бу некбинлик умрни ардоқлашга ўргатувчи ҳушёрикдир. Агар киши даму нафасидан ақлу ҳушини йироқ тутмаса, унга ҳеч қандай оғат юзлана олмайди, деб уқтирадилар бобомиз:

*Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам оғат санга.*

Ҳазрат Навоий ушбу фикрлар баёнидан сүнг қўйидаги умумий холосани чиқарганлар:

*Бу тўрт иш била рубъи маскун аро
Чалинмоқ не тонг қўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд
Навоий, агар етса навбат санга.*

«Бу тўрт иш» – юқорида изоҳлаганимиз, нақшбандийлик тариқатининг тўрт шарти, ҳазрат Навоийнинг эътирофларича, шу тўрт шартни адo этган киши «рубъи маскун» – ер юзида улуғ давлатга эришади (ёки давлат нағорасини чалади).



«ТАВАККУЛНИ УЛ КИМ...»

*Таваккулни ул ким құюб хотирига
Тушар шоҳ олдинда қуллуқ ҳавоси.
Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи Қорун эрур муддаоси,
Бирөвким, бүлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керакдур қазоннинг қароси.*

Тавакқул ёки таваккал сүзининг луғавий мазмуні – Аллоҳга умид боғлаш, Унинг эҳсонларига ишонишdir. Худонинг марҳаматига инониб иш юритувчилар таваккалчилардир. Ҳақиқий таваккалчилар учун қатыият, мардлик, айтган сўзида қоим туриш, эътиқод мустаҳкамлиги сингари хислатлар хос бўлган. Улар Яратганинг ўзини ягона раҳбон ва мададкор деб ҳисблашган. Шу боис улар инсон шахсиятига сифинмаганлар. Лекин одам фарзандига хос риёкорлик бунда ҳам ўз кучини кўрсатган. Акс ҳолда ҳазрат Навоийнинг ушбу қитъаси ёзилмаган бўлур эди. Қитъанинг ilk байтини ўқишимиз билан кўз ўнгимизда икки қиёфали бир кимса намоён бўлади. Ташқаридан қаралганда, бу кимса таваккалчи. Лекин аслида у хушомад бандаси, нафс учун ўзининг ички ҳақиқатини сотувчи. Бобомиз Худога ишончни инсоннинг ўз-ўзига ишончи билан қарийб teng қўядилар. Қитъада қораланаётган

кимса, аввало, ўзига инонмайди. Демакки, унинг таваккалчилиги ёлғон. Шунинг учун у таваккални ниқоб қилиб подшоҳ олдида қуллуқ этади. Ҳазрат Навоий мана шуни кечиролмайдилар. Улуғ шоирни шу буқаламунлик қаҳрлантирган. Шеър давомида бу иккиюзламачиликнинг илдизи равшанлашади. Гап хушомад ва қуллуқчилик фожиаси тұғрисида. Одатда «қуллуқ хавоси»га тобе кимсаларнинг күпчилигида қорин ва мартаба ташвишидан юқорироқ илинж бўлмайди.

Қорун – бениҳоят бойлийка зришган кимсанинг номи. Мир Алишер Навоий «шоҳ оллинда қуллуқ қилған риёкорнинг муддаоси ўша Қорун хазинаси бўлгани билан унинг насибаси бир коса ош эканлигини бежиз таъкидламаганлар. Чунки қуллуқ ва хушомаднинг замираida қандай катта даъво яширинмасин, асл моҳиятда у Қорун учун қадр ва қаноатни ерга қориш демакдир. Буни ўз номи билан юзқоралик деб атамоқ лозим. Ҳазрат Навоий ҳам бир коса ош учун ўзини қулликка маҳқум этган нокаснинг башараси эл назаридан яширин қолмаслигини ўйлаган бўлсалар керакки:

*Бирорким, бўлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керакдур қазоннинг қароси, –*

дея ҳукм чиқарганлар. Бу – адолатли ҳукм.



«КИМКИ МАХЛУҚ ХИЗМАТИҒА...»

*Кимки махлук хизматиға камар
Чуст этар – яхшироқушалса бели.
Құл қовуштурғунча бу авлодур,
Ки анинг чиқса әгни, синса эли.
Чун хушомад демакни бошласа кош,
Ким тутулса дами, кесилса тили.*

Бу қитъа бундан олдин талқын этилган шеърнинг мантиқий давомидай үқилади. Холиқ – Яратувчи, яъни Худо. Махлук – яратилган. Одам ҳам махлукотлардан бири. Агар шу маъно эътиборга олинса, қитъанинг илк байтидан шундай хулоса чиқариш мумкин: қайси кишики үзи сингари махлук хизматига бел боғласа, бундан күра унинг бели сингани яхшироқдир. Лекин айни ўринда «махлук» сўзидан кўзда тўтилган маъно бошқа, яъни кимки ярамас ва тубан кимсаларга югурдаклик қилса, бели ушалгани маъқулроқдир, дейиляпти.

«Қулинг синсин!», «Тилинг кесилсин!», «Нафасинг ўчсин!» булар ҳалқнинг қарғиши иборалари. Мир Алишер Навоийнинг хушомад ва тилёғламаликка муносабати нақадар салбий бўлганлигини шундан ҳам англаш мумкинки, у киши хушомадгўйни лаънатгагина лойик, деб ҳисоблаб қолмай, балки унинг учун қарғиш

раволигини ҳам таъкидлаганлар. Хушомадгүй тил – алдоқчи. У авраб-алдайди, алдаб доғда қолдиришни хоҳлайди. Ҳазрат Навоий бундай макрбоз тилларнинг кесилишини тилаганида нақадар ҳақ бўлганлар.






«КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...»

*Камол эт касбким, олам уйидин,
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ,
Жаҳондин нотамом ўтмак бианиҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ,*

Камол касб этмоқ дегани – беҳад кенг ва теран тушунча. Бу қитъани ўқигандаги, аввало, мана шу тўғрида фикр юритиш керак. Мир Алишер Навоий «Лисонут тайр»да: «Тўрт унсур, етти кўк ва олтита томон – булар коинотнинг нодир ва энг олий асосини ташкил этади. Коинотдаги барча нарсалар ичida ҳаммадан энг улуғи Инсон бўлиб, унинг камолоти олдида ақл ҳайрон қолади», дейдилар. Инсоннинг камолот йўли мана шу ҳақиқат ҳақида чуқур ўйлашдан бошланади. Ва у аста-секин ўзлигини излайди. Ўзини таниган оламни танийди. Шу тариқа у «олам уйида» ғам ва ғафлатда тутқун яшашдан руҳини қутқаради. Ҳазрат Навоий «Камол эт касбким» дея даъват қилганларида комиллик учун зарур жуда кўп хусусиятларни назарда тутганлар. Киши ўзини ҳирс, тама, нафс, ғафлат, нодонлик сингари майлларидан покламаса, у ҳеч пайт комил бўлолмайди. Комиллик учун улкан инсоний қалб, уни нурлантирувчи сўнмас ишқ ва кенг қамровли тафаккур зарур. Буларсиз маънавий-руҳий мукаммаллик ва ақлий балоғат хусусида сўз

айтиш мумкин эмас. Булардан қайси биридир етишмаса, ҳаммомга кириб нопок чиқмоқдай гап бўлади. «Олам уйи»да яшаш унинг фуқаросига айланишдир. Тасаввуфда тарк деган тушунча бор ва у учга ажратилган: тарки дунё, тарки уқбо (жаннат тарки), тарки ҳости (ўзлик тарки). Ана шу уч таркка эришмагунча, ҳеч ким комиллик мақомига кўтарилидим, яъни тўла покландим, дея олмайди. Қитъада ушбу ҳақиқат ҳам кўзда тутилганки, сулук аҳли уни шу маънода қабул қилишган.





«НЕ РАҲРАВИКИ, ТОЖИ ҲИДОЯТ...»

*Не раҳравики, тожи ҳидоят бошидадур,
Йўқ боқ, анга ҳаводиси афлок тошидин.
Худхудки, қўйдилар азалий тож бошиға,
Тушкайму жола ёғқон ила тож бошидин.*

Раҳрав (роҳрав) тожикча сўз, йўлчи, йўл юрувчи, солик дегани. Қитъа «тожи ҳидоят»лиғ йўлчи таърифига бағишиланган. Хўш, бу ибора нимани англатади? Тўғриликни. Бу Ҳақ йўлни ифодоловчи тождир. Шоир айтмоқчики, тўғри йўлга кирган, ростликка эътиқоди шаклланган дарвеш, фақир, мард ва жасурдир. Замон ва давр воқеалари нечоғли ўзгариб, турли шаклларга кирмасин, Ҳақ йўлчисида қўрқув, таҳлика бўлмайди. Демак, ҳаёт ва замон «тош»ларидан чўчимасликнинг асосий чораси тўғрилик ва Ҳаққа садоқатдир. Айни ўринда бунга далил сифатида Худхуд қисмати танланган. Ҳазрат Навоийнинг «Лисон ут-тайр»ида бу қуш мадҳида ўқиймиз: «Худхуд (попишак) ақл нуридан баҳраманд ва раҳбарлик жиғаси билан сарбаланд бўлган бир қушдирки, унинг зотида шараф ва иззат ниҳоят юксак бўлиб, бошини тўғри йўл кўрсатувчи тож безайди».

Худхуд «оламда тенги ва ўхшashi йўқ бир шоҳ» – Худонинг мавжудлиги ва қудратини англаған қуш. Шарқда у тўғрисида тўқилган ривоятлар кўп. Буларда у ақл ва

денишмандликнинг тимсоли бўлиб гавдаланади. Ҳудҳуднинг бошига «азалий тож» қўйилишининг илдизларини очадиган битта ривоятни эслатиб ўтайлик. Маълумки, Сулаймон пайғамбар бутун жонзотларнинг, жумладан, кушларнинг ҳам тилини билган. Унинг саройида кўп кушлар тўпланган. Хар бир қушнинг ўз маҳсус жойи бўлган. Қунлардан бир кун Сулаймон бутун қушларни назардан ўтказиб, ҳудҳуднинг ўрнини буш кўрибди ва унинг ўзбошимчалигидан ғазабланибди. Ҳудҳуд қайтганидан сўнг унга оғир жазо бермоққа онт ичибди. Бир неча вақтдан сўнг ҳудҳуд қайтиб келибди. Шоҳ уни сўроққа тутибди. Шунда ҳудҳуд Сабо шаҳрига учиб борганлиги, у ерда бир улкан давлат бўлиб, подшоҳи Билқис отли гўзал хотин эканлигини сўзлабди. У мамлакат кишилари қуёшга сифинарканлар. Тўғри гапларни айтганлиги учун Сулаймон пайғамбар ҳудҳуднинг гуноҳидан ўтибди. Кейин Билқис хонимга мактуб ёзиб оташпастликдан кечиб, ўзининг динини қабул қилишларини таклиф этибди. Билқис бунга розилик билдирибди. Ҳудҳуд шарофати билан Сулаймон Билқис хонимга уйланган, ўша-ўша ҳудҳуд пайғамбарнинг меҳрини қозонган, яқин сирдоши бўлиб қолган экан. Қитъадан келиб чиқадиган умумий маъно бундай: тўғрилик йўли – ҳудҳудсифатлик йўли. Дўл ва жала ёққани билан ҳудҳуднинг бошидаги тож тушиб кетмаганидек Ҳақ йўлида юрганлар ҳаётини ҳам хавф-хатарлар маҳв эта олмайди.



«ЮЗИГА АСЛИ ЁМОННИНГ...»


*Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сияҳ гилемга, албатта, меҳр айлама фош.
Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қуёш чарогига парвона бўлмади хуффош.*

Одам боласи онадан ёмон бўлиб туғилмайди. У тарбиятсизлик туфайли ёки носоғлом муҳит таъсирида ёмон бир банда ўлароқ шаклланади. Хўш, бундайларни яхши муомала-муносабат билан ўзгартириш мумкинми? Қитъанинг умумий мантифи бу саволга: «Мумкин эмас», деб жавоб қайтаришни талаб этади. Ва айни пайтда юқоридаги фикримизни бир қадар ислоҳ қилиш мажбуриятини ҳам туғдиради. Илондан илон пайдо бўлади, чаёндан чаён, дейишади. Худди шунга ўхшаб бадахлоқ ота-оналардан ҳам ёмон фарзандлар туғилади. Булар ҳазрат Навоий иборалари билан айтганда, «асли ёмон»лардир. Бобомизнинг насиҳатларига амал қиласиган бўлсак бунақаларга хуш хулқлик кўрсатавериш доноликдан эмас. Негаки, «сиёҳ гилем»га қанча нур тўкилмасин, унинг қоралиги ортса ортадики, камаймайди. «Асли ёмон»нинг қора гиламга қиёсланиши билан ҳам кифояланиш мумкин эди. Лекин мана бу ўхшатиш шоир нуқтай назарини янада ёрқинроқ аён этади:

*Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қўёш чароғига парвона бўлмади хуффош.*

Жуал – қоракўнғиз (тезакқўнғиз). Унинг қисмати гул исинимас, тезак бўйини ҳидлаш. Шунинг учун унга гул иси бирла руҳни тозалаш насиб этмаган. Хуффош – кўршапалак-чи? Унинг ҳаёти зулмат бағрида кечади. Кўршапалак «қўёш чароғига» парвоналикдан маҳрумдир. Демак, одам таниш ва танлашда ҳушёрлик, сезгирилик зарур.





«ЮЗИГА АСЛИ ЁМОННИНГ...»

*Юзига асли ёмоннинг кўп очма гулшани хулқ,
Сияҳ гилемга, албатта, меҳр айлама фош.
Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қуёш чароғига парвона бўлмади хуффош.*

Одам боласи онадан ёмон бўлиб туғилмайди. У тарбиятсизлик туфайли ёки носоғлом муҳит таъсирида ёмон бир бандада ўлароқ шаклланади. Хўш, бундайларни яхши муомала-муносабат билан ўзгартириш мумкинми? Қитъанинг умумий мантиғи бу саволга: «Мумкин эмас», деб жавоб қайтаришни талаб этади. Ва айни пайтда юқоридаги фикримизни бир қадар ислоҳ қилиш мажбуриятини ҳам туғдиради. Илондан илон пайдо бўлади, чаёндан чаён, дейишади. Худди шунга ўхшаб бадахлоқ ота-оналардан ҳам ёмон фарзандлар туғилади. Булар ҳазрат Навоий иборалари билан айтганда, «асли ёмон»лардир. Бобомизнинг насиҳатларига амал қиласиган бўлсак бунақаларга хуш хулқлик кўрсатавериш доноликдан эмас. Негаки, «сиёҳ гилем»га қанча нур тўкилмасин, унинг қоралиги ортса ортадики, камаймайди. «Асли ёмон»нинг қора гиламга қиёсланиши билан ҳам кифояланиш мумкин эди. Лекин мана бу ўхшатиш шоир нуқтаи назарини янада ёрқинроқ аён этади:

*Ки қилмади гул иси бирла тоза руҳ жуал,
Қўёш чароғига парвона бўлмади хуффош.*

Жуал – қоракўнғиз (тезакўнғиз). Унинг қисмати гул исинимас, тезак бўйини ҳидлаш. Шунинг учун унга гул иси бирла руҳни тозалаш насиб этмаган. Хуффош – кўршапалак-чи? Унинг ҳаёти зулмат бағрида кечади. Кўршапалак «қўёш чароғига» парвоналикдан маҳрумдир. Демак, одам таниш ва танлашда ҳушёрлик, сезгирилик зарур.





«ЧУ ДУШМАН ЎЛДИ ҚАДИМИЙ...»

*Чу душман ўлди қадимий зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахши жонға роҳат эрур.
Сув бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа оғат эрур.*

Мир Алишер Навоий душманлик туйғусининг зарарли оқибатлари, хусусан, душманга муносабатдаги эҳтиёт ва хушёрлик ҳақида қайта-қайта гапиргандар. «Махбуб-ул қулуб»нинг бир ўрнида: «Душман алдовига учма... Душманинг ғарази ўз ёмон ниятига етмоқдир...» дейилса, бошқа бир жойида: «Зўр душманинг мағлуб бўлса шодланма, унинг ишидан ғофил бўлма. Уни жазолашда сабрли бўлиш, муомала да эҳтиёткорлик лозимдир», дея насиҳат берилади. Дейликки, зўр душман – қадимий душман. Ғанимлик ҳиссиётларининг умри чўзилган сайин, уларнинг зиён тиғлари ҳам ўткирлашади. Нега шундай? Бу қитъада мана шу саволга мукаммал бир жавоб бор. Қайсиdir вазиятларда душманлик – ҳийлагарлик, муғомбирлик. Тилёғламалик ҳам ғанимнинг синовдан ўтган қуроли. Душман ширин сўзлари билан жонга роҳат бериши мумкин. У бу ишни маккорлик билан эплайди ҳам. Аммо бундай «роҳат» чалғитувчи, ғафлат тузоғидир. Бобомиз айни шу нарсадан

«хазар эт!» дейдилар. Бунинг исботи учун ўт ва сув орасидаги зиддият эслатилади. Чиндан ҳам ўт ва сув ўртасида азалий ихтилоф бор. Шоир айтмоқчи, сув гарчи ҳаёт суви бўлганида ҳам ўтнинг заволи. Сув бор жойда олов ёнмайди. Оловнинг умри тугайди. Лекин бу оддийгина мантиқ кўзгусида қадимий душманнинг ҳам қилмиши, ҳам совуқ башараси кутимаганда равшанлашади. Мир Алишер Навоий бу шеърни ёзганларида, душманга душманлик қилмоқ керак, деган ниятни кўзламаганлар. Балки кунлар ва ойлар эмас, йиллар давомида кину адоват пичоқларини яшириб баттол юрган ғанимингнинг кимлигини бил, унинг тилидаги «шакар»идан ҳазар қил, демоқчи бўлганлар. Бу бугуннинг ҳам гапидир. Бу – одамни ғараз, ҳasad, тухмат тошларидан эҳтиёт бўлмоқقا ундовчи ҳикматли чорловдир.





«ЧУ ДУШМАН ЎЛДИ ҚАДИМИЙ...»

*Чу душман ўлди қадимий зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахши жонға роҳат эрур.
Сув бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа оғат эрур.*

Мир Алишер Навоий душманлик туйғусининг зарарли оқибатлари, хусусан, душманга муносабатдаги эҳтиёт ва ҳушёрлик ҳақида қайта-қайта гапиргандар. «Маҳбуб-ул қулуб»нинг бир ўрнида: «Душман алдовига учма... Душманнинг ғарази ўз ёмон ниятига етмоқдир...» дейилса, бошқа бир жойида: «Зўр душманинг мағлуб бўлса шодланма, унинг ишидан ғофил бўлма. Уни жазолашда сабрли бўлиш, муомалада эҳтиёткорлик лозимдир», дея насиҳат берилади. Дейликки, зўр душман – қадимий душман. Ғанимлик ҳиссиётларининг умри чўзилган сайин, уларнинг зиён тиғлари ҳам ўткирлашади. Нега шундай? Бу қитъада мана шу саволга мукаммал бир жавоб бор. Қайсиdir вазиятларда душманлик – ҳийлагарлик, муғомбирлик. Тилёғламалик ҳам ғанимнинг синовдан ўтган қуроли. Душман ширин сўзлари билан жонга роҳат бериши мумкин. У бу ишни маккорлик билан эплайди ҳам. Аммо бундай «роҳат» чалғитувчи, ғафлат тузоғидир. Бобомиз айни шу нарсадан

ҳазар эт!» дейдилар. Бунинг исботи учун ўт ва сув
трасидаги зиддият эслатилади. Чиндан ҳам ўт ва
ув ўртасида азалий ихтилоф бор. Шоир айтмоқчи,
ув гарчи ҳаёт суви бўлганида ҳам ўтнинг заволи.
ув бор жойда олов ёнмайди. Оловнинг умри тугай-
и. Лекин бу оддийгина мантиқ кўзгусида қадимий
ушманинг ҳам қилмиши, ҳам совуқ башараси ку-
илмаганда равshanлашади. Мир Алишер Навоий бу
іеърни ёзганларида, душманга душманлик қилмоқ
ерак, деган ниятни кўзламаганлар. Балки кунлар ва
йлар эмас, йиллар давомида кину адоват пичоқлари-
и яшириб баттол юрган ғанимингнинг кимлигини
ил, унинг тилидаги «шакар»идан ҳазар қил, демоқчи
ўлганлар. Бу бугуннинг ҳам гапидир. Бу – одамни
эрзаз, ҳасад, тухмат тошларидан эҳтиёт бўлмоққа
ндовчи ҳикматли чорловдир.





«ВИҚОР ГАВҲАРИЮ...»

*Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,
Десангки, қилғай итоат санга гадо била шоҳ,
Бу шева тоғда зоҳирдурурки, даврондин
Қачонки тафриқа етти, улусқа бўлди паноҳ.*

Ҳақиқий санъаткор – инсонни инсонлик шарафи ва мартабасига юксалтирадиган такрорланмас фазилат, энг нодир хислатларнинг толмас тарғиботчиси ҳамда муҳофизи ҳисобланади. Бу жиҳатдан Алишер Навоийнинг ижодиёти алоҳида эътибор ва аҳамиятга моликдир. Ушбу қитъада икки фазилат – виқор ва ҳилм улуғланган.

Виқор – вазминлик, улуғворлик, салобат мазмунидаги виқр сўзидан пайдо бўлган. Бу калима ёшлиқдаги ғайрат, ҳаракатчанлик билан кексаликдаги сокинлик, теранликнинг ўзаро бирлашувини акс эттирган. Демак, виқорнинг бир қаноти ёшлиқка тегишли бўлса, иккинчиси қарилликка дахлдор.

Нақл қилинишича, бир кекса кишининг аҳволини кўриб Иброҳим пайғамбар, «Эй Роббим, бу недур?» деб сўрабди. Аллоҳдан «Виқордур», деган жавоб келибди. Шунда ҳазрати Иброҳим «Аллоҳим, менинг виқоримни орттири», дея илтижо қилган экан. Виқор – орифлик сифати. Шунинг учун ҳам шеърда виқор гавҳарга, гавҳар эса виқорга teng ва мувофиқ кўрилган.

Үз қадр-қимматини англаш, ғуруп соҳиби бўлиш, тамаъ, хушомад, тилёғламалик сингари чиркинликлардан тозаланиш – буларнинг барига виқор бир қалқон, дейиш мумкин. Чинакам виқор кеккайиш, манманлик, кибру ҳавога қуллик каби ҳирсларни сўлдириб, сўндириб ташлайди. Қитъа:

Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўлакўр,

деган бир даъват билан бошланиши бежиз эмас. Чунки виқорнинг зийнати ва жозибаси ҳилм, яъни юмшоқлик, тамкин ҳамда хоккорликда.

Навоий бобомизнинг таърифларига кўра эса, «ҳилм (мулойим табиатлилик) инсон вужудининг хушманзара мевали боғидир ва одамийлик оламининг жавоҳирга бой тоғидир... Ҳилм ахлоқли одамнинг қимматбаҳо либоси ва у кийим турларининг энг чидамли матосидир. У – ёмон нафсни дайди шамол ўчиришидан асрагувчи ва иккиюзлама мунофиқларнинг бехуда ҳаракатидан ҳимоя қилувчидир».


«Ҳилм маъдани» бўлиш – тил ва дил юмшоқлиги, шафқат ва меҳрибонлик одобини эгаллаш осон иш эмас. Ҳилм – сўз ва муомала маданияти, бағрикенглик ва дил поклигини талаб этади. Олимлар ҳилмни уч турга бўлишган. Бири ҳилми золимон дейилади. Золимлар ҳилми – кўнгилдаги кину адоватларни ҳайдаш демак. У кечиримли бўлмоқ ва афв этишни шарт қилиб қўяди. Шунда одам ёмонлик қилганга ҳам неклик эта олади ва бундан ҳузур ҳам топади.

Қадим Эрон подшоҳи Нўширавони одил ҳилмга

хиёнат қилмаслик учун учта хат ёзибди-ю, қулига бериб дебди: «Мен аччиғлансан, шу уч хатдаги гапларни галма-гал үқиб берурсан». Кунлардан бирида унда қаҳр-ғазаб құзғалиби. Қул биринчи хатни очиб үқибди. Унда: «Жаҳлингни қув, Тангри сенга яхшилик қилгай!» деган сұзлар битилган экан. Иккінчисіда: «Раҳм қил, раҳм күргайсан», учинчисіда: «Тангри қулларини Тангрига топшир, у ростликка бүйин згидргай», дейилган экан. Бу ривоятдан иккита хулоса чиқариш мумкин. Биринчisi, эң одил банда ҳам ҳилм учун қайғуриши керак. Иккінчisi, ҳилм туфайлигина беғараз иззат-хурматтаға эришилади. Ва ана шунда шоҳу гадо ишончига мұяссар бўлиш мүмкіндир. Навоий үйлаган, орзу қилган маънода викор ва ҳилмни үзіда мужассамлаштирган шахсни топиш қийин, албатта. Балки шу боисдан ҳам шоир қийин ва зиддиятли вазиятда халққа пушти паноҳ бўлишнинг дахлсиз намунаси тоғда намоёндир, дейди:

*Бу шева тоғда зоҳирдууреки, даврондин,
Қачонки тафриқа етти улусқа бўлди паноҳ.*

Дарҳақиқат, қайси әлат ёки миллат тоғ қадар викорли, ҳаёт зарбаларига қадди букилмайдиган шижаатли фарзандларни вояга етказмас экан, ҳеч қачон у майда тушунча ва үткинчи ташвишлар гирдобидан четлашолмайди. Бу ўринда тоғ тимсоли кенг фикрлашга чорлашини ҳам унутмаслик лозим.



«БИЙИК МАҚОМИҒА УЛКИМ...»

*Бийик мақомиға улким тилар сабот, керак
Ки, әгриликтүрк құюб, тузлук айласа қонун.
Туз үлса соясида эл тиниб манор киби,
Сипеке үйида тураг қарнлар нечуккү сутун,
Гар әгридур ёғибон үқу боғланыб бүйни,
Бұлур қабақ үйғочидек беш-үнча кунда нигун.*

Шарқ донишмандларидан бири: «Ҳар кишининг бүйнида икки занжир бұлур. Бировининг учи етти қат күкка, иккінчисииники етти қат замин қаърида. Кимки тузлук, яъни тұғриликтә эътиқодлы бўлса, юқоридаги занжир тортилур. Бундай одам халқ ичидә улуғ ва азиз бўлур... Кимда-ким әгрилик ва такаббурликни одат қылса, пастки занжир тортилур. Ва ундей маҳлук эл орасинда хор ва беэътибор бўлур», деган экан. Занжир хусусидаги гапга шубҳаланиш мумкиндир балки. Лекин тұғриликтің инсон қадрлары осмон қадар юксакликка күтариб, әгрилик уни тупроққа қорыштириб ташлаши рост. Ҳазрат Навоий әгриликтің – ботиллик, тұғриликтің «хақ дурур», дейдилар. Шоир китъада тұғриликтің умр ва әзгулик таянчи сифатида улуғлаган.

Дастанлабки байтнинг маъноси: «Кимки баландлық мартабасини истар экан, унга әгриликтан кечиб,

тұғриликни яшаш қонунига айлантириш саботи керак. Кейинги фикрлар тамсилій характерда. Яъни: тұғри киши минорга үхшайды, әл унинг соясида тин олмоғи мүмкін. Агар әгри бұлганида қабақ ёғочидек бүйнидан боғланиб, үқ ёғдирилар ва у үн-үн беш кунда яксон бўларди. «Қабақ йиғочи» ёй билан нишонга олиб, машқ учун ходанинг учига үрнатиладиган ёғочдир.

Мир Алишер Навоий «Ҳайрат-ул аброр»да тұғри одамни шамга қиёслайдилар. Шамнинг қисмати бошдин-оёқ куйиб адo бўлиш. Лекин ёниб тугагунча ҳам нур таратади, у бор экан – ёруғлик мавжуд. Тұғри одамнинг толеи ҳам шунга үхашаш. У тирик экан, унинг руҳидан тұғрилик ёлқинлари балқийверади.





«ТҮННИ ЗАРБОФТ АЙЛАБОН...»

*Түнни зарбофт айлабон ҳиффатдин учқон ҳар тараф,
Йўқ, ажаб гар бор эса дунё матои ком анга.*

*Ул чибинким, кўзга олтун янглиғ эшинар хилъати,
Кўпраки билким, најкосат узрадур ором анга.*

Бу қитъани ўқиган рассом ўзига хос суврат яратиши мумкин. Унда шундай манзара аксини топган бўларди: зарбофт тўнларга бурканган кимса. Юзида мамнуният. Кўзида ҳорислик ҳаракатларида енгилтаклик нишонаси. Зарбофт тўн гўё унинг ички оламини кўрсатиб тургандай. Шу нарсанинг ўзиёқ унинг маслак ва эътиқодини изоҳлаётгандек. У – дунёпаст. Мол йиғишу давлат тўплашдан ўзга баланд талаб йўқунда. Бундан ажабланмайсиз. Лекин ачинасиз. Иттифоқо, олтин янглиғ ялтираб кўринаётган чибинга кўзингиз тушади. Бу чибиннинг ифлос жойларда юрганини кўргансиз. Дарҳақиқат, сувратда ҳам қандайдир ёқимсиз кўлка акси. Бу унинг оромбахш жойи. Ҳалиги дунёпаст бир зумда тасаввурингизда мана шу чибинга айланади. Нега бунча яқинлик? Қаердан бу ўхашлик? Нафсдан, нафс туфайли зарбофт тўнли кимса тилла чибиндек ҳар тарафга учишга тайёр, чибин эса «најкосат узра» гирифтор.



«ТИЛИНГНИ АСРАҒИЛ...»

*Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус.
Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилурлар тожварлар била дастбус.
Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.*

Қитъанинг биринчи икки қаторида: Дунё ишларидан афсус чекмайин десанг тилингга эҳтиёт бўл, асрагил уни, дейилган. Шоирнинг ўз-ўзига мурожаати ва ўзидан талаби барча ўқувчига тегишли.

Бобомизнинг асл муддаоси – тилни асрашга чақириқдир. Лекин буни кимдир англайди, кимдир эса ўқ. Ҳазрат Навоий шуни инобатга олиб, қитъаларида севиб ишлатган тамсил санъати, яъни далил келтириш усулига суюнадилар.

*Назар қилким, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилур тожварлар била дастбус.*

Демак, бу – биринчи далил. Чунончи, назар сол, ўқ оғзи (ёй ўқи эътиборга олинаётир) тилсиз бўлган лиги учун тож эгалари шоҳлар билан қўл ўпишади

Үқнинг тилсизлигини намуна қилиб ҳазрат Навоий одамларга қаратада: «Сиз ҳам буткул гунг бўлинг, шунда тождорлар ардоғи ва саховатига эришасиз», демокчимиilar? Йўқ, албатта. Байтдаги фикр мазмунини аниқ билиш ва тўғри хулоса чиқариш учун ўтмишда яратилган афсона, мифологик қарашларга мурожаат қилиш лозим. Қадимий туркларнинг тасаввурларига кўра ёй ва ўқ Худо томонидан яратилган. Шунинг учун туркларда ёй ҳукмронлик, мустақилликни, ўқ эса тобеликни билдирган. Мабодо бир Қабила иккинчи Қабила бошлиғига ўқ юборса, у икки маънода қабул қилинган. Бири – ҳурмат. Иккинчиси – қарамлик. Энг қадим Хитой манбаларида туркларда ҳар қайси қабиланинг маҳсус ўқи бўлганлиги ёзилган эмиш. Мир Алишер Навоий үқнинг «тожварлар била дастбус» қилишини сўзлаганларида ана шу нуқтаи назарларга асосланганлар. Энди иккинчи далил:

*Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.*

Хўрознинг бемаҳалда қичқириши ҳанузгача хоси-ятсиз ҳодиса саналади. Нега? Бу ҳам афсонавий воқеа билан алоқадор. Олис асрларда Каюмарс деган подшоҳ бўлган экан. У адолатли, кўп жойларни обод этган эмиш. Каюмарснинг Пушанг отли ўғлини Дамованд тоғида девлар ўлдиришади. Бундан бир күш огоҳ бўлиб, қаттиқ нола қила бошлайди. Шоҳ шу күш «йўлбошчилигига» ўғлининг жасадини топади. Каюмарснинг



«ТИЛИНГНИ АСРАҒИЛ...»

*Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус.
Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилурлар тожварлар била дастбус.
Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурус.*

Қитъанинг биринчи икки қаторида: Дунё ишларидан афсус чекмайин десанг тилингга эҳтиёт бўйасрагил уни, дейилган. Шоирнинг ўз-ўзига мурожаат ва ўзидан талаби барча ўқувчига тегишли.

Бобомизнинг асл муддаоси – тилни асрашга чақириқдир. Лекин буни кимдир англайди, кимдир эс йўқ. Ҳазрат Навоий шуни инобатга олиб, қитъаларид севиб ишлатган тамсил санъати, яъни далил келтирил усулига суюнадилар.

*Назар қилким, ўқ оғзи тилсиз учун,
Қилур тожварлар била дастбус.*

Демак, бу – биринчи далил. Чунончи, назар сол, ўқ оғзи (ёй ўқи эътиборга олинаётир) тилсиз бўлган лиги учун тож эгалари шоҳлар билан қўл ўпишади

Ўқнинг тилсизлигини намуна қилиб ҳазрат Навоий одамларга қаратса: «Сиз ҳам бутқул гунг бўлинг, шунда тождорлар ардоғи ва саҳоватига эришасиз», демокчимилар? Йўқ, албатта. Байтдаги фикр мазмунини аниқ билиш ва тўғри хulosса чиқариш учун ўтмишда яратилган афсона, мифологик қараваларга мурожаат қилиш лозим. Қадимий туркларнинг тасавурларига кўра ёй ва ўқ Худо томонидан яратилган. Шунинг учун туркларда ёй хукмронлик, мустақилликни, ўқ эса тобеликни билдирган. Мабодо бир Қабила иккинчи Қабила бошлиғига ўқ юборса, у икки маънода қабул қилинган. Бири – ҳурмат. Иккинчиси – қарамлик. Энг қадим Хитой манбаларида туркларда ҳар қайси қабиланинг маҳсус ўқи бўлганлиги ёзилган эмиш. Мир Алишер Навоий ўқнинг «тожварлар била дастбус» қилишини сўзлаганларида ана шу нуқтаи назарларга асосланганлар. Энди иккинчи далил:


*Неча тожварлар кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз нағма тортар хурс.*

Хўроздинг бемаҳалда қичқириши ҳанузгача хосијатсиз ҳодиса саналади. Нега? Бу ҳам афсонавий воқеа билан алоқадор. Олис асрларда Каюмарс деган подшоҳ бўлган экан. У адолатли, кўп жойларни обод этган эмиш. Каюмарснинг Пушанг отли ўғлини Дамованд тоғида девлар ўлдиришади. Бундан бир күш огоҳ бўлиб, қаттиқ нола қила бошлайди. Шоҳ шу күш «йўлбошчилигига» ўғлининг жасадини топади. Каюмарснинг

бошқа фарзандлари ҳам бўлади, улардан бирини юртга бошлиқ тайинлаб, ўзи девларни ўлдиришга отланади. Каюмарс йўлда кетаётиб бир оқ хўроznи учратади. У йўл бошида туриб қичқирмоқда, сал олисроқقا бир товуқни илон ўраб олган. Хўроz қичқирибгина қолмасдан жон-жаҳди билан илонга ташланар ҳам эди. Бу ҳолат Каюмарсга хуш келади ва: «Агар хўроz ўз жуфтини қутқариш учун курашаётган экан, демак бу жониворнинг ҳам феъли инсонга ўхшаш», дейди. У илоннинг бошини янчиб, хўроz билан макиённи озод қилади. Уларни ўз ўғилларига бериб, асраб-авайлашни буюради. Шундан бошлаб элда товуқ сақлаш расмга айланади. Чунки улар бор хонадонларга девлар йўламас эмиш. Хўроznинг чақириши эса яхшилик белгиси. Унда Навоий нега бемаҳал қичқирган хўроznинг боши кесилиши тўғрисида эслатаётir? Бу ҳодиса ҳам Каюмарс тақдирига боғланган. Бир куни ўша оқ хўроz кутилмаганда кечки пайтда қичқириб қолади. Одамлар бунинг сирини билолмай ҳайратланишади. Сўнг маълум бўладики, Каюмарс ўлган экан. Шунинг учун хўроz кечки пайт қичқирдими – бу ёмонлик ха-бари, ундай хўроznи дарҳол сўйиш лозим, деган фикр ақида шаклида асрлар мобайнида яшаб келган. Бунга ўхшаш эътиқодлар дунёдаги бошқа халқлар учун ҳам хосдир. Масалан, Шекспирнинг «Ҳамлет»ида ўқиймиз:

«Горацио:

*Дерларки, гўё хўроz – тонг карнайчиси,
Қийқириб уйғотади кундуз тангрисин.*




Гүё унинг садосин эшиштгач ҳамон –
Ҳаводами, ўтдами, қуруқда, сувда
Кезаётган саёқ руҳ унга шошилар
Бу қиссанинг далилин биз ҳозир кўрдик.

Марцелл:

Ростдан, хўроz қичқиргач у хира бўлди.
Элда бир эътиқод бор, гўё ҳар қишида
Ҳазрат Исо байрами арафасида
Туни билан қичқириб тураркан хўроz.
Дейдиларки, у кеча-арвоҳлар жимжит
Тунлар-сокит, юлдузлар беозор бўлур...»

Кўряпсизки, бизга оддий бўлиб туюладиган хўроz
қичқириши ҳодисаси икки буюк санъаткор учун икки
мухим маъно ва хилма-хил нуқтаи назарларни ифода-
лашга восита бўлган. Навоий бу восита орқали ўринсиз
гап, мавридсиз алжирашлар инсон ўлимига ҳам сабаб
бўлиши эҳтимолидан огоҳлантирган.





«САХИЙ УЛДУР...»

Сахий улдурки, навъи базл қилғоли,
Агар худ сүфра ичра булса нони.
Ким ул чодир күмочидек етишгай
Гадо уйига күзлардин ниҳони.
Фалакдек йүқки, аввал жи尔ва бергай
Қуёшнинг қурсидек оламға они.

Мир Алишер Навоий бир ўринда имонли одам ўзи тўқ-у қўшниси оч бўлишига чидай олмаслиги хусусида сўзлаб:

Анга доғи керак етурса насиб
Хонида гар қулочу хоҳи умоҷ, –

дейдилар. Оч ва муҳтоjlар билан дастурхонида борини баҳам кўрмок, бу, диёнат ва саҳоват. Лекин бу иш қандай тарзда амалга оширилмоғи керак? Қитъада шу саволга жавоб бор. Унда таъкидланишича, «саҳий улдурки», у дастурхонида фақат нони бўлганида ҳам, шуни эҳтиёжманд кишиларга баҳшиш қила олади. Аммо саҳоватнинг талаби шундангина иборат эмас. Шунинг учун саҳий одам ҳиммат ва марҳаматини кўз-кўз этмасдан фақиру камбағал хонадонига ҳадя ёки

эҳсонини олиб кирмоғи шарт. Зотан:

*Ким ул чодир қўмочидек етишгай
Гадо уйига қўзлардин ниҳони.*

«Чодир қўмочи» – чодир устунининг уст томонига қўйиладиган тўгарак чарм. У ёғоч чодирни тешмаслиги учун ишлатилади. Бу ўхшатишда мантиқ чуқур. Биринчидан, сахий, гадо қалб «чодири»нинг тешилишига сира-сира имкон бермаслиги лозим. Аксинча, уни бамисоли «қўмоч» бўлиб муҳофаза килиши керак. Иккинчидан, унинг «гадо уйига» етишмоғи қўзлардин ниҳон кечмоғи жоиз. Ана шу ниҳоний саховатда инсоннинг қалби ва қадрини асраб-авайлаш бор. Қўрга қўмиб пиширилган нон ҳам «қўмоч» дейилган. Мабодо, бу маъно ҳам инобатга олинса, унда сахийлик пинҳона ризқ етказиш мазмунини англатади. Лекин бунда «чодир» сўзи ўзининг маъно қимматини бой беради.

Эрта тонгда қуёшнинг уфқдан бош кўтариши – фалакнинг tengsiz саховати. Шу туфайли оламдан тун зулмати чекинади. Борлиқ уйғонади. Бироқ бу ҳодисадан шоир мана бундай мантиқ кашф қиласди:

*Фалакдек йўқки, аввал жилва бергай
Кўёшнинг қурсидек оламға они.*

Демак, қуёшнинг гардиш-ла порлаши ўз-ўзича содир бўлмаган. У фалакнинг «қилмиши». Чунки фалак «қуёш курси»си, яъни гардиши тимсолида жилвагар-ик қилиб, оламга «аввал жилва» зухр этган. Ниҳо-

ний саҳоват соҳиблари учун эса бунақа жилвакорлик тубдан ёт бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам шоирнинг фалак ҳақидаги «танқидий» фикрлари ўқувчидаги эъти-роз туғдирмайди, балки «чодир кўмочидек» бўлмоқни ёқловчиларга эҳтиром уйғотади.





«ЛАИМ ФАРҚИҒА ИҚБОЛ ТОЖИНИ ҚҮЙМОҚ...»

*Лаим фарқиға иқбол тожини қўймоқ,
Яқинки, бўлғусидир мужиби азоби аниңг.
Нутқчи бошиға шунқор тумағаси тонг эмас,
Ки бўлғуси сабаби ранжу изтироби аниңг.*


Қадимий туркий ёзма ёдгорликлардан бирида ривоят этилишича, кунлардан бир кун Фиръавн иблис билан баҳслашиб қолибди. «Эй иблис, – дебди Фиръавн, – дунёда биз иккимиздан ҳам ёмон малъун борми?» Иблис дебди: «Менинг бир дўстим бордур, сендан ҳам яхши кўурмен, не иш буюрсам бажараверади. Қўшни-сининг сигири бордур, унга сутидан бериб туради. Бир кун ўша дўстим айтди: «Менинг сўзимни синдирганинг йўқ. Эндиги тилагим сендан шуки, қўшнимнинг сигирини ўлдиргилким, менинг ҳам сигирим йўқтур». Мен айтдим: «Сенга беш сигир берайин, қўй, қўшнингни ҳам оғзи қуримасин». Ул деди: «Беш сигирдан қўра менга ўша сигирнинг ўлгани яхшидур». Қарғалган ёки лаънатланган тубан кимсалар мана шундай малъун ва адоватчи бўлишади. Бундай маҳлуқларга яхшилик ҳайф, эзгулик увол. Мир Алишер Навоий лаимнинг бошига «иқбол тожини қўймоқ – ўз-ўзига ранжу азоб

сотиб олмоқ, дея ҳаққоний огоҳлантирганлар. Ва биринчи байтдаги фикрни митти бир қушнинг бошига шунқор тумағоси (кушни қўлга ўргатгунга қадар бошига кийдирилиб қўйиладиган қайиш тумоқ) тўғри келмаслигига доир сўзлари билан далиллаганлар:

*Нутқчи бошига шунқор тумағоси тонг эмас,
Ки бўлғуси сабаб ранжу изтироби аниңг.*

Эшакка отнинг эгар-жабдуғи мосмас. Қарғадан булбул хонишини кутиш фаҳмсизлик. «Эшагига яраша тушови» қабилида иш кўрилмаса, нобакор, пасткаш кимсалар ҳам тубанлик фароғатидан ажralишади. Уларнинг қисмати иқболсизлик бўлгач, ҳеч бир «лаим фарқиға иқбол тожини» қўймоққа бехуда уринмаслик керак.





«ШАХҒА МУҚАРРАБ ЎЛСА БИРОВ БАРЧА ХАЙЛДИН...»

Шаҳға муқарраб ўлса биров барча хайлдин,
Эл барча душман ўлса анинг бирла важҳи бор.
Ким хайлу шоҳ ошиқу маъшуқу эрур яқин,
Гулчехраиқи, ошиқ анга бўлса бешумор.
Ул барчасидин ўлса бирисига мултафит,
Душман бўлурда ўзгаларга не ихтиёр.

Душманлик хилма-хил бўлади. Қитъада шулардан бири хусусида сўзланган. Аслида, маъшуқа учун ошиқлар ўртасидаги ғанимлик азал-азалдан маълум. Ҳазрат Навоий шу равшан ҳақикатга таяниб, бошқа бир зиддиятнинг илдизини очганлар. Шоҳ – давлат тепасидаги ягона шахс. Бошқа ҳеч ким ундан баланд мавқеда туролмайди. Унинг атрофидаги амалдор мулоzимлар кўпчилик. Улардан бири ҳукмдорга «муқарраб», яъни жуда яқин бўлса, қолганлар – «барча душман ўлса анинг бирла важҳи бор».

Ким хайли шоҳ ошиқу маъшуқ эрур яқин,
Гулчехраиқи, ошиқ анга бўлса бешумор.

Шунинг учун шоҳ кимниги ўзига яқин олиб, унга

илтифот кўрсатса, «душман бўлурда ўзгаларга» ҳеч ихтиёр қолмайди. Бундай душманликнинг турган-битгани элга зиён ва разолат. Бошлиқ ва ҳокимларга муқарраблик туфайли пайдо бўладиган адоват ҳамда уларнинг зарарли оқибатлари ҳеч тугамайди – давом этади. Мир Алишер Навоийнинг сўзлари бу ҳодисаларни ичдан англашга хизмат этади.





«БИЙИК МАҚОМЛИФ ЭЛ...»

*Бийик мақомлиғ әл тиғфл эканда ҳам бўлмас,
Ки тийра қилғай они жаҳду зулмат аҳли тили.
Қамар чароғи агар бўлса борча бир кечалик,
Не навъ ўчиргай они шабпарак қаноти ели.*

«Бийик мақомлиғ әл» – улуғ эътиқодли, юксак маслакли одамлардир. Қитъа ана шундай кишиларнинг болалиқдаги ҳолати ҳақида. Эътиқоди бутун шахсларнинг болаликлари ҳам ибратли. Чунки уларнинг онги ва руҳи ёришган бўлади. Шунинг учун «жаҳду зулмат аҳли тили», «тиғл эканда ҳам» уларнинг ақлу идрокларини қоронғилаштира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, чинакам инсоний эътиқод нури гўдакликдаёқ кишини жаҳолат, нодонлик ва ғофиллик зулматларидан муҳофаза қиласди. Қитъанинг охирги икки мисрасидаги қиёсий далил ушбу даъвони мантиқан қувватлайди: «Ой чароғининг умри бир кечалик бўлганида ҳам кўршапалак қанотининг ели унинг нурларини сўндиришга қодир бўлолмайди». Бу фикрдан навбатдаги холосага келиш мумкин: «Жаҳду зулмат аҳли» – булар бамисоли кўршапалаклардир. Болаликда имон ва виждони нурланганларнинг покиза диллари эса қамар чароғидай гап. Ҳазрат Навоий шеърда айни шундай қисмат хусусида ўйлаш ва қайғуришга урғу берганлар, десак хато бўлмайди.



«УМРИН АБЛАХ КЕЧУРУБ...»

*Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила,
Нұкта үрніғаки тортар харрос.
Бир әшакдурки, тағофил юзидин
Қылгай изҳор паёпай аррос.*

Нодон ва гумроҳ кимсаларга юзма-юз келинганда, күпинча «аблаҳ» деган сүз ишлатилади. Лекин улар нега бундай, бунинг туб сабаби нимада эканлигини унча мушоҳада қиласкермаймиз. Инсоннинг онг ва билими нақадар юксалса, ҳайвонлик хусусиятларидан у үшанча узоқлашади. Онг ва идрок тубанлиги эса уни ҳайвонга яқинлаштиради. Англамаслик – ёмон. Тушунмаслик – кулфат. Нафсу ҳирс қафасида яаш – мусибат. Қитъа шулар түғрисида ҳам фикр құзғайди. Ва сиз беихтиёр үзингизча аблажликнинг үқ илдизини очгандай бұласыз. Аблажлик – умрни ғафлатда үтказиш экан. Ғофил бандаларнинг ҳаммаси аблажлардир. Ғофиллик уларни әшакка яқинлаштиради. Ғофил умр моҳиятини тушунмайды, маънили фикр үрнига «харрос» тортади. Мана шу «әшак»лар Ватаннинг шүри. Халқ қадри ва ғурури ана шу гумроҳлар туфайли ерга қоришади. Бундай ғофиллик Куръони Каримда ҳам қораланган.



«ПОКЛАР ЖОНИ БҮЛУР ОЗУРДА...»

*Поклар жони бўлур озурда тазвир ашкидин,
Кўзгу рухсори нечукким, занг тутқай нам била.
Ростлар кўнглини айлар тийра нодон ёвадин,
Шамъни ул навъким, жоҳил ўчургай дам била.*

Поклик – зеҳн ва идрок тиниқлиги. Маънавий поклик – ахлоқ зиёси, ҳиссиёт тиниқлиги, кўнгилнинг ҳар турли ғуборлардан тозаланиши. Покиза юракка Руҳ шаффофлиги, англаш туйғулари ҳам ғоятда юксак бўлади. Қитъанинг биринчи сатрида «поклар жони»-нинг ҳйила ёки фириб кўзёшларидан озор чекиши таъкидланган. Шоир бу озурдаликни нам туфайли «кўзгу рухсори»нинг занглашига нисбат беради. Айтайлик, бирор нодоннинг пойма-пой алжирашлари тўнка табиатли иккинчи бир гумроҳга ёмон таъсир кўрсатмас. Аммо бундай вайсақилик «ростлар кўнглини» тийра айлади. Бу эса жоҳилнинг «нафаси билан» шамни ўчиришига ўхшайди. Бундай шумнафасларга «нафасинг ўчсин», дейилиши бежиз эмас.



«УЙЛА ҒАРҚИ МАЙДУРУРЛАР ХАЛҚ БУ ДАВР ИЧРАКИМ...»

*Уйла ғарқи майдурурлар халқ бу давр ичраким,
Шарънинг айнул-ҳаётидан асар мағхум эмас.
Ул сифотким, баҳрнинг аччиғ суйида баъзи эл,
Топилур дерлар чучук сув ҳам валие маълум эмас.*

Араб шоири ва олими Абул Фарож бундай деган экан: «Майнинг айтишича, ичган одам тўрт сифатга эга бўлар экан. Дастрлаб у товусга айланиб, ўзини кўз-кўз қиласи, ҳаракатлари равон ва улуғворлик касб этар, кейин маймун қиёфасига кириб, ҳамма билан ҳазиллашиб, майнавозликка ўта бошлар экан. Ундан сўнг шерга ўхшаб ўзига бино кўяр, мағрурлиги тутиб кетар, бироқ охирида чўчқага айланиб, чўчқа сингари ахлатга ағанаб ётар экан». Нечоғлик ёмон ва аччиқ бўлмасин, бу сўзлар тўғри, турмушдаги жирканч бир манзарадир. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

«Май»нинг зукколигига қойил қолиш керак. Чунки у шунчаки гапираётгани йўқ, майхўрларни масхаралаб, уларнинг устидан кулаёттир. Ичкиликтоз кимсаларнинг маймун қиёфасига кириши – бу уларнинг ҳам ақлий, ҳам ихтиёрий равишда ҳайвонлашуви. «Шер»лиги – ваҳшийлиги ва йиртқичлиги. Наҳотки, одам фарзанди

чўчқа ҳолатига тушишни ўзига ор билмаса? Ичкилик кишини ҳар қанақа нокасликка кўнигириди. Шунинг учун инсон қанча кўп ичса, фикрлаш, завқ-шавқ билан меҳнат қилиш, руҳ поклиги ва ҳиссиёт қувватидан ўшанча маҳрум бўлади. Сархушлик ва мастиликка исроф қилинган соатлар фойдали ишларга сарф этилса, инсоният ҳёти нақадар хайрли ва ажойиб ўзгариш, юксалишларга эришарди.

Уйла ғарқи майдурурлар ҳалқ бу давр ичраким,-

дейди Навоий. Қандай кулфат ва мусибат бу? Майга ғарқ ҳалойиқдан нима ҳам кутиш мумкин? Шунинг учун улар имондан, диёнатдан маҳрум. Ҳатто шариятдаги ҳёёт сувини фаҳмлашдан ҳам ожиз. Бу қанақа шуур дерсиз? Дарёнинг аччиқ сувида ширин сув ҳам топилади дейдиган ўжар бандаларнинг нуқтаи назари:

*Ул сифатким, баҳрнинг аччиғ суйида баъзи эл,
Топилур дерлар чучук сув ҳам вали маълум эмас.*

«Ичкилик ичиш заҳар ичиш каби зааралидир», дейди Сенека. Лекин шўро давлати хукмронлиги даврида ароқхўрлик айб ҳам, уят ҳам ҳисобланмай қолгани боис ҳар турли давра, ўтириш, тўй ва маъракаларни ичкилик билан ўтказиш одатга айлантирилганди. Ичкилик касофатидан пайдо бўлган касаллик, ногиронлик ва фожиалар тўғрисида деярли, ҳеч нима дейилмасди. Табиийки, беш юз йилдан ортиқ вақт наридаги танбех ва садони тингловчиларнинг сони ҳам



унча қўп бўлмаган. Аммо ароқхўрликнинг оқибатлари, уларнинг халқ ахлоқи ва тақдирига салбий таъсири хусусида аниқ холосага келинганича йўқ.



«КИМКИ ЎЗЛУК ИМОРАТИН БУЗДИ...»

Кимки ўзлук иморатин бузди,
Бўлди нақди фано анинг музди.
Ул иморатни бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдга молик.

«Ўз», «ўзлик» – «мен» ва «менлик», асл ва асос, пой-девор ёки илдиз дегани. Инсон шахсияти ва табиатан ўзига хослигининг тамали ўзликдадир. Тасаввуф ва тариқатлар даври бошлангач, ўзлик масаласида янгича қараш илгари сурилиб, башарий ўзлик масаласида янгича қараш илгари сурилиб, башарий ўзлик, маънавий ўзлик, дея иккига ажратилган. Башарий ўзлик инсондаги малакий, руҳоний сифатлар билан бирга ҳайвоний ва шайтоний хусусиятларни мужас-самлаштирган менлик. Маънавий валодат, яъни янги маънавий туғилиш, дейилган ўзлик эса юксак ахлоқий сифат, маънавий фазилат, олий идрок ва мушоҳадани тамсил этган. Шеърда «ўзлик иморатин» бузиш, худбинлик, худпарастлик, тама, ҳasad, кибр, риё сингари ўнлаб ҳислардан қутулиш назарда тутилган. Навоий буларни «ўзлук юки», деб ҳам атайди:


*Фақр водийсида чун урдунг қадам ўзлукни сол:
Йўл узундур, оғир юкни кўтарган тов....*

Ўша иморатни тариқат йўлчиси – солик бузмаса-чи?
Унда у фано ҳоли туфайли эришиладиган юксак на-
тижадан бенасиб қолади:

*Ул иморатни бузмайин солик,
Бўла олмас бу нақдча молик.*

Ўзлигига илоҳий ҳақиқат нурини идрок қилган
инсон ахлоқидан барча ёмон ва тубан хислатлар йўқо-
лади. Ундаги маънавий покизалик, идрок ўткирлиги,
теран хаёл тўхтовсиз тараққий этади. «Ўзлук имо-
рати»ни бузмоқ мана шулар учун керак. Акс ҳолда
тасаввуф маслагига мансуб, киши – солик фақру фано
«нақдиға» эгалик қилолмайди.





«ТУРФА ИШ КҮРКИМ, ФАЛОН ҲАР ВАҚТКИМ, ҚИЛҒАЙ НАМОЗ...»

*Турфа иш күрким, фалон ҳар вақтким, қилғай намоз,
Анда бир иш ғайри номашруъ зоҳир бўлмағай.
Гар қиёму гар қироат, гар рукуу, гар сужуд,
Ҳар не қилғай ўз еринда содир бўлмағай,
Бўлмағай ҳозир жамоатқа vale ёлғуз доғи,
Қилмағай то бир жамоат анда ҳозир бўлмағай,
Бовужудиким, жамоат айлагайлар барча ҳазл,
То имомат қилмағай осуда хотир бўлмағай.*

Тўрт байтли бу шеър худпараст бир имом ҳақидаги ҳикоятдай ўқилади. Аслида, у чаласавод. Шунинг учун қайси вақтким, намоз ўқиса, албатта, «номашруъ» – шариат қоидасига хилоф бир иш қилади. На қироат, на «сужуд» – сажда, на руку – ерга эгилиш, хуллас, «ҳар не қилгай» ҳеч бири ўз еринда содир бўлмағай». Аммо шунга қарамасдан у ниҳоятда иззатпараст, мақсади нуқул «жамоатдин ўзни мумтоз» қилмоқдир. Унинг худбин ва киборлигини шундан ҳам билиш мумкинки:

*Бўлмағай ҳозир жамоатқа vale ёлғуз доғи
Қилмағай то бир жамоат анда ҳозир бўлмағай.*

Жамоат эса: «То имомлигини кўз-кўз этмагунча

хотири тинчимайди», дея унинг устидан куладилар.

Қитъанинг сўнгги икки байтида менимча, замонавий фикр бор. Уни ўқиб мушоҳада юритсангиз, кўз олдингизда атрофига ўн-ўн беш содиқ югурдагини йиғмагунча, мажлису йиғинларга қадам қўймайдиган иззатпараст бошлиқлар, илмий унвону даражалар кўзгусида «ўзни мумтоз қилмоққа «ўч аллома»ларнинг ёқимсиз башаралари гавдаланади. Ўзига бино қўйиш бир ожизлик бўлиб, ҳамма вақтларда ҳам кулги кўзғаши ҳам равшанлашади.






«ФАЛОН КОТИБ АР ХАТНИ МУНДОҚ ЁЗАР...»

*Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар,
Бу мансабдин ани құпормоқ керак.
Юзин номасидек қаро айлабон,
Қаламдек бошин доғи ёрмоқ керак.
Қародин қароға берибон улоқ.
Қаламравдин ани чиқормоқ керак.*

Бу қитъя «ғалат битир» – хато ёзувчи котиблар танқидига бағишиланган. Унда гүё чаласавод хаттолар учун жорий қилиниши лозим бўлган чора ва жазо турлари белгиланган. Биринчиси, ғалатга йўл қўювчи котибни мансабдан маҳрум этмоқ. Иккинчиси, унинг юзини «номасидек қаро айлаб», қаламга ұхшатиб бошини ёрмоқ. Учинчиси, унга ұзига муносиб бир улов бериб, «қаламравдин» – мамлакатдин уни чиқариб юбормоқ. Шеърда хаттолик ёки котиблик масъулияти жуда ишонарли ва чуқур асосланган.




чи» деб бошлаган. ше...
әко ғалат – хато ёзмайдиган хома
эмил қаламзан». Унинг хатлари гўзаллик ва
ликда ҳам тенгсиз. Бунинг бир исботини ҳазрат
оий Султон Али томонидан кўчирилган қитъалари
солида тасдиқлайди:

*Қайси қитъамниги ёзди борди андин шеърлик
Эл солурлар жузвдонғаким эрур бир қитъа хат.*

Ўта камтарлик билан айтилган «борди андин шеърлик» сўзларини «хат жозибаси туфайли ёзганларим
хақиқий шеърга ўхшаб қолди» маъносида англаш
керакки, шоирнинг Султон Али кўчирилган қитъалари
эл «жузвон»лари (чармдан ишланган кичкина папка
да бир энликкина муқаддас битикдай асрраб-авайла
ганлиги шубҳасизdir.





«ЙЎЛДИН ОЗДИ ҲАР МУЛОЗИМДИНКИ ҒАФЛАТ АЙЛАДИНГ...»

*Йўлдин озди ҳар мулозимдинки ғафлат айладинг,
Будур ойин гар гадолиғдур ишинг гар шоҳлиғ.
Уркудор элдекки чиқти кеча йўлдин маркаби.
Кўз юмуб очқунча чунким қилмади огоҳлиғ.
Олам аҳлида мулозимлар эрур ҳайвон киби,
Қайси ғафлат англоғоч зоҳир қилур бeroҳлиғ.*

Мулозим – подшоҳ ёхуд нуфузли амалдор ёнидаги хизматкор. Амиру умаро, вазиру мансабдорларнинг улар ижрочилари бўлишган. Қитъада фаҳмсиз, ишга лаёқатсиз мулозимлар танқид қилинган. Шу маънода фаҳмсизликни йўлдин озмоқ деб англаш ҳам мумкин. Лекин ҳазрат буни назоратсизлик билан боғлайдилар. «Гар гадолиғдур ишинг гар шоҳлиғ»дур, шуни билгилки, ҳар амалдор сени ғафлатда қолдирди, у албатта, тўғри йўлдан четлашади, бу унга ўхшайдиганларга одат бўлиб қолган. Бу фикр иккинчи байтда салгина ғофиллик сабабли улови йўлдан чиқсан мудроқ кимсалар ҳолатини эслатиш билан далилланади.

Бир зукко шоир:

*Юртни хароб айлади амалдорлик иллати,
Амалдорда миллат йўқ, амал унинг миллати, –*

деб ёзган. Дарҳақиқат, тилда эл, юрт, адолат, инсоф дейдиган амалдор мулозимларнинг дилдаги иштиёқи ва орзуси, манфаат ва мансаб, олдинда юриш ва шон-шуҳратдир. Бу жиҳатдан Навоий замонидаги мулозимларнинг фосиқлиги, юзсизлик ва корчалонлиги билан кейинги даврлар давлат идораларига мансубларники айтарли фарқланмайди. Порахӯрлик, юлғучлик кабилар аввалгидан кўп карра кенг томир ёзган. Қитъа давлат бошида турган энг нуфузли шахс томонидан ёзилгани инобатга олинса, мавзуни ҳар бир фуқаро ўзича муҳокамадан ўтказишиши лозимлиги ҳам аниқ англашилади.

Афсуски, олам аҳли ҳанузгача ҳайвон каби мулозимлардан халос бўлгани йўқ. Улар салтанат идораларида ҳамон мустаҳкам мавқега эга. Буни доимо ҳисобга олиб, ғафлатга ён бермаслик керак.





«ХЎБ ЭКАН ЧОҒДАКИ МУСТАҒНИЙ ЭДИНГ КЕЛМАС ЭДИНГ...»

*Хўб экан чоғдаки мустағний эдинг, келмас эдинг,
Ўтти чун хўбулугунг жавр манга етқурма.
Кўп келур вақтда оз келмакинг эмгатти мени,
Оз келур вақтда қўп келмак ила ўлтурма.*

Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»ида шундай ҳикоят битилган: Бир дарвеш шон-шуҳрати баланд бир подшоҳ билан тез-тез учрашиб, ёқимли сухбатлар қуришар экан. Кунлардан бирида шоҳ юзида у қандайдир малоллик «изларини сезибди-ю, бунинг сабабларини ўзича мушоҳада қилибди. Лекин тез-тез келишидан бўлак сабаб топмабди ва шоҳ хузурига қатнашни тўхтатибди. Орадан анча вақт ўтибди. Шоҳ дарвеш йўлда учрашиб қолишибди. «Эй дарвеш,-дебди хукмдор, – нечун мендан алоқани уздинг, келиш-кетишдан нега қадаминг тийилди?» Ўшанда дарвеш: «Менинг келишимдан чеҳрангда малол кўргандан, «Нега келмайсан?» дея савол эшлиш яхшироқ эканини англадим», деган экан.

Одамлар билан борди-келди кўпчиликка жўн иш туюлиши мумкин. Аслида, эса бундай эмас. Дарвешнинг зукколиги шундаки, муомала-муносабатдаги

зўрма-зўракилик, самимиятсизликни пайтида се-
зиб, вақтида инсоний қадри ва нафсонияти муҳо-
фазаси ҳақида ўйлай олган. Акс ҳолда у шоҳ олдида
кундан-кун ўзини камситаверарди. Бориш-келиш –
мехр, бир қалбнинг иккинчи бир қалб билан учрашиш
соғинчи, маънавий-ахлоқий яқинлик. Буларни чукур
фаҳмламаган кимсалар Заҳириддин Муҳаммад Бобур
айтганидай, гоҳо бориш-келишини «лутф этиб», дўсту
биродарларини ўкситса, баъзан уларда ёқимсиз таас-
суротлар қўзғашади. Мир Алишер Навоий томонидан
танқид қилинган кимсани олайлик. Унинг турмуши
фаровон, ишлари юришган чоғида атайнин тортин-
чоқлик қилган – бориш керак бўлганда бормаган. Бу
хўбуғ фурсатлари ўтгач, оёғини тортган кишиникига
у кўпроқ кела бошлаган. Аммо унинг ҳар келиши қар-
ши оловчига жабр орттиришлигини у ё билмаган ёки
билиб билмасликка олган. Чунки у кўп келиш зарур
вақтда «оз келмак» одамни қийнаши, маҳзунлаштири-
ши, бунинг акси ўлароқ «оз келур вақтда кўп келмак»
ҳам азоблашини кўнгилдан ўтказмаган. Бундай ким-
салар ҳаётда кўп учрайди. Бироқ меҳру оқибати суст,
вазиятга қараб турланадиган ҳар қандай яқин кишига:

*Кўп келур вақту оз келмакинг эмгатти мени,
Оз келур вақтда кўп келмак ила ўлтурма, –*

дейиш керак.



«ХЎБ ЭКАН ЧОҒДАКИ МУСТАҒНИЙ ЭДИНГ КЕЛМАС ЭДИНГ..»

*Хўб экан чоғдаки мустағний эдинг, келмас эдинг,
Ўтти чун хўбулугунг жавр манга етқурма.
Кўп келур вақтда оз келмакинг эмгатти мени,
Оз келур вақтда кўп келмак ила ўлтурма.*

Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон»ида шундай ҳикоят битилган: Бир дарвеш шон-шуҳрати баланд бир подшоҳ билан тез-тез учрашиб, ёқимли сухбатлар қуришар экан. Кунлардан бирида шоҳ юзида уқандайдир малоллик «изларини сезибди-ю, бунинг сабабларини ўзича мушоҳада қилибди. Лекин тез-тез келишидан бўлак сабаб топмабди ва шоҳ хузурига қатнашни тўхтатибди. Орадан анча вақт ўтибди. Шоҳ дарвеш йўлда учрашиб қолишибди. «Эй дарвеш,-дебди хукмдор, – нечун мендан алоқани уздинг, келиш-кетишдан нега қадаминг тийилди?» Ўшанда дарвеш: «Менинг келишимдан чеҳрангда малол кўргандан, «Нега келмайсан?» дея савол эшитиш яхшироқ эканини англадим», деган экан.

Одамлар билан борди-келди кўпчиликка жўн иш туюлиши мумкин. Аслида, эса бундай эмас. Дарвешнинг зукколиги шундаки, муомала-муносабатдаги

зўрма-зўракилик, самимиятсизликни пайтида се-
зиб, вақтида инсоний қадри ва нафсонияти муҳо-
фазаси ҳақида ўйлай олган. Акс ҳолда у шоҳ олдида
кундан-кун үзини камситаверарди. Бориш-келиш –
мехр, бир қалбнинг иккинчи бир қалб билан учрашиш
соғинчи, маънавий-ахлоқий яқинлик. Буларни чуқур
фаҳмламаган кимсалар Заҳириддин Мұҳаммад Бобур
айтганидай, гоҳо бориш-келишини «лутф этиб», дүстү
биродарларини ўкситса, баъзан уларда ёқимсиз таас-
суротлар қўзғашади. Мир Алишер Навоий томонидан
танқид қилинган кимсани олайлик. Унинг турмуши
фаровон, ишлари юришган чоғида атайин тортиң-
чоқлик қилган – бориш керак бўлганда бормаган. Бу
хўблуғ фурсатлари ўтгач, оёғини тортган кишиникига
у кўпроқ кела бошлаган. Аммо унинг ҳар келиши қар-
ши оловчига жабр орттиришлигини у ё билмаган ёки
билиб билмасликка олган. Чунки у кўп келиш зарур
вақтда «оз келмак» одамни қийнаши, маҳзунлаштири-
ши, бунинг акси ўлароқ «оз келур вақтда кўп келмак»
ҳам азоблашини қўнгилдан ўтказмаган. Бундай ким-
салар ҳаётда кўп учрайди. Бироқ меҳру оқибати суст,
вазиятга қараб турланадиган ҳар қандай яқин кишига:

*Кўп келур вақту оз келмакинг эмгатти мени,
Оз келур вақтда кўп келмак ила ўлтурма, –*

дейиш керак.



«ЮЗ ТУМАН НОПОК ЭРДИН ЯХШИРОҚ...»

*Юз туман нопок эрдин яхшироқ
Пок хотунлар аёғининг изи,
Лут ўғлин кўрки солди тийралиқ
Динга нафс илгига табъи ожизи,
Даҳр аро ёқти сиёдат машъалин,
Пок равлиқтун расулуллоҳ қизи.*

«Нопок» деган биргина сўз одамнинг барча яхши хусусиятини йўқقا чиқаради. Балки шунинг учун Мир Алишер Навоий юз туман нопок эрдан пок, маъсума хотинлар аёғининг изини ортиқ ва қадрлироқ бил, деганлар. Анбар Отин шеърларидан бирида аёл юксаклигини тан олмаган эркакларнинг фикрларини ифодалаб: «Эрни хотиндин афзал қилиб яратган дейдилар», деб ёзганди. Бу – қолоқлик ва ожизликнинг иқрори. Аёл учун покликдан кўра афзали йўқ. Буни Навоий пайғамбар Мұҳаммад алайҳиссаломнинг қизи (Расулуллоҳ қизи) Биби Фотима мисолида таъкидлайди. Иккинчи байтдаги далил – ўз қавмини маънавий бузуқликлардан қайтариб, тўғри йўлга сола олмаган Лут пайғамбар тасарруфидаги воқеаларга покизалик-ла Ҳасан ва Ҳусайн сингари саодатманд ўғилларга она бўлган Биби Фотима тақдирига қарама-қарши қўйилади.



«ЧУН МАНГА ЛУТФ ЭТТИ ШОХ...»

Чун манга лутф этти шаҳ девонда муҳр,
Бу эди элдин қуи мұхр урмогим.

Ким ғуури нафси саркаш маъниға,
Барчадин бүлғай қуи үлтурмогим,

Чун шикасти нафс ҳосил бўлмади,
Мундин ўлди мұхрни синдурмогим.

Машхур тарихчи Мирхонд «Равзат-ус-сафо» китобида Алишер Навоийга муҳрдорлик мансаби берилганиги ҳақида ёзади: «Хайру эҳсон, латофат ва қўнгил зарофати бобида амир Алишернинг тенги йўқлигидан жаҳонгир подшоҳнинг (Хусайн Бойқаро назарда тутилган – И.Х.) хотири ҳамма вақт унга мойил бўлиб, улуғлик, вазирлик ва амирлик мартабасини унга инъом этди. Сўзнинг қисқаси шулки, аввал ул ҳазрат улуғ мұхрни амир Алишернинг қўлига тутқазди ва ул амир бир неча вақт муҳрдорлик лавозимида қойим туриб, хизматкорлик поясини осмондан ҳам юқори кўтарди».

Орадан анча муддат кечгач, шоир бу мансабни тарқ этмоқчи бўлади ва мақсадини подшоҳга етказади. Илтимос қабул килинади. Лекин Хусайн Бойқаро Мир

Алишер Навоийни янада юқорироқ мартабага – девони олий амирлиги мансабига тайинламоқчи бўлади. Шоирнинг қаршилигига қарамасдан, бу иш амалга оширилади. Ҳусайн Бойқаро «маълум соатда муҳр боссин» учун ҳазрат Навоий қўлига нишон берганида у киши, Мирхонд айтмоқчи, «нафси синик бўлганидан, нишоннинг шундай жойига муҳр босадиким, ундан пастроққа муҳр босишга» жой қолмайди.

Бу қитъя ана шу воқеалар таассуротида ёзилган. Биринчи сатрдаги «чун манга лутф этти шоҳ...» деган фикр – тарихий ҳақиқатга тўла мос. Иккинчи қатордаги гап ҳам тўғри: муҳр энг қуий жойга босилган. Бунга Мирхонднинг сўзлари гувоҳлик бериб турибди. Олимнинг эътирофича, «хосу авомни» ҳайрон қолдирган бу воқеанинг содир бўлишига сабаб Алишер Навоийнинг бағоят камтарлиги, камсуқумлиги, хуллас, нафси синиқлиги. Бироқ нафснинг шу қадар шикастлиги ва табиатидаги хоксорликдан ҳазрат Навоийнинг ўзлари қаноатланганмилар? Йўқ, ундей бўлмаган. Барчадин «қуий ўлтурмоғ», сиртдан назар ташланганда, фавқулодда ишмас. Аммо ўша вазиятда Мир Алишер Навоий учун бу жиддий ҳолат эди. Чунки ғурур ва «нафси саркаш»ни мағлублиги тасдиқдан ўтказилганди.

Мирхонднинг гувоҳлигига кўра, ўшандан сўнг Мир Алишер Навоий муҳр босган жой «муҳрга эга бўлган ҳар бир мансабдор орасида талаш» бўлган экан. Навоийдан ибрат олиш мумкин. Бироқ ҳеч бир ишда унинг билан мусобақа қилиш имкони бўлмаган. Шеърнинг

охирги байтидаги мазмунга диққат қилинг:

*Чун шикастаи нафс ҳосил бүлмади
Мундин ўлди, муҳрни синдумоғим.*

Албатта, муҳр синдирилмаган. Лекин «шикасти нафс ҳосил» бүлмагач, барибир чора ахтариш керак-ку! Чора топилган. Шунинг учун ҳам улуғ шоир муҳрни хаёлан синдириб ташлаган. Таниқли олим Алибек Рустамов нафснинг ахлоҳий жиҳати билан боғлиқ истилоҳий сүз ва бир неча ибора маъноларини изоҳлаб, «нафси мутмаинна»ни бундай шарҳлади: «Нафси мутмаинна» иборасидаги «мутмаинна» сўзи ишонч ҳосил қилган, хотиржам бўлган деган маънодадир. «Нафси мутмаинна» соҳибларининг нафси батамом жиловланган бўлиб, булар нафснинг ғалаёнидан қутулган хотиржам кишилардирлар. Бошқача қилиб айтганда, булар нафс талабларини хаёлга ҳам келтирмайдиган азиз кимсалардир. Буларга энг юксак инсоний хислатлар хосдир. Мир Алишер Навоий муҳр босмоқ маросимида ҳам энг юксак инсоний хислатлар соҳиби эканлигини намойиш қилган эдилар.





«БҮЙНУМА ЯШМ ОСИЛҒОНДИН ЭМАС...»

*Бүйнума яшм осилғондин эмас,
Буки заъфимға даво бүлғай фош,
Ип билан боғлади бүйнумни фалак,
Ҳар қадам урмоқ учун кўксума тош.*

Шеър қаҳрамони – бүйнида тош осиғлик киши. Куринишдан у бағоят заиф. Касалманд. Яшм – бало-қазолардан асровчи тош. Шунинг учун тошни бүйинда кўрганлар одатий хulosса билан чегараланишлари табиий. Лекин у «шифо учун эмас», «жафо учун» осилган тош. Бу – фалакнинг қилмиши. Раҳмсиз тақдир дардманд, олам билан чиқиша олмаган одамнинг кўксига «ҳар қадам»да тош урмоқ, тош билан кўксини эзмок учун бўйнига бўғов солган:

*Ип била боғлади бүйнимни фалак,
Ҳар қадам урмоқ учун қўксима тош.*


Бу сўзлар жабру жафо ва эркисизлик ҳасратини акс эттириб турибди.



«УЙ ИЧРА ҲАМ КИТОБА...»

Уй ичра ҳам китоба ҳам изора
Заруратдир туганган чоғда қилмоқ.
Йүқ эрса ул уй үхшар бир кишига,
Ки анда бўлмағай иштону белбоғ.

Бошланган меҳнат охирига етказилмагунча, му-
каммаллик бўлмайди. Масалан, уй қурилдими, ундаги
ҳамма нарса жой-жойида ва бут бўлиши шарт. Китоба-
бино деворига нақшланадиган ёзув. У қабр тошларига
ҳам ўйилади. Изора-уй деворининг ер билан токча
орасига қўйиладиган тош қоплама. Уй қурилиши ту-
гатилдими, демак, буларни ҳам ўша чоғдаёқ амалга
oshiриш зарурдир. Улар «Йўқ эрса ул уй үхшар бир
кишига, Ки анда бўлмағай иштону белбоғ», дейдилар
ҳазрат. Фоятда ибратли ўхшатиш, танбехли мантиқ.





«БҮЙНУМА ЯШМ ОСИЛҒОНДИН ЭМАС...»

*Бүйнума яшм осилғондин эмас,
Буки зағымға даво бұлғай фош,
Ип билан боғлади бүйнумни фалак,
Хар қадам урмоқ учун күксума тош.*

Шеър қаҳрамони – бүйнида тош осиғлик киши. Күринишдан у бағоят заиф. Касалманд. Яшм – бало-қазолардан асровчи тош. Шунинг учун тошни бүйинда күрганлар одатий холоса билан чегараланишлари табиий. Лекин у «шифо учун эмас», «жафо учун» осилған тош. Бу – фалакнинг құлмиши. Раҳмсиз тақдир дардманнд, олам билан чиқиша олмаган одамнинг күксига «хар қадам»да тош урмоқ, тош билан күксини эзмок учун бүйнига бұғов солған:

*Ип била боғлади бүйнимни фалак,
Хар қадам урмоқ учун күксима тош.*


Бу сүзлар жабру жафо ва эркисизлик ҳасратини аксеттириб турибди.




«УЙ ИЧРА ҲАМ КИТОБА...»

*Уй ичра ҳам китоба ҳам изора
Заруратдир туганған өтінде қилмоқ.
Йүқ әрса ул уй үхшар бир кишига,
Ки анда бұлмағай иштону белбоғ.*

Бошланған мәжнат охирига етказилмагунча, мұкаммаллик бўлмайди. Масалан, уй қурилдими, ундаги ҳамма нарса жой-жойида ва бут бўлиши шарт. Китобабино деворига нақшланадиган ёзув. У қабр тошларига ҳам үйилади. Изора-уй деворининг ер билан токча орасига қўйиладиган тош қоплама. Уй қурилиши туғатилдими, демак, буларни ҳам ўша өтінде амалга ошириш зарурдир. Улар «Йүқ әрса ул уй үхшар бир кишига, Ки анда бўлмағай иштону белбоғ», дейдилар ҳазрат. Фоятда ибратли үхшатиш, танбехли мантиқ.





«ҚАНОАТ ГҮШАСИН ТУТҚИЛКИ...»

*Қаноат гүшасин тутқилки, чун анқо бу даъб этти,
Анга қушлар ичинде қурб қофидан ниши мандур.
Чу парвори товуғнинг оғзи тинмас туъмадин гарчи,
Үлар охир анга аввал катак зиндони маскан дур.*

Ҳазрат Навоий «Маҳбуб ул-кулуб»да: «Қаноат бир қўрғонки, унга кирсанг, нафснинг ғалвасидан қутуласан», дейдилар. Тўртликда эса «Қаноат гүшаси»га рағбатлантирилган. Лекин бу гўшага чорлашдан ҳам мурод ўша: нафс ғалвасидан қутулиб, дўст-душманга муҳтожликлан озод, хоксорликда яшашга ташвиқ этмоқдир.

Ривоятларга кўра, Анқо – номи бору ўзи йўқ афсона вий қуш. У гўё қушларнинг подшоҳи бўлиб, Қоф тоғида яшармиш. Қитъада акс эттирилган мантиққа биноан, Анқонинг Кўхи Қофда муқим туриши гўёки қаноат гўшасига содиқлиги дидир. Айни шу хислати туфайли унинг қисматида барча қушлар билан яқинлик битилган. Унинг уяси ҳам «қурб қофи» – яқинлик тоғида. Бу Анқонинг қушлар подшоҳи эканлигига ишора. Мир Алишер Навоий кўз ўнгидаги қаноатли киши – Анқосифат. Анқо эса қаноатли одам тимсолида гавдаланган.

*Чу парвони товуғнинг оғзи тинмас туъмодин гарчи,
Ўлар охир анга аввал катак зиндан маскандур.*

Ҳазрат Навоий мана шу сўзларни ёзмаганларида, биз қаноатли жонзорлар билан тамагир кимсалар ўртасида бу қадар фарқ табиатан кескин тафовут мавжудлигини аниқ тасаввур қилолмаган бўлардик. Дарҳақиқат, то-вуқни қанча парвариш қилсангиз, оғзи унинг ўшанча тинмайди. Аммо у шўрликни тами ҳирси шу даражада мағлуб қиласдики, хурлигини бутунлай унугради. У қамалган катак ҳурлик масканимас, зиндан. Тами туй-ғусининг ўзи ҳам бир зиндандир. Бу тасвирдан сўнг шеърхон тамагир зотларни катақдаги товуқ қиёфасида кўргандай бўлади. Ва бундай қулликнинг илдизларини ўзича кенгроқ текширгиси келади.





«ҲИММАТ АҲЛИКИ ЭРУР...»

*Ҳиммат аҳлики эрур тузлук аро сарв киби,
Даҳр бўстонида сарсабзадуру озода.
Улки сув янглиғ эрур паст ниҳоду кажрав,
Чекиб афғон анга тинмаслиғ эрур омода.*

Ҳиммат аҳли ким? Энг аввало, саховатли кишилар. Шунинг учун ҳазрат Навоий «ҳиммат аҳлининг ихтиоси – саховатдур», деб белгилагандирлар. Ҳимматли бўлмоқ – покизалик, ҳиммат – қашшоқликда ҳам тубанлашмаслик, ҳар қандай вазиятда ҳам эл файзи ва роҳати учун қайғуришdir. Унинг чироғи – изтироб. Инсон руҳида шу чироқ нурлари порламаса у ҳеч пайт ҳиммат кўрсата олмайди. Мир Алишер Навоий ушбу қитъада ҳимматли зотларга хос асосий бир фазилатга дикқатни қаратганлар. Бу фазилат – тӯғрилиқ. Сарв – тик ўсадиган хушқомат бир дараҳт. Қишин-ёзин у ям-яшил. Баргларидан анвойи ҳидлар тарааларкан. Ҳазрат Навоий ҳиммат аҳлининг тӯғрилигини сарвга қиёслаганлар. Демак, ҳимматли одамлар борки, бу дунё обод, эзгулик барглари сарғаймайди. Даҳр бўстонида не ўзгаришлар, неки тебранишлар содир бўлмасин, улар ростлик эътиқодларида собит қолаве радиilar. Бундоқ қараганда, қайсиdir пастликларда

шарқираб оқаётган сув кимларнингдир чанқоғини босар, шу сув шарофатидан қайбир ерларда яшиллик унар. Бу ҳам ҳиммат. Аммо Мир Алишер Навоий сув янглиғ тубанликларда эгри йўллардан ҳаракат қилиб, тинмасдан шовқин соладиган бандаларни ҳиммат аҳли қаторига қўшмайди. Бунда сабаб аник, албатта. Биринчидан, ҳиммат соҳибининг табиати пастликка кўнишишнимас, юксакка кўтарилишни талаб этади. Шу маънода уни «баланд-парвоз лочин» ҳам дейиш мумкин. Иккинчидан, заррача бўлсин, у эгрилик билан чиқиша олмайди. Учинчидан, у ҳовлиқма жилға сингари «аффон» чекувчи эмас. Хуллас, ҳикмат тўғрисида фикрлаганда мана шу ҳақиқатларни ҳам унутмаслик керак.





«ҲИММАТ АҲЛИКИ ЭРУР...»

*Ҳиммат аҳлики эрур тузлук аро сарв киби,
Даҳр бўстонида сарсабзадуру озода.
Улки сув янглиғ эрур паст ниҳоду кажрав,
Чекиб афғон анга тинмаслиғ эрур омода.*

Ҳиммат аҳли ким? Энг аввало, саховатли кишилар. Шунинг учун ҳазрат Навоий «ҳиммат аҳлининг ихтиоси – саховатдур», деб белгилагандирлар. Ҳимматли бўлмоқ – покизалик, ҳиммат – қашшоқликда ҳам тубанлашмаслик, ҳар қандай вазиятда ҳам эл файзи ва роҳати учун қайғуришдир. Унинг чироғи – изтироб. Инсон руҳида шу чироқ нурлари порламаса у ҳеч пайт ҳиммат кўрсата олмайди. Мир Алишер Навоий ушбу қитъада ҳимматли зотларга хос асосий бир фазилатга диққатни қаратганлар. Бу фазилат – тўғрилиқ. Сарв – тик ўсадиган хушқомат бир дараҳт. Қишин-ёзин у ям-яшил. Баргларидан анвойи ҳидлар тараларкан. Ҳазрат Навоий ҳиммат аҳлининг тўғрилигини сарвга қиёслаганлар. Демак, ҳимматли одамлар борки, бу дунё обод, эзгулик барглари сарғаймайди. Даҳр бўстонида не ўзгаришлар, неки тебранишлар содир бўлмасин, улар ростлик эътиқодларида собит қолаверадилар. Бундоқ қараганда, қайсиdir пастликларда

шарқираб оқаётган сув кимларнингдир чанқоғини босар, шу сув шарофатидан қайбир ерларда яшиллик унар. Бу ҳам ҳиммат. Аммо Мир Алишер Навоий сув янглиғ тубанликларда эгри йўллардан ҳаракат қилиб, тинмасдан шовқин соладиган бандаларни ҳиммат аҳли қаторига қўшмайди. Бунда сабаб аниқ, албатта. Биринчидан, ҳиммат соҳибининг табиати пастликка кўнишишнимас, юксакка кўтарилишни талаб этади. Шу маънода уни «баланд-парвоз лочин» ҳам дейиш мумкин. Иккинчидан, заррача бўлсин, у эгрилик билан чиқиша олмайди. Учинчидан, у ҳовлиқма жилға сингари «афғон» чекувчи эмас. Хуллас, ҳикмат тўғрисида фикрлаганда мана шу ҳақиқатларни ҳам унутмаслик керак.





«ТЕНГРИ ХОНИН...»

Тенгри хонин очуқ ақида қилиб,
Халқдин рұзи истаган гумроҳ.
Үйладурким тенгиз қироғингда,
Рұза очмоққа кимса қозғай чоҳ.

Ривоят қилинишича, Мусо пайғамбар Фиръавн қавмидан қочиб, ёлғизлик, бечоралик ва очликдан толиқиб: «Парвардигор, ёлғизман, хастаман, бечораман», дея зорланганида ғойибдан унга шундай жавоб келган: «Эй Мусо, мендек дүсти бўлмаган ёлғиздир, мендек табиби бўлмаган одам хастадир, мен билан алоқасини узган банда бечорадир».

Ўрта аср одамлари Аллоҳни энг содиқ дўст, ҳар қандай дардга дармон берувчи табиб, барча чорасизликлардан халос этгувчи олий қудрат деб билишган. Уларнинг дунёқарашида Худо қандай мавқени эгаллаган бўлса, уни биз ӯшандай тарзда шарҳлашимиз керак. «Худо тиш берибдими, ризқини ҳам беради. Унинг дастурхони шоҳу гадо учун очиқ», дейишган аждодларимиз. Ва насиба улашишда Унинг саховати, улуғлигига ишонишган. Қитъада шундай нуқтаи на зардаги одамларнинг танқидий муносабатлари асос этиб олинган. Улар Тангри дастурхонининг очиқлигига

ишонувчилардир. Шоир ўшаларнинг номидан иккинчи бир тоифа кимсаларнинг вакилларини фош этган. Хуш, улар кимлар? Эътиқодсиз ва мунофиқлар. Уларнинг иккюзламачилиги шундаки, зоҳиран, яъни ташқи кўринишдан «Тенгри хони»нинг ёзиқлигига гумон билдиришмайди-ю, ичдан эса халқдан ризқу насиба тилашади. Бу – уларнинг ғофиллиги. Шунинг учун ҳам ризқ-рўзини халқдан тама этган риёкорлар намояндасини ҳазрат Навоий гумроҳ деб атайди. Ва уни денгиз қирғоғида турган бўлса-да, чуқур қазиб, сув чиқариб, рўзасини очмоқни хоҳлаган довдирга ўхшатади.

Қитъада ифодаланган маънонинг икки жиҳати бугунги ўқувчи учун жуда эътиборли. Биринчиси, ўз қорни ва манфаатини кўзлаб, халқдан тама қилмаслик; иккинчиси, имон-эътиқодда субутсиз бўлмаслик.





«ТЕНГРИ ХОНИН...»

Тенгри хонин очуқ ақида қилиб,
Халқдин рўзи истаган гумроҳ,
Ўйладурким тенгиз қироғингда,
Рўза очмоққа кимса қозғай чоҳ.

Ривоят қилинишича, Мусо пайғамбар Фиръавн қавмидан қочиб, ёлғизлик, бечоралик ва очликдан толиқиб: «Парвардигор, ёлғизман, хастаман, бечораман», дея зорланганида ғойибдан унга шундай жавоб келган: «Эй Мусо, мендек дўсти бўлмаган ёлғиздир, мендек табиби бўлмаган одам хастадир, мен билан алоқасини узган банда бечорадир».

Ўрта аср одамлари Аллоҳни энг содик дўст, ҳар қандай дардга дармон берувчи табиб, барча чорасизликлардан халос этгувчи олий қудрат деб билишган. Уларнинг дунёқарашида Худо қандай мавқени эгаллаган бўлса, уни биз ўшандай тарзда шарҳлашимиз керак. «Худо тиш берибдими, ризқини ҳам беради. Унинг дастурхони шоҳу гадо учун очиқ», дейишган аждодларимиз. Ва насиба улашишда Унинг саховати, улуғлигига ишонишган. Қитъада шундай нуқтаи назардаги одамларнинг танқидий муносабатлари асос этиб олинган. Улар Тангри дастурхонининг очиқлигига

ишонувчилардир. Шоир үшаларнинг номидан иккинчи бир тоифа кимсаларнинг вакилларини фош этган. Ҳүш, улар кимлар? Эътиқодсиз ва мунофиқлар. Уларнинг иккюзламачилиги шундаки, зоҳиран, яъни ташқи қўринишдан «Тенгри хони»нинг ёзиқлигига гумон билдиришмайди-ю, ичдан эса ҳалқдан ризқу насиба тилашади. Бу – уларнинг ғофиллиги. Шунинг учун ҳам ризқ-рўзини ҳалқдан тама этган риёкорлар намоянда-сини ҳазрат Навоий гумроҳ деб атайди. Ва уни дengiz қирғозида турган бўлса-да, чукур қазиб, сув чиқариб, рўзасини очмоқни хоҳлаган довдирга ўхшатади.

Қитъада ифодаланган маънонинг икки жиҳати бугунги ўқувчи учун жуда эътиборли. Биринчиси, уз қорни ва манфаатини қўзлаб, ҳалқдан тама қилмаслик; иккинчиси, имон-эътиқодда субутсиз бўлмаслик.





«КҮБ ОЛТИН, КУМУШ СОРИ ҚҰЛ СУНМОГИЛ...

*Күб олтин, күмуш сори құл сунмогил,
Ки тутсанг кафингни қора ранг этар.
Күнгүлда доғи майлини асрама,
Ки қүнгүлни доғи ҳам ул ранг этар.*

Буюк ҳинд адиби Робиндренат Тҳокур «Мерос номли ҳикоя ёзган. Унинг бөш қаҳрамони Жогонат Кундо деган молпараст чол. Арзимаган чиқимга ҳа-тиш-тирноғи билан қарши. Имкони бұлса-ю, ҳеч нима-га пул сарфламаса. Унинг хасислиги туфайли ота-бол үртасида тез-тез жанжал чиқади. Келини қаттық каса бұлганида у табибни: «Қиммат дори ёзибсан», де ҳайдаб юборади. Келин үлади. Лекин у: «Дори ичга одамлар үлмайдими? Хүш, агар қиммат дори күтқарс: подшолар нега үлади?» дея үзини оқлашга күч топади. Шу воқеа сабаб үғил отаси билан орани бутунлай очи қиласы. Чол ҳатто үғлининг уйдан кетишидан хур сандлигини ҳам яширмайди. Чунки сарфу ҳаражат лар энди янада камаяди. Вақт үтган сайин ёлғизли азоблари уни қийнай бошлайди. Шунда отаси била: кетиб қолган тұрт яшар набираси Гокулгодронини тез-тез эслайди. Ва үзининг очқұзлик, ҳарислик била: ииққан молу давлатини унга мерос қолдириш ҳақи: ҳаёллар суради.

Кунлардан бирида туш пайти кўчада айланиб юрган Жогонатх нотаниш болани қўриб қолади. Маълум бўлишича, бу бола отаси мактабга бермоқчи бўлгани учун қаёнларданdir қочиб келган экан. У чолникида яшай бошлайди. Хуллас, Жогонатх бутун бойликларини Нитай Пал исмли шу болага топширишга қарор қиласди. Чунки у паймонаси тўлиб қолаёзганини аниқ сезаётган эди. Бир куни чол бир йўловчидан Домодор Пал деган одам уйидан қочиб кетган ўғлини қидириб юрганмиш, деган хабарни эшитади-ю, туш пайтида болани уйига қамаб, қаёққадир ғойиб бўлади. Қайтиб келгач, ярим тунда болани етаклаб, йўлга чиқади. Улар чакалакзордаги бир ибодатхонага этиб келишади. Бир тошни сурисиб, қорачироқ ёниб турган ғорга киришганда, боланинг бутун борлиғини кўркув эгаллайди. Ғорнинг ичидаги ҳар турли мис кўзалар. Бола қизиқиб кўзалардан бирига назар солади – унинг ичидаги рупия ва олтин тангаларап лиқ тўла. «Бу кўзалардаги ҳамма пулу олтинлар сеники», дейди чол ва бола билан биргаликда ибодат қиласди. Кўп ўтмай ғорнинг бадбуй ҳавосидан боланинг боши айланиб, кўл-оёқлари ҳолсизланади. Чол юқорига чиқиб, нарвонни тортиб олади. Пастдан эса: «Амаки, мен отамнинг олдига кетаман», деган бўғиқ овоз эшитилади... Шундай қилиб, ғор оғзига у тош қўйиб, тош устига тупроқ сепиб, ибодатхонанинг сочилиб ётган ғишт ва шағалларини тўқади. Чол шу иш билан машғул экан, бирдан кимдир уни чақиради:

- Ота.

Чол ер тепиб, гўё болага гапиради:



«КЎБ ОЛТИН, КУМУШ СОРИ ҚЎЛ СУНМОҒИЛ...»

*Кўб олтин, кумуш сори қўл сунмоғил,
Ки тутсанг кафингни қора ранг этар.
Кўнгулда доғи майлини асрала,
Ки кўнгулни доғи ҳам ул ранг этар.*

Буюк ҳинд адаби Робиндранат Тҳокур «Мерос» номли ҳикоя ёзган. Унинг бош қаҳрамони Жогонатҳ Кундо деган молпараст чол. Арзимаган чиқимга ҳамтиш-тирноғи билан қарши. Имкони бўлса-ю, ҳеч нимага пул сарфламаса. Унинг хасислиги туфайли ота-бола ўртасида тез-тез жанжал чиқади. Келини қаттиқ касал бўлганида у табибни: «Қиммат дори ёзибсан», деб ҳайдаб юборади. Келин ўлади. Лекин у: «Дори ичган одамлар ўлмайдими? Ҳуш, агар қиммат дори қуткарса, подшолар нега ўлади?» дея ўзини оқлашга куч топади. Шу воқеа сабаб ўғил отаси билан орани бутунлай очик қиласди. Чол ҳатто ўғлининг уйдан кетишидан хурсандлигини ҳам яширмайди. Чунки сарфу харажатлар энди янада камаяди. Вакт ўтган сайин ёлғизлик азоблари уни қийнай бошлайди. Шунда отаси билан кетиб қолган тўрт яшар набираси Гокулгодронини у тез-тез эслайди. Ва ўзининг очқўзлик, ҳарислик билан йиққан молу давлатини унга мерос қолдириш ҳақида хаёллар суради.

Кунлардан бирида туш пайти күчада айланиб юрган Жогонатх нотаниш болани күриб қолади. Маълум бўлишича, бу бола отаси мактабга бермоқчи бўлгани учун қаёнлардандир қочиб келган экан. У чолникида яшай бошлайди. Хуллас, Жогонатх бутун бойликларини Нитай Пал исмли шу болага топширишга қарор қиласди. Чунки у паймонаси тўлиб қолаёзганини аниқ сезаётган эди. Бир куни чол бир йўловчидан Домодор Пал деган одам уйидан қочиб кетган ўғлини қидириб юрганмиш, деган хабарни эшитади-ю, туш пайтида болани уйига қамаб, қаёққадир ғойиб бўлади. Қайтиб келгач, ярим тунда болани етаклаб, йўлга чиқади. Улар чакалакзордаги бир ибодатхонага етиб келишади. Бир тошни суреб, қорачироқ ёниб турган ғорга киришганда, боланинг бутун борлиғини қўркув эгаллайди. Ғорнинг ичидаги ҳар турли мис кўзалар. Бола қизиқиб кўзалардан бирига назар солади – унинг ичидаги рупия ва олтин тангалар лик тўла. «Бу кўзалардаги ҳамма пулу олтинлар сеники», дейди чол ва бола билан биргаликда ибодат қиласди. Кўп ўтмай ғорнинг бадбуй ҳавосидан боланинг боши айланиб, қўл-оёқлари ҳолсизланади бошлайди. Чол юқорига чиқиб, нарвонни тортиб олади. Пастанд эса: «Амаки, мен отамнинг олдига кетаман», деган бўғиқ овоз эшитилади... Шундай қилиб, ғор оғзига у тош қўйиб, тош устига тупроқ сепиб, ибодатхонанинг сочилиб ётган ғишт ва шағалларини тўқади. Чол шу иш билан машғул экан, бирдан кимдир уни чақиради:

- Ота.

Чол ер тепиб, гўё болага гапиради:

- Жим. Бирор эшитади...

Яна кетма-кет: «Ота», деган овоз янграйди. Чол орқасига ўгирилиб қараса, ўз ўғли Бариндобоп турибди.

- Ота, эшитиш имча, ўғлим сенинг уйингда яшириниб юрар экан, уни менга қайтиб бер,- дейди у.

- Сенинг ўғлинг?

- Ҳа, Гокул, энди уни Нитой Пал деб атайдилар, мен эса Домодорман, сен шундай «шухрат» қозондингки, биз номимизни ўзгартиришга мажбур бўлдик.

Бу сўзларни эшитган чол қўлларини олдинга чўзиб, гўё ҳавога таянмоқчи бўлади-ю, ерга қулаб тушади...

Мана, сизга бойликка ҳирс қўйган кишининг қисмати. Бизнингча, бу қайғули воқеада «Кўб олтин, кумуш сори қўл» чўзишнинг оқибатлари бутун даҳшати билан аксини топгандир. Мир Алишер Навоий қитъаси ва Робиндронат Тҳокур ҳикояси, деярли, битта моҳиятни ифодалайди. Айтиш мумкинки, шеърдаги ғоя ҳинд адабининг асарида характер яратиш орқали гўёки тасдиқланган ва ривожлантирилгандир. Тҳокур тасвиридаги Жогонатх Кундо ҳам кўнглида «кўб олтин, кумуш» майлини асраб-авайлаган кимса. Шу майл касофатида унинг «кафи»гина эмас, қалби ҳам қорага чулғанган. Аммо олтину бойлик ҳирси унинг қалбинигинамас, келажагини ҳам юлиб ташлаган. Бойликка ўчлик тақаббурликни, такаббурлик телбаликни туғдиради, дейишади. Рост гап. Акс ҳолда шўрлик чол ўспирин бола тимсолида умид ва келажагини ўз қўли билан ғорга дафн этармиди? Ҳа, бойлик майли – чиркинлик ва кулфат дояси эканлигини сира унутмаслик керак.



«АХЛИ МАЬНИ ГУРУХИДА...»

*Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин.
Ким буларға гадолиғ ортиқдур,
Аҳли суратқа подшолиғдин.*

«Суврат аҳли» деб ҳар бир нарсанинг ташқи кўри-
нишига қараб, унга юзаки муносабатда бўладиган
кишиларга; «маъно аҳли» деб нарса ва ҳодисаларнинг
сабаби, натижа ва оқибатларини ўйлаб, оқилона
муносабатда бўладиган шахсларга айтилади», дейди
профессор А.Рустамов.

Аҳли маъни – фикр одамлари. Фикрсиз халойик-
нинг онгига маъни чукурлиги бўлмайди. Фикрлаш
– ҳақиқатни англаш эҳтиёжидир. Бу эҳтиёж ҳамма
нарса тўғрисида мустақил мушоҳада юритмоқ зару-
ратини туғдиради. Мана шундан ахлоқий уйғоқлик
бошланади, одам ва олам тақдирига виждон назари
билан қарай олиш қобилияти шаклланади. Аҳли маъ-
ни гуруҳига мансуб бўлмоқ – бу, оқил ва доно, камтар
ва олижаноб, ҳақиқатсевар ва фидойи бўлмоқ, дега-
нидир. Бундай фазилатларга эга зотларнинг йиғини
тафаккур базмига ўхшайди. Чунки унда Ақл оддий сўз
ва тушунчалардан эмас. Диёнат, Адолат, Инсоф, Имон,

Ишқ, Дард тухфаларидан баҳра олади. Мана шунинг учун Мир Алишер Навоий аҳли маъни гуруҳида гадо бўлишдан ҳеч ор айламасликка чақирган. Ва:

*Ким буларга гадолиғ ортуқдур,
Аҳли суратқа подшолиғдин,-*

дея олдинги гапини таъкидлаган. Бу даъватнинг замирида фикр кишиларининг қисмати учун қайғуриш ҳам бор. Аҳли сурат – зоҳирпааст саёз зотлардир. Булар орасига кирилгани ҳамон нодонликнинг қўланса ҳидлари димоққа урилиши, маънисиз нигоҳларидан юрак сиқилиши мумкин.

Ҳазрат Навоий доимо ҳақдирлар: «аҳли сурат»ларга шоҳ бўлгунча, маъни аҳли йиғинида гадо бўлмоқ минг карра афзалдир.





«ЖОН БАСЕ ҚИЛДИМ ФИДО...»

Жон басе килдим фидо ул ҳусн миръоти учун,
 Оҳ кўп чектим вафосида аниң шому саҳар.
 Бир нафаским хизматидин ғойиб бўлдум ўйла бил,
 Ким мени умрида ул бадмехр кўрмайдур магар.
 Ўз-ўзум бирла дер эрдимким недин бу наевъ экин,
 Айлабон огоҳ хирад деди менга, эй бехабар.
 Мунда рамзедур дақиқ, аммо қиласай равшан санга,
 Ким латофатда сафо кўзгусидур ул сиймбар.
 Англаким то кўзгунинг оллида сен, қўнглида сен,
 Чунки бординг оллидин, йўқ қўнглида сендин асар.

Бу қитъада ёр «ҳусн миръоти» – ҳусн ойнаси сифатида тасаввур қилинган. Лирик қаҳрамон поклик, софлик ва тиниқликда кўзгуга teng, уша маъшуқаси учун кўп, “оҳ” чеккан. Шому саҳар унинг вафосини тилаган. Унга шундай туюлганки, у қайси муддатки ёрнинг хизматидан чекинса, ул бадмехр ўзини гўё умрида уни кўрмагандай тутган:

*Ҳар нафаским хизматидан ғойиб бўлдум ўйла бил,
 Ким мени умрида ул бадмехр кўрмайдур магар.*

Нега шундай? Ошиқ бунинг сабаблари билан қи-

Ишқ, Дард тухфаларидан баҳра олади. Мана шунинг учун Мир Алишер Навоий аҳли маъни гурухида гадо бўлишдан ҳеч ор айламасликка чақирган. Ва:

*Ким буларга гадолиғ ортуқдур,
Аҳли суратқа подшолиғдин,-*

дея олдинги гапини таъкидлаган. Бу даъватнинг замирида фикр кишиларининг қисмати учун қайғуриш ҳам бор. Аҳли сурат – зоҳирпараст саёз зотлардир. Булар орасига кирилгани ҳамон нодонликнинг қўланса ҳидлари димоққа урилиши, маънисиз нигоҳларидан юрак сиқилиши мумкин.

Ҳазрат Навоий доимо ҳақдирлар: «аҳли сурат»ларга шоҳ бўлгунча, маъни аҳли йиғинида гадо бўлмоқ минг карра афзалдир.





«ЖОН БАСЕ ҚИЛДИМ ФИДО...»

Жон басе килдим фидо ул ҳусн миръоти учун,
Оҳ кўп чектим вафосида аниң шому саҳар.
Бир нафаским хизматидин ғойиб бўлдум ўйла бил,
Ким мени умрида ул бадмехр кўрмайдур магар.
Ўз-ўзум бирла дер эрдимким недин бу навъ экин,
Айлабон огоҳ хирад деди менга, эй бехабар.
Мунда рамзедур дақиқ, аммо қиласай равшан санга,
Ким латофатда сафо кўзгусидур ул сиймбар.
Англаким то қўзгунинг оллида сен, қўнглида сен,
Чунки бординг оллидин, йўқ қўнглида сендин асар.

Бу қитъада ёр «ҳусн миръоти» – ҳусн ойнаси сифатида тасаввур қилинган. Лирик қаҳрамон поклик, софлик ва тиниқлиқда қўзгуга teng, ўша маъшуқаси учун кўп, “оҳ” чеккан. Шому саҳар унинг вафосини тилаган. Унга шундай туюлганки, у қайси муддатки ёрнинг хизматидан чекинса, ул бадмехр ўзини гўё умрида уни кўрмагандай тутган:

*Ҳар нафаским хизматидан ғойиб бўлдум ўйла бил,
Ким мени умрида ул бадмехр кўрмайдур магар.*

Нега шундай? Ошиқ бунинг сабаблари билан қи-

зиқади, ўз-ўзича мулоҳазаларга берилади:

Ўз-ўзум бирла дер эрдимким недин бу наөвъ экин...

Шунда ақл ёрдамга келиб, уни бу сирдан огоҳ этади.
Ақлнинг айтишича, мазкур ҳодисада нозик рамз бор:


*Айлабон огоҳ хирад деди манга, эй бехабар,
Мунда рамздур дақиқ, аммо қилай равшан санга.*

Ақлнинг баёнича, «ул сиймбар» – оқ баданли гўзал латофатда софлик кўзгусидур:

*Англаким то кўзгунинг оллида сен, кўнглида сен,
Чунки бординг оллидин, йўқ кўнглида сендин асар.*

Бу гапни ўқиб, «Кўздин йироқ, кўнгилдин йироқ»,
деган доно ўгитни ҳам Ақл айтганига беихтиёр инон-
гинг келади.





«БАЙТ УЛ ҲАЗАНҒА КИРСАМ...»

*Байт ул ҳазанға кирсам улустин қочиб даме,
Атрофдин ғубори малолат манга ёғар,
Силкай деб ул ғуборни чиқтим чу қулбадин,
Эл жавру зулмидин бошима юз бало ёғар.*

Мир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг муқаддимасида: «...гоҳ пасткаш ва баҳил кишилар қошида хўрландим ва разил-нокаслар олдида эътиборсиз бўлдим... гоҳ тентаклик маҳалласида разил кишилар бўйнимга муштладилар... гоҳ шаҳрим эли жабридин ғарибликка тушдим ва ғариб кишиларга қўшилдим... гоҳо тоғлар чўққиси оромгоҳим бўлди ва саҳро этаги паноҳим бўлди. Ва гоҳо бу қийинчиликларга чидолмай, Ватанимга қайтдим, ёлғизлик хилватгоҳида ётдим», деб ёзадилар. Бундай қайд ва эътирофлар ҳазрат Навоий шеърларида акс эттирилган ёлғизлик ҳисларининг илдизларини теран қўриш, уларнинг маъноларини тўғри мушоҳада қилиш имконларини кенгайтиради. Ҳазрат учун ёлғизлик гўшаси гўёки нажот қалъаси. У киши тинимсиз равишда мана шу «қалъага» қочмоқ, бекинмоқ истайдилар. Нега? Чунки улуғ шоир танҳоликда, яъни узлат эшигини очиб, ичкари киргандагина, дард ва оғриққа тўлган қалбини ташқи ранжу

зиқади, ўз-ўзича мулоҳазаларга берилади:

Ўз-ўзум бирла дер эрдимким недин бу навъ экин...

Шунда ақл ёрдамга келиб, уни бу сирдан огоҳ этади.
Ақлнинг айтишича, мазкур ҳодисада нозик рамз бор:

*Айлабон огоҳ хирад деди манга, эй бехабар,
Мунда рамздур дақиқ, аммо қиласай равшан санга.*

Ақлнинг баёнича, «ул сиймбар» – оқ баданли гўзал латофатда софлик кўзгусидур:

*Англаким то кўзгунинг оллида сен, кўнглида сен,
Чунки бординг оллидин, йўқ кўнглида сендин асар.*

Бу гапни ўқиб, «Кўздин йироқ, кўнгилдин йироқ»,
деган доно ўгитни ҳам Ақл айтганига беихтиёр инон-
гинг келади.





«БАЙТ УЛ ҲАЗАНҒА КИРСАМ...»


*Байт ул ҳазанға кирсам улустин қочиб даме,
Атрофдин ғубори малолат манга ёғар,
Силкай деб ул ғуборни чиқтим чу кулбадин,
Эл жавру зулмидин бошима юз бало ёғар.*

Мир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг муқаддимасида: «... гоҳ пасткаш ва баҳил кишилар қошида хўрландим ва разил-нокаслар олдида эътиборсиз бўлдим... гоҳ тентаклик маҳалласида разил кишилар бўйнимга муштладилар... гоҳ шаҳрим эли жабридин ғарибликка тушдим ва ғариб кишиларга қўшилдим... гоҳо тоғлар чўққиси оромгоҳим бўлди ва саҳро этаги паноҳим бўлди. Ва гоҳо бу қийинчиликларга чидомлай, Ватанимга қайтдим, ёлғизлик хилватгоҳида ётдим», деб ёзадилар. Бундай қайд ва эътирофлар ҳазрат Навоий шеърларида акс эттирилган ёлғизлик ҳисларининг илдизларини теран қўриш, уларнинг маъноларини тўғри мушоҳада қилиш имконларини кенгайтиради. Ҳазрат учун ёлғизлик гўшаси гўёки нажот қалъаси. У киши тинимсиз равишда мана шу «қалъага» қочмоқ, бекинмоқ истайдилар. Нега? Чунки улуғ шоир танҳоликда, яъни узлат эшигини очиб, ичкари киргандагина, дард ва оғриққа тўлган қалбини ташқи ранжу

балолардан қутқазғандай сезади ўзини. Лекин бу сезги ҳам мұваққат. Ҳар қандай буюк санъаткор ёлғизлиқда ҳам ёлғизлигини топмаган шахсdir. Бу – оғир қисмат. Қитъа мана шу ҳақда. Тасаввур қилинг: шоир улусдин қочиб «байт ул ҳазан» – ёлғизлик ғамхонасига кирган. Аммо шу қайғы уйида ҳам атрофдан унга маломат ғуборлари ёғилади. Табиийки, ташқаридан ёпирилаётган бу малолликка сезгир юрак бефарқ бўлмоғи мумкин эмас. Шунинг учун шоир уни чангга ўхшаб силкитиб ташламоқ умидида кўчага чиқади. Шунда нима бўлади денг? Ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилади, деганларидек унинг бошига «эл жаври зулмидин» юз бало ёғилади. Мир Алишер Навоий бир байтида:

*Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол,-*

деган эдилар. Улуғ шоир не-не мушкул ҳолларга гирифтор бўлмасинлар, уларнинг барчасини ақлу дониш билан қаршилаган ва енгланлар. Ғусса ва қайғулар ичida Навоийнинг руҳи ҳамиша ғолиблигини сақлаган.





«ЭРУР ОРИФҚА ГАНЖИ ФАЙЗ ЕТСА...»

Эрур орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.
Күёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндур анинг сувин тошурмоқ.


Шарқ мамлакатларидан бирида шундай воқеа со-
дир бўлган экан. Икки дўст кетаётиб, масжид ёнида
танҳо ўтирган кўрни кўриб қолишибди. «Бизнинг
юртимиздаги энг донишманд зот мана шу киши»,
дебди бири иккинчисига. Кўрнинг ёнига боришиб, у
билан бир муддат гаплашишибди. Сўз орасида кўрни
таърифлаган киши ундан сўрабди: «Саволим учун узр.
Сиз қачондан буён кўрмайдиган бўлгансиз?» «Мен
ботил туғилганман», ўз-ўзига сўзлагандай шивир-
лабди кўр. «Сиз донишмандликнинг қанақа йўлини
танлагансиз?» сўрабди ҳалиги одам яна. «Мен му-
нажимман, – дебди кўр, – қуёш, ой ва юлдузларни
кузатаман, шунга қараб фикр юритаман».

Ҳақиқий ориф одам мана шу мунажимга маслак-
дош кишидур. У ҳам дунёга юрак кўзи билан қарай-
ди. У ҳам инсон руҳи ва дили фавқулодда ёруғ, яъни
қуёшли бўлмоғини истайди. Шунинг учун ориф олий
ҳақиқатни танувчидир. Улуғ турк шоири Юнус Эмро:

балолардан қутқазғандай сезади ўзини. Лекин бу сезги ҳам муваққат. Ҳар қандай буюк санъаткор ёлғизлика ҳам ёлғизлигини топмаган шахсдир. Бу – оғир қисмат. Қитъа мана шу ҳақда. Тасаввур қилинг: шоир улусдин қочиб «байт ул ҳазан» – ёлғизлик ғамхонасига кирган. Аммо шу қайғы уйида ҳам атрофдан унга маломат ғуборлари ёғилади. Табийки, ташқаридан ёпирилаётган бу малолликка сезгир юрак бефарқ бўлмоғи мумкин эмас. Шунинг учун шоир уни чангга ўхшаб силкитиб ташламоқ умидида кўчага чиқади. Шунда нима бўлади денг? Ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилади, деганларидек унинг бошига «эл жаври зулмидин» юз бало ёғилади. Мир Алишер Навоий бир байтида:

*Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол,-*

деган эдилар. Улуғ шоир не-не мушкул ҳолларга гирифтор бўлмасинлар, уларнинг барчасини ақлу дониш билан қаршилаган ва енгланлар. Ғусса ва қайғулар ичida Навоийнинг рухи ҳамиша ғолиблигини сақлаган.



«ЭРУР ОРИФҚА ГАНЖИ ФАЙЗ ЕТСА...»

Эрүр орифқа ганжи файз етса,
Иши дам урмайин ани ёшурмоқ.
Куёш акси тушуб дарё ичинда,
Не мумкиндер аниг сувин тошурмоқ.

Шарқ мамлакатларидан бирида шундай воқеа со-
дир бўлган экан. Икки дуст кетаётиб, масжид ёнида
танҳо ўтирган кўрни кўриб қолишибди. «Бизнинг
юртимиздаги энг донишманд зот мана шу киши»,
дебди бири иккинчисига. Кўрнинг ёнига боришиб, у
билин бир муддат гаплашишибди. Сўз орасида кўрни
таърифлаган киши ундан сўрабди: «Саволим учун узр.
Сиз қачондан буён кўрмайдиган бўлгансиз?» «Мен
ботил туғилганман», ўз-ўзига сўзлагандай шивир-
лабди кўр. «Сиз донишмандликнинг қанақа йўлини
танлагансиз?» сўрабди ҳалиги одам яна. «Мен му-
нажимман, – дебди кўр, – куёш, ой ва юлдузларни
кузатаман, шунга қараб фикр юритаман».

Ҳақиқий ориф одам мана шу муナжжимга маслак-
дош кишиидур. У ҳам дунёга юрак кўзи билан қарай-
ди. У ҳам инсон руҳи ва дили фавқулодда ёруғ, яъни
куёшли бўлмоғини истайди. Шунинг учун ориф олий
ҳақиқатни танувчиидир. Улуғ турк шоири Юнус Эмро:

*Ориф анга деярлар, ул кон бўлур,
Маърифат оламинда бир уммон бўлур...
Ҳақ деяжак нафаси Ҳақдин келар,
Сўйлаяжак сўзлари Қуръон бўлур, –*

деган. Мир Алишер Навоий таъкидлашларича, ориф ҳақиқат хазинасидан қанча кўн файз топса, кўнгли нечоғлик маънавий ганжлар билан бойиса ҳам. унинг вазифаси буни ошкор қилмасдан пинҳон тутмоқдир. Ҳақдан етишган файз ва маърифат бойлигини атайин яширмоқ орифликми? Йўқ. Бунда ҳеч қанақа атайинлик бўлмаслиги керак. Чунки ориф деган бамисоли дарё. Ҳар куни дарё юзига қуёшнинг олов нурлари тўкилади, дейлик. Аммо нурли ҳароратдан дарё кўпирб, суви тошиши мумкинми? Ҳазрат Навоий қитъанинг навбатдаги байтида:

*Кўёш акси тўшиб дарё ичинда
Не мумкиндур аниңг сувин тошурмоқ, –*

дер эканлар, орифни ана шундай кўпирмас дарёга қиёслайдилар. Илм эгаллаганга олим, маърифат соҳибига ориф дейилган. Олим ақл, мантиқ ва далилга асосланса, ориф кўнгил завқ ва ҳолга таянган. Тасаввуф аҳли олимникига нисбатан орифнинг хислати, маънавий куч-қуввати ва имтиёзларига юқори баҳо беришган. Мұхъиддин Ибн Арабийга кўра, «Ориф мамлакатнинг бутун юкини елкасига олишга қодир. У барча масалаларнинг яширин жиҳатларини юзага чиқаришни истар. Ориф тушунчаларини ўзининг шахсига мувофиқ тарзда ўртага ташлайди».



«ЖАҲОН ГАНЖИҒА ШОҲ ЭРУР...»

*Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида.*

Афсоналарнинг гувоҳлик беришича, бебаҳо хазиналар яширган жойларда илон ва аждарлар жойлашиб, уларни қўриқлаб ётишармиш. Мавлоно Лутфий шундай афсоналар мазмунига асосланиб ёзганлар:

*Юз уза зулфунг эрур ганж устида ётқон илон,
Ваҳ, ўшул ганж орзусидур бизни вайрон айлаган.*

Мир Алишер Навоий ёзган қитъада афсона чин ҳақиқатга айланган дейиш мумкин. Бу шеър шоҳга берилган жуда ҳаққоний ғоявий, ижтимоий, ахлоқий ва бадиий характеристикадир. Шоҳ – ҳақиқатда «Жаҳон ганжи»нинг қўриқбони. Лекин у аждаҳо табиатидаги посbon. Қаҳр-ғазаби унинг ҳазарли. Ғазабга минган чоғларида унинг оғзидан, ўт-олов сочилади. Шунинг учун ундан умид ва яхшилик тиламоқ аждаҳо оғзида осудалик исташ ёки умр кечиришни кўзлаш билан теппа-тенгdir. Бундоқ қарабандада шеърда ҳамма

*Ориф анга деярлар, ул кон бўлур,
Маърифат оламинда бир уммон бўлур...
Ҳақ деяжак нафаси Ҳақдин келар,
Сўйлаяжак сўзлари Қуръон бўлур, –*

деган. Мир Алишер Навоий таъкидлашларича, ориф ҳақиқат хазинасидан қанча кўн файз топса, кўнгли нечоғлик маънавий ганжлар билан бойиса ҳам. унинг вазифаси буни ошкор қилмасдан пинҳон тутмоқдир. Ҳақдан етишган файз ва маърифат бойлигини атайин яширмоқ орифликми? Йўқ. Бунда ҳеч қанақа атайинлик бўлмаслиги керак. Чунки ориф деган бамисоли дарё. Ҳар куни дарё юзига қуёшнинг олов нурлари тўкилади, дейлик. Аммо нурли ҳароратдан дарё кўпирб, суви тошиши мумкинми? Ҳазрат Навоий қитъанинг навбатдаги байтида:

*Кўёш акси тўшиб дарё ичинда
Не мумкинтур аниңг сувин тошурмоқ, –*

дер эканлар, орифни ана шундай кўпирмас дарёга қиёслайдилар. Илм эгаллаганга олим, маърифат соҳибига ориф дейилган. Олим ақл, мантиқ ва далилга асосланса, ориф кўнгил завқ ва ҳолга таянган. Тасаввуф аҳли олимникига нисбатан орифнинг хислати, маънавий куч-қуввати ва имтиёзларига юқори баҳо беришган. Муҳиддин Ибн Арабийга кўра, «Ориф мамлакатнинг бутун юкини елкасига олишга қодир. У барча масалаларнинг яширин жиҳатларини юзага чиқаришни истар. Ориф тушунчаларини ўзининг шахсига мувофиқ тарзда ўртага ташлайди».



«ЖАҲОН ГАНЖИҒА ШОҲ ЭРУР...»

*Жаҳон ганжиға шоҳ эрур аждаҳо,
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида.*

Афсоналарнинг гувоҳлик беришича, бебаҳо хазиналар яширган жойларда илон ва аждарлар жойлашиб, уларни қўриқлаб ётишармиш. Мавлоно Лутфий шундай афсоналар мазмунига асосланиб ёзганлар:

*Юз уза зулфунг эрур ганж устида ётқон илон,
Ваҳ, ўшул ганж орзусидур бизни вайрон айлаган.*

Мир Алишер Навоий ёзган қитъада афсона чин ҳақиқатга айланган дейиш мумкин. Бу шеър шоҳга берилган жуда ҳаққоний ғоявий, ижтимоий, ахлоқий ва бадиий характеристикадир. Шоҳ – ҳақиқатда «Жаҳон ганжи»нинг қўриқбони. Лекин у аждаҳо табиатидаги посbon. Қаҳр-ғазаби унинг ҳазарли. Ғазабга минган чоғларида унинг оғзидан, ўт-олов сочилади. Шунинг учун ундан умид ва яхшилик тиламоқ аждаҳо оғзида осудалик исташ ёки умр кечиришни кўзлаш билан теппа-тенгдир. Бундоқ қарабандада шеърда ҳамма

давр шоҳлари устидан ҳукм ўқилган. Шоҳ ва аждаҳо нисбатида, умуман, ғайритабиийлик сезилмайди. Профессор А.Ҳайитметовнинг ёзишларича, Султон Абусаид Мирзо чиндан ҳам қаҳри қаттиқ золим ҳукмдор бўлган. Бироқ шу билан бирга дин, тариқат, маърифат йўлида яхши ишларни амалга ошириб Ҳожа Аҳрори Вали, Абдураҳмон Жомий каби улуғларнинг ишончини қозонган.





«ҲАР ИМОРАТКИМ ТУГАНДИ ГАРЧИ ШҮХЕДУР ЖАМИЛ...»

*Ҳар иморатким туганди гарчи шүхедур жамил,
Бұлса коши корлиғ айлар жамолин бирга үн.
Бу яқиндурким жамол аҳли ёлонглиқдин басе,
Яхшироқдур үлса коши нақшилиқ эгнида түн.*

Академик Иброҳим Мұмінов Амир Темур хукмронлиги даврида Самарқанднинг ташқи чиройи бутунлай үзгариб кетганлигини таъкидлаб ёзади: «Темур Самарқандда Кўксарой, Бибихоним масжидини, Шоҳизинда мавзолейини, Самарқанд атрофида Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройларни қурдирди». Амир Темур Бухоро, Шаҳрисабз, Фарғона ва Туркистонда ҳам карвонсарой, масжид ва мақбаралар бино эттирган. Хуллас, шаҳарлар, қишлоқлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша даврларда мисли қўрилмаган миқёсда олиб борилган эди. Мана шу бинокорлик, меъморлик анъанаси Амир Темур ворисларига ижобий таъсир ўтказиб, улар ҳам қурилиш ишларига алоҳида эътибор берган эдилар. Олимларнинг эътирофларига кўра, бинокорлик анъанаси Шоҳруҳ ва Улуғбек замонларида кенг авж олган бўлса, Абусайд ва Султон Хусайн

ҳокимлигига янада юқори босқичларга күтарилган. Балки шунинг учун Мир Алишер Навоий ҳам ҳар бир иморатнинг зоҳирий кўрки, айниқса, нақший маҳобати хусусида қайғургандирлар. Қитъадан аён булишича, курилган ёки қурилажак иморатларнинг шунчаки гўзаллиги шоирни қаноатлантирган. Иморат нозанинларга ўхшаб чиройли ва кўримли бўлиши мумкин. Аммо «Бўлса коши корлиғ айлар жамолин бирга ўн». Коши – иморат ғиштларининг ҳар хил ранг ва бўёқ берилиб пиширилгани. Демак, кошин билан нақшлаш, безакдорлик бинонинг бир чиройига ўн чирой қўшади. Чунки «жамол аҳли» – хусну латофат соҳибалари ҳам эгнидаги нақшли тўнлари билан эътиборли.






«БИЗНИНГ ИМОРАТ ИЧИНДА ТУЗИЛГАН ИККИ МАНОР...»

*Бизнинг иморат ичинда тузолган икки манор
Ки қуббаларидин эрурлар сипеҳр сонида.
Ики ағо-инидур тавъамон гумон қилғил,
Ки фарқ йўқ арода бўлсалар намоянда.
Замоне золини кўрким не навъ бикр ўлғай,
Ки мундоқ икки ўғил андин ўлди зоянда.*

Тарихчи Ғиёсиддин Хондамир Мир Алишер Навоий «мансабдорлик кунларида фуқаро ва дарвешларнинг фаровонлиги, ғариб ва мусоғирларнинг фароғати учун Ҳурросон атрофларида қўп миқдорда хонақоҳ работ, ҳовуз ва ҳаммомлар қурган», – дейди. Унингча, ҳазрат Навоийнинг «ҳиммат қўли билан қурилган ҳар бир масжид тўғрисида»ги алоҳида тафсилотлар ҳам анчага узаяди. Бу иморатларнинг қурилишига Мир Алишер Навоий ташаббускор ёки раҳбарлик қилиш билангина қаноатланмаганлар, балки баъзи тоқ, гумбаз ва биноларнинг тикланишида «ҳар куни иш бошига» келиб, «кўпинча этакни бар уриб, мардикорлар қатори» ишлаганлар. Қитъада ўша иморатлардан бирининг ичida «тиклangan икки манор» таърифланган. Минорларнинг муҳташам қуббалари осмон қадар юксалган. Шунинг учун улар «сипеҳр сонида» бўлиб,

бамисоли икки оға-инидур. Уларни тавъамон – эгизак дейиш ҳам мумкин: «Ки фарқ йўқ арова бўлсалар на-моянда». Замона золи – замоннинг маккор кампири. Бу «маккор кампир» замоннинг ўзи. Ажабланарлиси шундаки, у қари ёсуман не нав яшариб, ифрат топгану мундок икки ўғил ундан дунёга келган. Демак, охирги байт тузилишдан кўра бузилишни, ободликдан кўра харобликни истайдиган давр ва замонга муносабатни ойдинлаштиради.





«СИЙМНИ СОЧҚУЧИ МИНГДИН БИРДУР...»

*Сиймни сочқучи мингдин бирдур,
Ўзгаларнинг иши келди термак.
Ул жиҳатдан будуурод одатким,
Олмоқ осондуру мушкул бермак.*

Сийм кумуш, ақча, пул демак. Сиймни сочқучи пул ва бойлигини аямайдиган, қўли ҳам, кўнгли ҳам очик киши. Бундай одамлар камёб. Мир Алишер Навоий-нинг фикрларига кўра, «мингдин бирдур». Ўзгалар-чи? Уларнинг иши сочилганни термак, яъни сахийнинг олихимматлигидан баҳраманд бўлмоқ. Ўша тўққуз юзу тўқсон тўққиз («мингдин бир»га нисбатан) кимса сийм сочқучиликни одат қиласа маъқул эмасми? Албатта, яхши. Халқда «молу жон» деган ибора бор. Бунинг маъноси, «Мол бермоқ, жон бермоқдай гап», дегани.

*Ул жиҳатдин будуурод одатким,
Олмоқ осондуру мушкул бермак.*

Сахий шу одатга қарши боришга куч топади. Унинг учун бермоқ эмас, олмоқ мушкулдир.

«БАШАР ХАЙЛИ АНГА МАЖБУЛ ЭРУРЛАР...»

*Башар хайли анга мажбул эрурлар,
Ки бўлғай ҳар бири ўз оллинда маҳбуб.
Ажаб йўқ неча қилса номулоийим
Кишига келса ўз маҳбубидин хўб.
Ва лекин лозим эрмас буки бўлғой,
Анинг марғуби доғи элга марғуб,
Ҳам андоқким киши фарзанди бўлғой,
Неча манкуб эса оллинда матлуб,
Кишига айта олғайму ки бўлсун,
Санга ҳам ёру матлуб ушбу манкуб,
Хунар аҳли ани дегилки бўлғой,
Ўзини қилса ўз оллинда маъюб.
Чу ўз айбига воқиғ бўлди айбин.
Нечук қилғай ҳунар ўрнига маҳсуб.*

«Худпастлиқдан будпастлик яхшироқдур», дейдилар Мир Алишер Навоий. Будпаст будга сиғинади, худпаст ўзига. Ич-ичдан ўзининг қадрини баланд кўтарган кимса – ўзганинг қадрини осонлик билан ерга уради. У ўзини кўради. Шунинг учун худбиннинг ҳар қандай иши ўзига маъқул. Унинг табиати гўё камчиликлардан холи. У чечанларнинг чечани, гўёки доналарнинг доноси. Худбинлик – ўзига бино кўйишлик. Мазкур қитъа, аввало, мана шу иллатдан огоҳлантириш ниятида ёзилган. Биринчи байтдан англашиладиган ҳукмга биноан, башар хайли – ин-

сон қавми шундай бир туғма туйғуга тобедирки, ҳар бирининг севимлиси – ўзи:

Ки бўлғай ҳар бири ўз оллинда маҳбуб.

Негашундай? Кейинги байтда «ўз оллинда маҳбуб»-ликнинг туб сабаби айтилган:

*Ажаб йўқ неча қилса номулоим
Кишига келса ўз маҳбуидин ҳўб.*

Одамнинг феъли ғалати. Айтайлик, у бирорни севади. Лекин маъшуқа унинг меҳрини қаҳр билан «сийлайди», хуллас, у ёки бу тарзда «номулоимлик» қиласди. Шўрлик ошиқ буни қандай қабул этади? Унга маҳбубининг ҳамма «номулоим»ликлари «ҳўб» – маъқул ва гўзал туюлади. Ўзни севмоқ ҳам худди шундай гап, дейди байт мантиқи. Аммо оқил одам бошқача фикрлаб, ўзлигига бошқача миқёслар билан ҳам назар ташлай олиши керак. Ахир, сенга марғуб – севимли, элга ҳам марғубу манзур дегани эмас-ку? Қолаверса, бу «лозим эрмас» нарса.

*Ва лекин лозим эрмас буки бўлғой,
Анинг марғуби доғи элга марғуб.*

Бугина эмас, киши ўзининг баҳтсиз ёки ёмон хулқили фарзандини ҳам, қандай бўлишидан қатъи назар, асраб-ардоқлаши мумкин. Бироқ:

Кишига айта олғайму ки бўлсун
Санга ҳам ёру матлуб ушбу манкуб.

Ақлу фаросати жойида одам бунақа талабга сира йўл қўймайди.

«Хунар аҳли» – билим, фазилат ва истеъдод эгалари. Булар ўзига бино қўйган, худнамо бандалардан ўзини «ўз оллида маъюб» – айбдор ҳисоблай олишлари билан фарқланадилар. Мир Алишер Навоий ўз-ўзига ниҳоятда талабчан, маломатмашраб кишиларнинг нуқтаи назарини қўйидагича ифодалаганлар:

*Хунар аҳли ани дегилки бўлғай,
Ўзини қилса ўз оллида маъюб
Чу ўз айбига воқиф бўлди айбин,
Начук қилғай хунар ўрнига маҳсуб.*

Дарҳақиқат, ўз айбидан воқиф бўлиш – уни хаспўшлашмас. Балки ноқислиги ва айбларини ўз номи билан атаб, уларни фазилат, юксак инсоний хислатлар ўрнига ҳисобга олмасликдир. Бу жиҳатдан «хунар аҳли» чиндан ҳам ўзини ўз олдида мағлуб қилишга ибрат ва намунадирлар.



«ФАЛОНҒА АЖАБ ҲОЛ ЭРУРКИМ...»

Фалонға ажаб ҳол эрурким ҳалойиқ,
Не қилса алар бирладур можароси
Сола олмас эл ошига бир нухуд, гар
Тузилмас анинг бирла ул эл ароси.
Қазон йўқки, ул анда кафлиз эмастур,
Ки, бўлсун юзига қазонлар қароси.

«Фалон» деб аталган бу кимса ўн бешинчи аср одамларининг асабини қандоқ қақшатган бўлса, бугун ҳам ўша «фаол»лигидан тўхтагани йўқ. Гап шундаки, ҳамма замонларнинг ҳам йўқ жойдан чанг чиқарувчи, эл-юрт билан иттифоқда яшаса боши оғрийдиган можаропа-растлари бўлади. Йигирманчи асрда буларнинг сон-саноғи кўпайса кўпайдики, камаймади. Улар, ҳақиқатда, эл ошига бир нўхат қўшишга қодирмас. Аммо ҳалойиқ дилини сиёҳ этишга уста. Яхшилик, хотиржамлик муҳитига ёмонлик, дилсиёҳлик келтирувчилардир улар. Бундай фосиқ ва фитнакорлар билан эл ўртасида яқинлик бўлиши мумкинми? Қизифи шундаки, бу дилсиёҳ бадфеъллардан эл қанча ўзини узоқ тутса, улар ўшанча сукулувчан, юзсизларча аралашувлар бўлади. Бу ҳолатни ҳазрат Навоий эсдан кўтарилмайдиган образда ифода этиб дейдилар:

*Қазон йўқки ул анда кафлиз эмастур,
Ки бўлсун юзига қазонлар қароси.*

Халойиқ жамланган жойларга назар ташланг, қайсиdir нокас «кафгир»ликка интилаётганини дарров пайқайсиз. Мир Алишер Навоийнинг худди шундай юзсизларга нисбатан: «Ки бўлсун юзига қазонлаf қароси», деганларини ёддан чиқарманг.





«САФИХ ЗОЛИМ ИЛА БҮЛМА...»

*Сафиҳ золим ила бүлма хон уза ҳамдаст,
Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақлиқقا.
Ўзунгга абраҳи нодонни айлама ҳамроз,
Ки яхши эрмас эшак доғи ҳамсабақлиқقا.*

«Сафиҳ золим» – тентак ва ақлсиз золим. Оддий тентак золим бүлмаслиги мумкин. Лекин золим тентак телбаликлари тийим билмас бир маҳлукдир. У, аввало, ўзига-ўзи бераҳмлик қилган. Шу туфайли меҳрдан жудо бүлган. Диlidаги шафқат ва мурувват ҳисларини сўлдирган. Натижада имон ва диёнат уни тарк этган. Бир сўз билан баҳолаганда, у инсон қиёфасидаги ит. Ҳазрат Навоий ана шундай итлар билан бир дастурхон бошида ўтирмасликка чақириб: «Муносиб ўлмади ит чунки ҳамтабақлиқقا», дейдилар.


Абраҳи нодонларга ёвуқлашмаслик роҳатдир. Акс ҳолда улуғ шоир: «Ўзунгга абраҳи нодонни айлама ҳамроз», – демасди. Шарқ шоирларидан бири:

*Бечора эшак гарчи бетамиздир,
Лек юқ кўтаргани учун азиздир,-*

деган экан. Абраҳи нодонда шу «азиз»лик ҳам йўқ.

Шунга кўра нодон «эшақдан ҳам баттар... нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш». Эшакда «ақл-фаросат даъвоси йўқ, бермасанг оч, берсанг тўқ. Ҳатто шундай беозор махлуқни ҳам яқин олиб бўлмайди. Эшақдан-да тубан ва йиртқич аплаху нодонлар билан нега ҳамфикр бўлмоқ керак? Бу саволга қитъада аниқ жавоб қайтарилиган.





БОРДИЛАР ЁМҒУР ДУОСИН ҚИЛҒАЛИ АХЛИ РИЁ...»

*Бордилар ёмғур дуосин қилғали ахли риё,
Мен ниёз ахли здим, даъво камитин сүрмадим,
Ёмғур иккидур: бири маъхуду ул бир кўз ёшим,
Кўз ёшим йўқ эрди, то ул ойға кўз олдурмадим.
Тенгри ёмғур бермадиким, сўзсиз эрди талаб,
Манга қулгу келди, ашким ёмғурин ёғдирмадим.*

Ўзбек халқи қадим даврлардан бошлаб дехқончилик ва чорвачилик билан машғул бўлганлиги маълум. Сув – чорвадор учун ҳам, дехқон учун ҳам бир хилда зарур. Табиат эса ҳар йил ҳам дехқон ва чорвадорга етарли даражада сувни инъом этавермаган. Тез-тез сувсизлик, қурғоқчилик ҳодисалари юз бериб турган. Лекин ўтмиш аждодларимизда қурғоқчиликка қарши курашмоқ учун бугунгига ўхшаш имтиёз ва чоралар бўлмаган. Улар кўқдан нажот исташган. «Ёмғир ёғдир, сultonим», дея Тангрига илтижолар қилишган. Ўтмиш замонларда ўзбек халқи орасида ҳам ёмғир чақириш маросимлари юзага келиб, уларнинг ўзига хос шакл, усул ва воситалари бўлган. Масалан, турклар яшайдиган ўлкаларда яда тошидан фойдаланиб, ёмғир чақириш одати кенг тарқалган. Буюк тилшунос олим

Маҳмуд Кошғарий бу тұғрида ёзган: ат – ёмғир, шамол ва бошқаларни талаб қилиш учун махсус тошлар (яда тоши) билан фол очиш одатидир. Бу одат улар орасыда кенг тарқалған. Мен буни яғмолар шаҳрида үз күзим билан күрдім. У ерда пайдо бўлған бир ёнғинни сўндириш учун шундай фол қилинган эди, Худонинг амри билан ёзда қор ёғди. Кўз олдимда ёнғинни сўндириди». Алишер Навоийнинг фардларидан бирида бундай дейилган:

*Қотиқ қўнглунгдин оқти ҳақ ёши,
Ки ёвғур боисидур ёда тоши.*

Байтдаги «ёда тош»нинг маъносини билиш учун Маҳмуд Кошғарий шарҳлаган яда тош воситасида ёмғир талаб қилиш одати ҳисобга олиниши шарт.

Ёмғир чақириш тушунча ва тасавурлари асосида маросим фольклори ҳам туғилған. Ана шундай намуналардан бири – «Суст хотин» деб аталған маросим кўшиқларидир. «Суст хотин»нинг пайдо бўлиши, уни ўтказищдан кўзда тутилған асосий мақсад, ижро тарзи ва босқичлари, унда айтиладиган қўшиқларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини тадқиқ этган олим Б.Саримсоқов мана бундай мисоллар келтиради:

*Ҳаволарни ёғдиргин, суст хотин,
Буғдойларни бўлдиргин, суст хотин.
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,
Элу юртни тўйдиргин, суст хотин.*

Олимнинг ёзишича, «Суст хотин» маросими Жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбек-лақайларда асосан қуёш ботгач бошланиб, қуйидаги тартибда амалга оширилган: «Белгиланган куни кечки пайт 15 – 20 киши (асосан эркаклар) тўпланиб, ярим яланғоч икки кишини эшакка бир-бирига қаратиб миндирадилар. Уларнинг ўртасига икки тошбақанинг оёғидан боғлаб, эшакнинг икки томонига осилтириб қўядилар. Эшакка минган кишилардан бирининг қўлига ярим қилиб сув солинган қовоқ тутқазиб қўядилар. Иккинчи киши эса бир-бирига боғланган икки қамиш найчани қовоқقا солиб, қули билан эшиб айлантираверади. Қамиш найчалар сув қуйилган қовоқ ичидаги ғувуллаб овоз бериб айланади». Бу икки тошбақанинг қийналиб овоз чиқаришига тақлид экан. Эшакка минганлар ортидан эргашувчилар қишлоқ хонадонларига кириб, баланд товушда «Суст хотин» қўшигини куйлашар, «уй эгаси эса эшакка минган кишилар устидан сув сепар» ва маросим иштирокчилари талаб қилган донми, нонми, улоқ ёки қўйми, хуллас, нима нарса бўлмасин, уларга ҳадя этар экан.

Мир Алишер Навоийнинг, «Бордилар ёмғур дуосин қилғали», деган сўzlари айнан юқоридаги ҳолат ва усулларда ёмғир чақириш билан машғул бўлган ким-саларга қаратилмагандир. Лекин шоирнинг «ёмғур дуоси» бирла ёғин ёғдиришга бел боғлаганларни «аҳли риё» деб билганлиги шубҳасиз.

Қитъанинг иккинчи сатрида таъкидланишича, шоирнинг ўзи ҳам «ниёз аҳли», яъни сифинувчи ва

ёлворувчилар тоифасидан. Шунинг учун у ёмғир дуосининг сабабларини тафтиш қилиб ўтирмайди-ю, «ёмғур иккидур», дейди. Бири, «маъхуд», одатий, табиий ёмғир. Иккинчиси, «кўзёши».

Кўз ёшим йўқ эрди, то ул ойға кўз олдурмадим.

Бу сатр иккинчи «ёмғир»нинг қандай воқе бўлишини шарҳлайди:

*Тенгри ёмғир бермадиким, сўзсиз эрди талаб,
Манга кулгу келди, ашким ёмғурин ёғдурмадим.*

Кўр-кўроналик, юзакилик, албатта, кишида кулги қўзғайди. Бунда ҳатто шоир эътироф этмоқчи, ашк ёмғири ҳам ёғмайди.





«ЮҚОРИ ЎЛТУРУРНИ КИМ ТИЛАСА...»

*Юқори ўлтурурни ким тиласа,
Кишилиқдин ани йироқ билгил,
Ўлтуурүр сафда юқори илиқдин,
Ўлтуурүр сафда яхшироқ билгил.*

Қадимги Хитойда ака-ука икки подшоҳ бўлган экан. Улар узоқ вақтлар бир-бирларига халақит бермасдан, биродарликда давлатларини бошқаришибди. Аммо катта шоҳ шухратпараст экан. Шу сабаб бўлибди-ю, ўртада низо кўтарилибди. Низо қонли жангга айланиди. Охири ёши кичик подшоҳ оғасини енгибди. Қариндошлиқ бурчи туфайли у акасига: «Тила тилагингни», дебди. Ўшанда мағлуб шоҳ: «Мен енгилдим. Тожу таҳт, лашқару давлат ҳаммаси қўлимдан кетди. Майли, нимани хоҳласанг барчасини ол. Бари сеники. Менга фақат битта нарса – ҳаммадан юқори туриш, одамлар устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини қолдир», деган экан. Бу – инсондаги табиий истак. Шоҳнинг сўзлари шу хоҳишнинг кучайиш нуқтасини ифодалайди. Юқори ўлтиրмак тилаги, онгли равишда кимларнидир ўзингдан пастда кўрмокдир. Бора-бора бундан кўп пинҳоний зулмкорликлар, ошкора беписандлик ва бағритошликлар туғилади. Ҳазрат Навоий

мана шуларнинг барисини назарда тутиб:

*Юқори ўлтуурни ким тиласа,
Кишилиқдан ани йироқ билгил, –*

деб таъкидлаганлар. Мансаб, манфаат, бойлик, шухрат маъноларида «юқори ўлтурмак»ликка интилиш ноқаслик. Шундай кимсаларни одамийлик шарафидан йироқ ҳисоблаш жоиз. Ҳатто намозхон бўлса ҳам.





«НОКАСУ НОЖИНС АВЛОДИН...»

*Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,
Чекма меҳнатким латиф ўлмас касофат олами,
Ким қучук бирла ҳудукка неча қилсанг тарбият
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.*

Абдулла Орипов «Генетика» шеърида: «Оҳу боласи бу – оҳудай боққан, Шерваччада эса шернинг шиддати», дейди. Дарҳақиқат, шерда охунинг маъсумлиги, оҳуда шернинг шиддати бўлмайди. Бу – ирсият қонуни. Худди шунга ўҳшаб, одам тақдирида ҳам ирсиятнинг роли ва таъсири каттадир. Тўғри, баъзи ярамас ким-салардан туғилган фарзандлар яхши кишилар бўлиб вояга етишлари мумкин. Гоҳо ашаддий товламачи ёки ўғрининг боласида ростлик туйғуси кучли бўлади. Аммо буларни характерли ҳолатлар деб ҳисобламаслик керак. Ҳазрат Навоийнинг юқоридаги қитъаси шу жиҳатдан алоҳида эътиборга молик.

Шунақа кимсалар борки, уларнинг «нокасу ножинс»лиги гўёки пешонасига ёзib қўйилгандай равшан ва улардаги нокасликни ўзгартириб бўлмайди. Бунда тарбия ҳам, таъсир ҳам ожиз. Ҳазрат Навоий шунақа зотларнинг зурриёдидан одам чиқмаслигига ишонган. Ва улар учун «киши бўлсун дебон» меҳнат, машаққатни


бүйинга олмасликка чақырганлар. Зоти пастлик «касофат олами»га тегишли. Латифлик эса касофатнинг бутунлай зидди. Зотан:

*Ким кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.*

Бу гапдан сўнг эътиrozга асло ўрин қолмайди.

Ўзида йўқ хислат ва фазилатларни болаларидан қутиш бефойда. Конда бори қонга кўчишини ҳам унумаслик лозим. Фақат ўз фарзандларигагина эмас, «Йироқ авлодларга бизлардан...» «Қайбир хислатимиз қоларкин, ажаб? Нима қолар экан?» деб яшашни инсонийлик эҳтиёжи деб тушунмоқ керак. Ахир Шайх Саъдий ҳам айтганлар-ку:

*Одамлар нечоғлик қилса тарбият,
Бўрининг боласи – бўри оқибат.*





«АГАР ОҚИЛ ЭСАНГ...»

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг,
Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг исор,
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, – гар хато қилсанг.

Инсон умри мазмунига чуқурроқ қараладиган бўлса, «жаҳон аҳли» билан улфат бўлмаслик ёки яқинлик ришталарини узмоклик оқиллик эмас. Оқиллик – бирдамлик ва биродарлик йули. Унда меҳр зиёси бор. Бу зиё ҳеч вақт инсонни инсондан узоқлаштирумайди. Лекин ҳазрат Навоийнинг «Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким», деган даъват сўзларига ҳам шак келтириб бўлмайди. Чунки шоир «юз йил вафо» қилганда ҳам бирор бор вафо кўрсатмоққа лаёқати йўқ жафо аҳлидан қочиш ҳақида гапиргандар. Ана ўшандай оқибатсиз, бевафолар «жаҳон аҳли» деган тушунчанинг асосий таркибини ташкил қилган бўлса, Мир Алишер Навоий бундан қандоқ қилиб кўз юмсингилар? Жафокорлик дунёда шу қадар томир ёзганки, агар бировга «юз Хито мулки»ни ҳадя этсанг ҳам у сенинг жонингга қасд қилишда янгишмайди.

Ҳазрат Навоий – бағрикенг шоир ва у киши ҳамиша бағрикенглигига содикдирлар. Шунинг учун вафо туйғуси, вафога содиклик шеър бағрида чироқдай нурланиб турибди.


бүйинга олмасликка чақирғанлар. Зоти пастил «касофат олами»га тегишли. Латифлик эса касофатнің бутунлай зидди. Зотан:

*Ким күчук бирла хұдукка неча қылсанг тарбият,
Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами.*

Бу гапдан сўнг эътиrozга асло ўрин қолмайди.

Ўзида йўқ хислат ва фазилатларни болаларидан қутиш бефойда. Конда бори қонга кўчишини ҳам унутмаслик лозим. Фақат ўз фарзандларигагина эмас, «Йирок авлодларга бизлардан...» «Қайбир хислатимиз қоларкин, ажаб? Нима қолар экан?» деб яшашни инсонийлик эҳтиёжи деб тушунмоқ керак. Ахир Шайх Саъдий ҳам айтганлар-ку:

*Одамлар нечоғлик қылса тарбият,
Бўрининг боласи – бўри оқибат.*





«АГАР ОҚИЛ ЭСАНГ...»

Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким,
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг,
Бирига юз Хито мулки хирожин айласанг исор,
Хатосиз қасди жонинг қилғусидур, – гар хато қилсанг.

Инсон умри мазмунига чукурроқ қараладиган бўлса, «жаҳон аҳли» билан улфат бўлмаслик ёки яқинлик ришталарини узмоқлик оқиллик эмас. Оқиллик – бирдамлик ва биродарлик йўли. Унда меҳр зиёси бор. Бу зиё ҳеч вақт инсонни инсондан узоқлаштиrmайди. Лекин ҳазрат Навоийнинг «Агар оқил эсанг, узгил жаҳон аҳлидин улфатким», деган даъват сўзларига ҳам шак келтириб бўлмайди. Чунки шоир «юз йил вафо» қилганда ҳам бирор бор вафо кўрсатмоққа лаёқати йўқ жафо аҳлидан қочиш ҳақида гапиргандар. Ана ўшандай оқибатсиз, бевафолар «жаҳон аҳли» деган тушунчанинг асосий таркибини ташкил қилган бўлса, Мир Алишер Навоий бундан қандоқ қилиб кўз юмсинглар? Жафокорлик дунёда шу қадар томир ёзганки, агар бировга «юз Хито мулки»ни ҳадя этсанг ҳам у сенинг жонингга қасд қилишда янгишмайди.

Ҳазрат Навоий – бағрикенг шоир ва у киши ҳамиша бағрикенглигига содикдирлар. Шунинг учун вафо туйғуси, вафога содиклик шеър бағрида чироқдай нурланиб турибди.

«ТАВОЗУЙ ЯХШИ, АММО...»

Тавозуй яхши, аммо яхшироқдур
Агар даъб этса они аҳли давлат.
Эрүр ҳам ағв хұбу хұброқ ул,
Ки зоҳир бұлғой әл топқонда қудрат
Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
Агар йүқдур онинг ёнида миннат,
Ҳаким инсонни комил дебтур, они
Ки бұлғай зотида бу неча хислат.

Ривоят этилишича, түс-түполонли бир ов пайтида Ҳусрав Парвездінг тожидаги битта гавҳар йүқолибди. Лекин ов вақти буни ҳеч ким пайқамабди. Шоҳ шаҳарға қайтгачгина буни сезибди-ю, ғала-ғовур бошланибди. Чунки үша гавҳар шунчалик қимматбаҳо эканки, унинг нархи бутун мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг тураркан. Шунинг учун уни топиб келтирған кишига катта мукофот ваъда қилинибди. Бир гуруҳ ҳалойиқ гавҳар ахтарғали дашту биёбонга чиқибди. Иттифоқо, улар икки одамга дуч келишибди. Бу йұловчилардан бири – ғофил, иккинчи – огоҳ киши экан. Ғафлатнинг биринчи белгиси – кеккайиш. Ғофил одам, албатта, манманлика берилади. Огоҳлик эса одоб ва камтаринлик демак. Гердайғаннинг номи – Мудбир. Иккінчисининг оти Муқбил экан. Улар шу биёбонни кесиб үтиб шаҳар томон бораётган әдилар. Гавҳар излаётғанларнинг



«ТАВОЗҮЙ ЯХШИ, АММО...»

*Тавозўй яхши, аммо яхшироқдур
 Агар даъб этса они аҳли давлат.
 Эрур ҳам афв ҳубу ҳуброқ ул,
 Ки зоҳир бўлғой эл топқонда қудрат
 Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
 Агар ўйқдур онинг ёнида миннат,
 Ҳаким инсонни комил дебтур, они
 Ки бўлғай зотида бу неча хислат.*

Ривоят этилишича, тўс-тўполонли бир ов пайтида Ҳусрав Парвезнинг тожидаги битта гавҳар йўқолибди. Лекин ов вақти буни ҳеч ким пайқамабди. Шоҳ шаҳарга қайтгачгина буни сезибди-ю, ғала-ғовур бошланибди. Чунки ўша гавҳар шунчалик қимматбаҳо эканки, унинг нархи бутун мамлакатнинг бир йиллик хирожига teng тураркан. Шунинг учун уни топиб келтирган кишига катта мукофот ваъда қилинибди. Бир гуруҳ ҳалойиқ гавҳар ахтаргали дашту биёбонга чиқибди. Иттифоқо, улар икки одамга дуч келишибди. Бу йоловчилардан бири – ғофил, иккинчиси – огоҳ киши экан. Ғафлатнинг биринчи белгиси – кеккайиш. Ғофил одам, албатта, манманликка берилади. Огоҳлик эса одоб ва камтаринлик демак. Гердайганинг номи – Мудбир. Иккинчисининг оти Муқбил экан. Улар шу биёбонни кесиб ўтиб шаҳар томон бораётган эдилар. Гавҳар излаётганларнинг

бошлиғи бу икки йўлчи билан учрашганда, Мудбир такаббурлик туфайли сардор билан салом-алик қилмай ўтиб кетади. Одамийлик юзасидан Муқбил унга одоб билан бош эгиб салом беради-ю, ўша пайтда оёғи остида ётган гавҳарни қўриб, бошлиққа олиб узатади. Ваъда этилган мукофот Муқбилга берилиб, у Хусравнинг олқишига сазовор бўлади. Мудбир нимага эришади? У шаҳар ҳаммомига гўлаҳ бўлади. Бу ривоят тавозенинг хосияти ва шарофати хусусида. Ҳазрат Навоий «Тавозе – кишига халқнинг муҳаббатини жалб қиласди», тавозели одамларга «ҳамма таъзим қиласди ва ҳурмат билдиради», деган фикрларини ана шу ривоят орқали тасдиқлайдилар. Тавозе нима? Бу саволга ҳам ривоятда жавоб бор. Тавозе инсоний хислатларнинг гавҳари, хулқ ва одоб безаги, хоксорлик инжуси. Мақсад гавҳарлари тавозели кишиларнинг оёғи остидадур. Мана шунинг учун Мир Алишер Навоий қитъада тавозенинг яхшилигини айтиш билан кифояланмасдан, уни одатга айлантирмоққа ундаганлар. Лекин бу гап кўпроқ «аҳли давлат»га тегишли қилиб сўзланган. Чунки тавозе афв этиш, кечиришни талаб этади. Ҳазрат Навоий одамийлик қудрати туфайли амалга ошириладиган афвни юксак баҳолайдилар:

Эрур ҳам афв ҳўбу ҳўброқ ул,
Ки зоҳир бўлғой эл топқонда қудрат.

Ато сўзининг иккинчи маъноси мурувват қилмоқ инъом-эҳсон бермоқ. Лекин мурувват ва ҳимматнинг

ёнида миннат сезилса – бу муруватсизликдан ҳам
ёмондир:

*Ато ҳам турфа ишдур, турфароқ бил,
Агар йүқтур онинг ёнида миннат,-*

деб насиҳат қилғанлар.

Қайд этилган «бу неча хислат» инсонийлик учун
зарур фазилатлардир. Кимнинг зоти шу фазилатлар-
дан маҳрум эмас экан, файласуф ҳукмича ўша одам
инсони комилдур:

*Ҳаким инсонни комил дебтур, они
Ки зотида бўлғай бу неча хислат.*





«ШАҲНИНГ АФЪОЛИ...»

*Шаҳнинг афъоли этар хайлу сипоҳиға асар,
Чун наби дедики, «анносу ало дини мулқ»,
Ҳукамо ҳам дедилар шаҳни тенгиз, ҳайли ариқ,
Ул ачиғдур, бу аччиқ, ул чучук ўлса, бу чучук.*

Шоҳнинг феълу ҳаракатлари унинг атрофидагилар – амалдор ва хизматкорларига таъсир ўтказади. Бу шеърда ўртага ташланган бош фикр. Уни тасдиқлаш учун битта ҳадис келтирилади. Маъноси эса бундай: «Шоҳнинг эътиқоди қандай бўлса, одамлариники ҳам ўшандайдир». Иккинчи далил сифатида қадимги юонон алломаларининг ҳикматларига мурожаат этилади:

*Ҳукамо ҳам дедилар шаҳни тенгиз, ҳайли ариқ,
Ул ачиғдур, бу аччиқ, ул чучук ўлса, бу чучук.*

Еш навоийшунослардан бирининг аниқлашича, шоир бунда Арасту сўзларидан фойдаланган бўлиб, улар шоирнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида келтирилган экан. Мир Алишер Навоий ёзадилар: «Аристотолис Афлотуннинг шогирдидир. Искандарнинг вазири эрди. Анинг сўзларидин будурким, подшоҳ улук рудга ўхшар ва атбои (фуқаролари) ариғларгаким, руд

сүйига ҳар ҳол бўлса, ариғлар суйига ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук, ул ачиғ бўлса, булар ачик, ул соғ бўлса, булар соғ, ул лой бўлса, булар лой. Бас, подшоҳга вожибдур ғоят ҳикмат ва эътидол (муътадиллик) била маош қилмоқ (умр кечирмоқ) то хайл ва хашами мутобаат қилғайлар.

Шеър:

*Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Иккисининг суйига бир маза бор».*

Аристотел томонидан содда, лекин теран фикр баён қилинган. Шоҳ адолат дарёси бўлса, мамлакатда адолат ирмоқлари тўлқинланиб оқади. Бу «дарё»нинг суви шўр ёки тахир, яъни подшоҳ золим ва диёнатсиз бўлса, унинг атрофидаги кишилар феъл-авторида шундай хусусиятлар, албатта, ўзини кўрсатади.

Қитъада ифодаланган маъни эскирмасдир. Бугун шоҳлар йўқ. Аммо минг-минглаб одамларни бошқарадиган амалдорлар бор. Шунинг учун ҳазрат Навоийнинг ушбу сўзларидан ҳар бир мансабдор тегишли холоса чиқариши керак. Чунки нодон ва ёмон феълли амалдорлардан қўлостида гиларига ҳеч пайт яхши фазилатлар юқмайди. Бу эса оқибат-натижада халқقا зиёндир.



«ШАҲНИНГ АФЪОЛИ...»

*Шаҳнинг афъоли этар хайлу сипоҳиға асар,
Чун наби дедики, «анносу ало дини мулк»,
Ҳукамо ҳам дедилар шаҳни тенгиз, ҳайли ариқ,
Ул ачиғдур, бу аччиқ, ул чучук ўлса, бу чучук.*

Шоҳнинг феълу ҳаракатлари унинг атрофидагилар – амалдор ва хизматкорларига таъсир ўтказади. Бу шеърда ўртага ташланган бош фикр. Уни тасдиқлаш учун битта ҳадис келтирилади. Маъноси эса бундай: «Шоҳнинг эътиқоди қандай бўлса, одамлариники ҳам ўшандайдир». Иккинчи далил сифатида қадимги юонон алломаларининг ҳикматларига мурожаат этилади:

*Ҳукамо ҳам дедилар шаҳни тенгиз, ҳайли ариқ,
Ул ачиғдур, бу аччиқ, ул чучук ўлса, бу чучук.*

Ёш навоийшунослардан бирининг аниқлашича, шоир бунда Арасту сўзларидан фойдаланган бўлиб, улар шоирнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида келтирилган экан. Мир Алишер Навоий ёзадилар: «Аристотолис Афлотуннинг шогирдидир. Искандарнинг вазири эрди. Анинг сўзларидин будурким, подшоҳ улук рудга ўхшар ва атбои (фуқаролари) ариғларгаким, руд

суйига ҳар ҳол бўлса, ариғлар суйига ҳамул ҳолдур. Ул чучук бўлса, булар чучук, ул ачиғ бўлса, булар ачик, ул соғ бўлса, булар соғ, ул лой бўлса, булар лой. Бас, подшоҳга вожибдур ғоят ҳикмат ва эътидол (муътадиллик) била маош қилмоқ (умр кечирмоқ) то хайл ва хашами мутобаат қилғайлар.

Шеър:

*Шоҳ дарё ва халқ эрур анҳор,
Иккисининг суйига бир маза бор».*

Аристотел томонидан содда, лекин теран фикр баён қилинган. Шоҳ адолат дарёси бўлса, мамлакатда адолат ирмоқлари тўлқинланиб оқади. Бу «дарё»нинг суви шўр ёки тахир, яъни подшоҳ золим ва диёнатсиз бўлса, унинг атрофидаги кишилар феъл-атворида шундай хусусиятлар, албатта, ўзини кўрсатади.

Қитъада ифодаланган маъни эскирмасдир. Бугун шоҳлар йўқ. Аммо минг-минглаб одамларни бошқарадиган амалдорлар бор. Шунинг учун ҳазрат Навоийнинг ушбу сўzlаридан ҳар бир мансабдор тегишли хулоса чиқариши керак. Чунки нодон ва ёмон феълли амалдорлардан қўлостида гиларига ҳеч пайт яхши фазилатлар юқмайди. Бу эса оқибат-натижада халқقا зиёндир.



«ҚАРИЛАР ХОТИРИ НОЗИКДУР...»

*Қарилар хотири нозикдур, эй тибл,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ
Унумтунгмуки, атфол ўйноғонда,
Синар оз майл кўргондин қуруқ шоҳ.*

Мутахассислар ўтказган тажрибалардан аён бўлишича, одам қариганда, кексайиб яшашга кўниккан сайин ўлимни бўйинга олиши қийинлашар экан. Ўлимни ёшлар кексаларга қараганда осонроқ қабул қилиб, уни қаршилашда қариларга нисбатан матонатлироқ бўлишармиш. Бу маълумот балки тўла тўғримасдир. Балки кимдир ундан: «Инсон умрининг узайиши охир-оқибатда ундаги худбинликнинг улғайиши», деган хулоса чиқарар. Лекин, аслида, бу туйғу ҳам ҳазрат Навоий таъкидлаган, қариллик хотирининг нозиклашувиdir. Бобомиз қарилар хотирининг нозиклиги тўғрисида шунчаки хабар бермаганлар. Шу гапга таяниб болаларни андиша ва хушёрликка чақирганлар. Лекин дастлабки икки сатрдаги фикр қуруқ насиҳат тарзида қолиб кетмасдан, у тамсил санъати орқали исботланган.

Болаларнинг шоҳ ўйинлари билан машғул бўлишлари ҳаётдаги мавжуд ҳодиса. Ҳазрат Навоий буни ўз ғоявий мақсадига мувофиқлаштириб, «қуруқ шоҳ» билан қарилар хотири ўртасида ўхшашлик топадилар.

Яъни, куруқ шох бола қўлида салга синганидек, қари кишиларнинг қалби ҳам болалар томонидан содир этилган озгина андишасизлик ва одобсизликдан шикаст кўради.

Мир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-кулуб»да ёзганлар: «Қарилик ёшлик майига хуморликдир, йигитликдаги соғломликни ҳасрат-ла қумсашибликдир. Қарилик кунлари шод ўтган одамларни ношод этади: киши қаддини буқчайтириб... ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан қасри деворини йиқади... Қариларнинг паришонлигини, уларнинг ҳилвираб боришини болалар масхаралайди». Қитъа ана шундай масхаралашга қарши қаратилган сўз ҳамдир.





«ҚАРИЛАР ХОТИРИ НОЗИКДУР...»

*Қарилар хотири нозикдур, эй тифл,
Шикастидин қилиб вахм, ўлма густоҳ
Унуттунгмуки, атфол ўйноғонда,
Синар оз майл күргондин қуруқ шох.*


Мутахассислар үтказган тажрибалардан аён бўлишича, одам қариганда, кексайиб яшашга кўниккан сайин ўлимни бўйинга олиши қийинлашар экан. Ўлимни ёшлар кексаларга қараганда осонроқ қабул қилиб, уни қаршилашда қариларга нисбатан матонатлироқ бўлишармиш. Бу маълумот балки тўла тўғримасдир. Балки кимдир ундан: «Инсон умрининг узайиши охир-оқибатда ундаги худбинликнинг улғайиши», деган холоса чиқарар. Лекин, аслида, бу туйғу ҳам ҳазрат Навоий таъкидлаган, қариллик хотирининг нозиклашувиdir. Бобомиз қарилар хотирининг нозиклиги тўғрисида шунчаки хабар бермаганлар. Шу гапга таяниб болаларни андиша ва ҳушёрликка чақирғанлар. Лекин дастлабки икки сатрдаги фикр қуруқ насиҳат тарзида қолиб кетмасдан, у тамсил санъати орқали исботланган.

Болаларнинг шох ўйинлари билан машғул бўлишлари ҳаётдаги мавжуд ҳодиса. Ҳазрат Навоий буни ўз ғоявий мақсадига мувофиқлаштириб, «қуруқ шох» билан қарилар хотири ўртасида ўхшашлик топадилар.

Яъни, куруқ шох бола құлида салға синганидек, қари кишиларнинг қалби ҳам болалар томонидан содир этилган озгина андишасизлик ва одобсизликдан шикаст күради.

Мир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-кулуб»да ёзғанлар: «Қарилік ёшлик майига хуморликдир, йигитликдаги соғломликни ҳасрат-ла құмсашлиқдир. Қарилік кунлары шод үтган одамларни ношод этади: киши қаддини букчайтириб... ҳасрат ва надомат ёшининг сели бадан қасри деворини йиқади... Қариларнинг паришонлигини, уларнинг ҳилвираб боришини болалар масхарапайди». Қитъа ана шундай масхарапашга қарши қаратылған сүз ҳамдир.





«НЕ ТОЛИЪДУРКИ...»

*Не толиъдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур бадандеш.
Бирордур гар ани десам кўзумсен,
Чекар мужгон киби қасдимға юз неш.*


Захиридин Муҳаммад Бобур рубоийларидан бирида: «Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидур, ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидур», деган эди. Жафо қилганинг охир-оқибатда жафо топиши адолатдан. Кўпинча шундай бўлади ҳам. Бу тақдирнинг адолати, ҳаётнинг жазоси. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлмайди. Чунончи: «Ҳар кимки вафо қилса», вафо кўравермайди. Сиз бирор билан дўстлашасиз. Уни яқин сирдош, қайғу ва қувончларингизга шерик деб биласиз. Бир пайт кўрибсизки, у сиз ўйлаган одам эмас. Бора-бора унда ғаюрлик, андишасизлик аломатларини ёрқинроқ илғайсиз. Нега бундай? Қандай хатога йўл қўйдингиз? Ўйлаб, аниқ сабаб тополмайсиз. Балки бундай ҳодиса одамзоднинг феълидаги сирдир. Балки шундайлиги учун ҳам ҳазрат Навоий унинг қанақа толелигидан ажабланиб:

*Не толиъдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур баданбеш,-*

деб ўксигандирлар. Ҳар қалай, бирорга «күзумсен», дея эътиқод килинса-ю, у киприкка ўхшаш найзасини юракка санчса – бу аламли.

Бобомизга бу сўзларни битмоқ нақадар оғир бўлганлигини идрок этган одам, албатта, «бадандеш»лик балосидан ҳазар қиласди.





«НЕ ТОЛИҶДУРКИ...»

*Не толиҷдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бўлур бадандеш.
Бироғдур гар ани десам кўзумсен,
Чекар мужгон киби қасдимға юз неш.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур рубоийларидан бирида: «Ҳар кимки вафо қилса, вафо топғусидур, ҳар кимки жафо қилса, жафо топғусидур», деган эди. Жафо қилганинг охир-оқибатда жафо топиши адолатдан. Кўпинча шундай бўлади ҳам. Бу тақдирнинг адолати, ҳаётнинг жазоси. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлмайди. Чунончи: «Ҳар кимки вафо қилса», вафо кўравермайди. Сиз бирор билан дўстлашасиз. Уни яқин сирдош, қайғу ва қувончларингизга шерик деб биласиз. Бир пайт кўрибсизки, у сиз ўйлаган одам эмас. Бора-бора унда ғаюрлик, андишасизлик аломатларини ёрқинроқ илғайсиз. Нега бундай? Қандай хатога йўл қўйдингиз? Ўйлаб, аниқ сабаб тополмайсиз. Балки бундай ҳодиса одамзоднинг феълидаги сирдир. Балки шундайлиги учун ҳам ҳазрат Навоий унинг қанақа толелигидан ажабланиб:

*Не толиңдурки, ҳар кимни десам ёр,
Манга ул оқибат бүлур баданбеш,-*

деб үксигандирлар. Ҳар қалай, бирөвға «күзумсен»,
дея әътиқод килинса-ю, у киприкка үхашаш найзасини
юракқа санчса – бу аламли.

Бобомизга бу сұзларни битмоқ нақадар оғир бүл-
ганигини идрок этган одам, албатта, «бадандеш»лик
балосидан ҳазар қиласы.





«КИЙИБ САМУР ИЛА КИШ...»

*Кийиб самур ила киш қилма асру раънолик,
Ипак либос ила туттма ғуурур жоми тўло.
Тийнинг ўз туки – ўқ бўлди жониға оғат,
Фарисанинг паридин келди ўз бошиға бало.*

Ҳазрат Навоий «Лисон ут-тайр»да «зебу зоҳир», яъни ташқи безакдорлиқдан фахр этишни ноодамийлик, деб баҳолайдилар. Қитъа шу масала талқинига бағишланган. Унда бобомиз самур – қундуз ва киш (бу ҳам қундузнинг бир тури) терисидан тикилган кийимлар, устидаги «ипак либос»лардан ҳаволанган бандаларга мурожаат қиласидилар. Бу мурожаат эса ҳам насиҳат, ҳам огоҳлантириш мазмунига эга.

Улуғ шоир ҳар турли қимматбаҳо тери-ю, ипак либослар билан ясаниб, «раънолик» қилмоқликка қаршилигини танқид эмас, насиҳат оҳангига изҳор этадилар. Бу фикрни далиллаш учун тий ҳамда форисанинг қисматини мисол келтирадилар. Тий – териси пўстинбоп ов ҳайвони. Овчилар доимо уни овлаш пайида юрадилар. Фориса – қушнинг номи. Хўш, нега ўз паридан унинг бошига бало келади?

Айтишларича, форисанинг пати даво бўлиб, кўкӣ-ӯтал касали билан оғриган болаларга куйдириб, ичи-

рилар экан. Шўрлик тий ва форисанинг тақдирига куйинса бўлади. Улар гўзаллик ва фазилат қурбонлари. Тийнинг териси хунук форисанинг пати шифобахш бўлмаганида улар умрларини таҳликасиз ўтказаверишлари мумкин эди. Ҳазрат Навоий бунга диққатни тортмаганлар. Буларни ўқувчининг ўзи мулоҳаза этади. Шоирнинг муддаоси бундай: тий ўзининг терисидан, фориса патидан мағурурланмаса-да, ҳаётлари хавф-хатар остида. Чунки бирисининг териси қимматбаҳо, иккинчисининг пати керакли. Бас, шундоқ экан, эй одам, заррин ва шойи кийимлар билан ғуурланиб, нечун сен жонингни бозорга солишинг керак? Нечун сен ташқи бойлик инсонга мусибат туғдиришини ўйламайсан?

*Бордур инсон зотида онча шараф,
Ким ямон ахлоқни этса бартараф,-*

дейдилар ҳазрат Навоий. «Зебу зоҳир»га мутлақо майл этмаслик ҳам ёмон ахлоқни бартараф қилишнинг бир кўринишидир. Камтарин ва хоксор кишилар ҳеч пайт тий ёки форисанинг аҳволига тушмасликларини изоҳлаб ўтириш шарт эмас.



«ЭР УРУБ ЛАЪЛ ТОЖ ИЛА ГУЛБОНГ...»

*Эр уруб лаъл тож ила гулбонг,
Зангваш эл қайси ҳарзаким демагай,
Вақтида тортибон хурус нидо,
Не најсосатки мокиён емагай.*

Бир шоирнинг «Қаршиман» номли шеъри «Мардни номард деган мард эмас – Ҳадеб айланмангиз, келинг ўртага», деб бошланади. Шоир «енгмоқ учун» мақр ва писмиқлиқ қилиш шартмаслигини уқтириб яна бундай дейди:

*Мен сизга қаршиман, билсангиз,
Буни айтишим мумкин ҳеч иккиланмай,
Мабодо, сиз боғдан келсангиз,
Менга тоғ ёқади, тоғдан келаман...*

Бу – мардона гап. Эр киши дилидагисини шундай очиқ сўзлайди. У кимлар ва нималаргаки қарши бўлса, чайналмасдан: «Қаршиман!» дея олади. Шу маънода номарднинг «шижоати» эрнинг тирноғига ҳам арзимайди. Мард билан номард орасидаги тафовутни кўпчилик ўзича тасаввур қилиши мумкин. Лекин бу фарқ рамзий образлар ёрдамида Мир Алишер Навоий қитъасида жуда аниқ тасвирланган. Мард – «лаъл тож ила» бонг урадиган хўроз.

Ғаразгүй, вайсақи номард – мокиён. Хурус маълум вақтда «нидо» тортганидек, мард ҳам ўз пайтида гапини айтади, заруриятга қараб муносабатини билдиради. Мард – майдон одами, у эркин яшайди.

Товуқнинг феъли ва умр тарзи маълум. У гўнг титкилайди. Ифлос жойлардан ризқ теради. «Не нажосатки, мокиён емагай». Бу фикрни ҳазрат Навоий номардга нисбатан айтганлар. Лекин нажосатхўр мокиёнга қараганда ҳам номарднинг чиркин ва жирканч томонлари кўп. У мурдор тили билан одамларнинг онгини булғайди. Унинг шум башарасини кўрмокдан кўнгил зирқирайди. Фосиқ ва юзсизликлари эса булардан ҳам ёмон!





«ҚУЛОҚДА АСРА ГАРОНМОЯ СҮЗНИЮ ФИКР ЭТ...»

*Қулоқда асра гаронмоя сүзнию фикр эт,
Ки дурсиз ўлса не бўлғусидур садаф ҳоли.
Сўзунгни доғи кўнгул ичра асрагилким, ҳайф,
Ким ўйла дуржни гуҳардин этгасен ҳоли.
Бу дуржсу икки садафни тўла дур этганга,
Зиҳи улувви гуҳар, балки гавҳарий олий.*

Гапириш лаёқатига эга одам, бошқаларнинг фикрини дикқат билан тинглай билиши ҳам керак. Сўзга қулоқ солмоқ оддий ҳолатмас, ақл ва фаросат нишонаси. Эътибор берсангиз, ақли ўсмаган, фаросати чала кимсаларда эшитиш қобилияти одамни асабийлаштирадиган даражада паст бўлади. Улар гапирмаслик зарур пайтларда тилларига эрк беришади. Керакли сўз ва маъноларни ажратиб, мушоҳада этиш ўрнига бўлмағур ёки майда гапларни ўртага суқишиади. «Гаронмоя сўз» – чукур маъноли, фойдали сўз. Мир Алишер Навоий шеърхонни ана шундай сўзни қадрлашга чақириб, уни: «Қулоқда асра», дейдилар. Қитъанинг дастлабки сатрида икки нарсага даъват қилинган. Биринчиси, қимматбаҳо сўзни асрраб-авайлаш.. Иккинчиси, фикрлаш. Лекин ҳазрат ўкувчининг дикқатини ҳоли қўймасдан яна ўzlари фикр айтадилар. «Ки дурсиз

ўлса не бўлгусидур садаф ҳоли». Демак, дурсиз садафга ўхшаб қолмаслик учун:

*Сўзунгни доғи кўнгул ичра асрағилким, ҳайф,
Ким ўйла дуржни гуҳардин этгасен холи.*

Кўнгил ва қулоқни сўз дурлари билан бойита олган кишига таҳсини олий гуҳаригина эмас, балки Ҳақнинг гавҳари насиб этади.

Агар сўз маънисиз, эшитувчига бирор-бир фойда етказмайдиган, қулоқда шовқин, бошга оғриқ бўлиб ёпишишдан бўлак «ҳикмати» бўлмаса, албатта, бундай гап-сўзлардан тилни тийиш керак.






«ЧУН ГАРАЗ СҮЗДИН ЭРУР МАЬНИ АНГО...»

Чун гараз сүздин эрур маъни анго,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер ани, кўргил ким на дер.

«Сўз борким, эшитувчи танига жон кијурур ва сўз борким, айтгувчи бошини елга берур», дейилади «Маҳбуб ул-қулуб»да. Эшитувчининг танига жон киргизадиган сўз – маънили сўз. У, аввало, ўйланган, кўнгилда пишитилиб, аниқ мақсадга йўналтирилган бўлади. У фақат тўғриликка хизмат қиласи, англамаганни англатиб, эътиборга лойиқ ва зарур ҳақиқатларни ифода этади. Шунинг учун гапиравчи киши у хоҳ хотин, хоҳ эркак бўлсин, маънили фикр айтиши, сўзлашдан мақсад, мазмун эканлигини унутмаслиги зарур. Маза-матрасиз сўзлар билан бемаъни гаплар, албатта, фарқланади. Шеърнинг иккинчи байтида буни хатосиз англаш «усул»ларидан бири, балки энг асосийси баён қилинган:

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер ани, кўргил ким на дер.

Дарҳақиқат, сўзловчининг ҳоли (у ўзини атайин турли ҳолатларга солиши мумкин-ку!) кишини, эҳтимолки, чалғитар. Бироқ «сўз ҳоли»га назар ташлаш, бевосита фикр табиийлигига дохил муносабат эса тингловчини алданиш ва юзаки ҳукмлардан қутқазди. Шунинг учун ҳар қандай нақл қилувчининг кимлигига эмас, нима дейишига қараш керак.





«БИРАВКИМ ХИРАДМАНДНИНГ НУКТАСИН...»

*Биравким хирадманднинг нуктасин
Кулоғига олмас, не нуқсон мунга.
Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамоғлиғ худ осон мунга.*

Хирадманд – ақлли, доно одам. Доно саёз фикрламайди, ақлни йўлдан оздирадиган гап-сўзларни тилга олмайди. Хирадманднинг чуқур мазмунли фикру мулоҳазаларидан кўнгил ёришади. Донодан сўз эшиитмоқдан ақл тўлишади. Афсуски, нодон буни билмайди. Мир Алишер Навоий «Бировким» сўзида дононинг сўзларини «кулоғига олмас» барча нодонларни назарда тутганлар. Лекин аҳмоғу гумроҳ оқилнинг сўзини эшиитмаса ёки қадрига етмаса, бундан кимга зиён? Хирадмандгами? Бу саволга шеърнинг иккинчи қаторида жавоб бор («на нуқсон мунга», яъни донога нима нуқсон тегади). Кейинги байт тамсилий мазмунга эга:

*Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамоғлиғ худ осон мунга.*

Яъни: «Анга» – нодонга сўз жавоҳирларини термак мashaққат бўлгач, «Мунга» – донога уларни сочмаслик

күп карра осон-ку?! Хирадманд буни дарров илғайди.
Аммо нодон «жавоҳирни термак»ка ноқобиллиги
билин ўзини янада фош қиласди. Ва «зоти билим ли-
босидан маҳрум»лигини очиқ-ойдин исботлайди.





«БИРАВКИМ ХИРАДМАНДНИНГ НУКТАСИН...»

*Биравким хирадманднинг нуктасин
Кулоғига олмас, не нуқсон мунга.
Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамоғлиғ худ осон мунга.*

Хирадманд – ақлли, доно одам. Доно саёз фикрламайди, ақлни йўлдан оздирадиган гап-сўзларни тилга олмайди. Хирадманднинг чуқур мазмунли фикру мулоҳазаларидан кўнгил ёришади. Донодан сўз эшиитмоқдан ақл тўлишади. Афсуски, нодон буни билмайди. Мир Алишер Навоий «Бироким» сўзида дононинг сўзларини «кулоғига олмас» барча нодонларни назарда тутганлар. Лекин аҳмоғу гумроҳ оқилнинг сўзини эшиитмаса ёки қадрига етмаса, бундан кимга зиён? Хирадмандгами? Бу саволга шеърнинг иккинчи қаторида жавоб бор («на нуқсон мунга», яъни донога нима нуқсон тегади). Кейинги байт тамсилий мазмунга эга:

*Жавоҳирни термак анга саъб эса,
Эрур сочмамоғлиғ худ осон мунга.*

Яъни: «Анга» – нодонга сўз жавоҳирларини термак мashaққат бўлгач, «Мунга» – донога уларни сочмаслик

күп карра осон-ку?! Хирадманд буни дарров илғайди. Аммо нодон «жавоқирни термак»ка ноқобиллиги билан үзини янада фош қиласы. Ва «зоти билим либосидан маҳрум» лигини очиқ-ойдін исботлайды.





«ХЎБКИМ, ЙЎҚТУР ШАМОЙИЛ БИРЛА ШИРИН СЎЗ АНГА...»

*Хўбким, йўқтур шамойил бирла ширин сўз анга,
Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо суврати.
Хилъатин зарбофт дебодин гар этсун бил яқин,
Ким намудор ичрадур зарбофт дебо суврати.*

Аҳмад Дониш фарзандларига насиҳат қилиб: «Суратларингни эмас, сийратларингни тузатинглар...» деган экан. Инсонда ташқи гўзаллик ҳам бўлиши керак. Лекин одамдаги асосий гўзаллик – ички, маънавий-руҳий гўзаллик, ахлоқи бузук, фаросатсиз кишининг шакл-шамойили ҳар қанча яхши ёки кўркам бўлмасин, у эл эътиборини ўзига торта олмайди. Мир Алишер Навоийнинг бу қитъаси шу ҳақда. Шеърда ўкувчига таниширилаётган кимса, кўринишидан чиройли ва ёқимли. Аммо шунга ярашиқлик «ширин сўз» йўқ унда. Шу боис одамлар кўнглига яқин эмас: «Сайди бўлмас эл, нечаким бўлса зебо суврати». Бобомиз бундай зеболикнинг моҳиятини жонсиз сувратга тенг кўядилар. Зотан, куруқ жасадга нафис нақшли ипак матолардан кийим кийдирилгани билан «зарбофт дебо суврати»дан бошқа ҳеч нима кўзга ташланмайди.



**«ШАҲ ЛУТФИ ГАРЧИ БЎЛСА КЎП ҚОБИЛ,
ТОПАР НАШЪУ НАМО...»**

*Шаҳ лутфи гарчи бўлса кўп қобил, топар нашъу намо,
Беважҳур, бу нуктага ҳар кимсаким диққат тутар.
Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдир,
Саҳрода қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул бутар.*

Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асаридағи ҳикоятлардан бири мана бундай мазмунга эга: қайсиadir подшоҳ ўғлини бир олим тарбиясига топшириб: «Бу сенинг фарзандинг, ўз ўғулларингнинг биридай уни тарбияла, унга таълим ўргат!» дейди. Олим шаҳзодани заҳмат чекиб, бир неча йиллар давомида ўқитиб, ўргатибди. Лекин меҳнатлари зое кетиб, шоҳнинг ўғлидан одам чиқмабди. Ўз болалари эса илм-фан, фазлу одобда камолотга етишишибди. Бундан огоҳ бўлган подшоҳ олимни койиб: «Сен аҳдингни бузиб, ваъдага вафо қилмадинг», дебди. Шунда олим: «Эй малик. тарбиянинг расму қоидаси бир йўсинда бўлур ва лекин истеъдод турлича эрур», деган экан. Юқоридаги қитъада аксини топган фалсафий маъно ҳам Шайх Саъдий ҳикоятидаги олимнинг ҳукмига яқин. Мамлакат ҳукмдори барчага баб-баробар яхшилик марҳамат кўрсатди, дейлик. Бу лутфдан ҳамма ҳам

тeng баҳраманд бўла оладими? «Ҳа», дейиш учун исбот керак. Ҳазрат Навоий иккинчи сатрдаёқ бундай фикрга диққат этиш далилсизлигини таъкидлаб, бош мақсадни тамсил орқали исботлайдилар:

*Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдир,
Саҳрода қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул бутар.*

Яъни: қуёш олам юзига teng нур сочса ҳам, саҳрода қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул битади. Абдулла Қаҳҳор: «Бу жуда чукур, жуда зўр гап, дўппини ерга қўйиб, хўп ўйлаб кўрадиган гап», деган эди. Ҳақиқатда шундай. Одамнинг бағри чўлга ўхшаб қақраб, руҳан хувиллаб ётса ёки табиат ато этган қобилиятдан маҳрум бўлса, унга марҳамат кўрсатилиб, шароит яратил-масин, у барибир ношудлигича қолади. Бунинг акси ўлароқ, истеъододли кишилар ҳар қандай қаршиликни енгиб бўлса-да, ўз мақсад ва кўзланган орзуларига эришиб, эл-юртга манфаат етказа оладилар.





тeng баҳраманд бўла оладими? «Ҳа», дейиш учун исбот керак. Ҳазрат Навоий иккинчи сатрдаёқ бундай фикрга диққат этиш далилсизлигини таъкидлаб, бош мақсадни тамсил орқали исботлайдилар:

*Гарчи қуёштин парвариш олам юзига омдир,
Саҳрова қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул бутар.*

Яъни: қуёш олам юзига teng нур сочса ҳам, саҳрова қумғоғу тикан, бўстонда сарву гул битади. Абдулла Қахҳор: «Бу жуда чуқур, жуда зўр гап, дўппини ерга кўйиб, хўп ўйлаб кўрадиган гап», деган эди. Ҳақиқатда шундай. Одамнинг бағри чўлга ўхшаб қақраб, руҳан хувиллаб ётса ёки табиат ато этган қобилиятдан маҳрум бўлса, унга марҳамат кўрсатилиб, шароит яратиласин, у барибир ношудлигича қолади. Бунинг акси ўлароқ, истеъододли кишилар ҳар қандай қаршиликни енгиб бўлса-да, ўз мақсад ва кўзланган орзуларига эришиб, эл-юртга манфаат етказа оладилар.







«ХУШ КҮРУРМЕН ДАҲРНИ СОВУҒ СУВ БИРЛАКИМ БУ ЁЗ...»

*Хуш кўурмен даҳрни совуғ сув бирлаким, бу ёз
Бўлди иссиғдин қуёш қўзларга чатри санжари
Бир аёқ музлук сув жоми Жамдуур, невчунки бор
Бир аёғ оғзича муз ойнаи Скандари.*

Ёз ойи. Ҳаво иссиқ. Шу қадар иссиқки, одам фақат муздай сув нафаси билан жон сақлаб биладигандай. У гўё борлиқнинг асосий файзи ва фароғати. Унингсиз табиат хуш кўринмайди. Қуёш кўқдан олов пуркайди. «Хуш кўрармен даҳрни совуғ сув бирлаким...» деган лирик қаҳрамоннинг истаги, ўйлаймизки, ёз алангалирида тобланган ҳар бир ўзбек учун англашиларли.

*Осмон лов-лов ёнар офтоб қўридан,
Уфқда саробдан оташин балдоқ.
Чинқириб юборар куннинг зўридан
Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ.*

Кўряпсизки, Абдулла Орипов битган бу сатрларда худди Мир Алишер Навоий фикрлари давом эттирилгандай. Ҳазрат Навоий тасвиридаги манзарани улар бойитади. Муқояса қилгингиз келади. Яна Абдулла Орипов мисралари ёдга тушади:

Бутун олам гүё улкан дошқозон,
 Қайдадир – күрінмас унинг нарёғи.
 Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон,
 Ичига тушмоқлик осонмас чоғи...

Үшанды бобокалон шоири миз тасаввурида ҳам олам улкан бир «дошқозон»га айланмаганмикан, дейсиз. Бир пиёла «музлуқ сув»ни жоми Жамшидга, шу пиёла оғирлигича музни ойнаи Искандарга тенглаштирган (гарчи бу муболағали қиёс бұлса-да) шоир ёз иссиғи жунбушга келган пайтларда манглайи «тер билан қотиб», бераҳм оташга чидаган зақматкаш деҳқоннинг аҳволини хаёлдан фориғ этганига мутлақо инонмайсиз. Шунда беихтиёр Ҳирот атрофлари даги «Ногаҳон фалакка урган каби дүк» сүзсиз қотиб турган «бүйчан тераклар», «Бирордан хижолат бұлған каби» дами ичидә «ер чизиб» турган толлар, «бутанинг тагида» ҳайратта чүмган бұзтұрғай ва «шохчадаги қүшча»лар күз олдингизда гавдаланади. Ахир, сиз буларни ҳеч вақт бориб күрмагансиз, билмагансиз. Бу хаёлий саёҳат ва гувоҳликнинг сири нимада? Шеърий мантиқнинг кучи ва үйғунлигигида. Тасвир ва манзаранинг табиий тарзда боғланишида!



«ХУШ КЎРУРМЕН ДАҲРНИ СОВУҒ СУВ БИРЛАКИМ БУ ЁЗ...»

*Хуш кўрурмен даҳрни совуғ сув бирлаким, бу ёз
Бўлди иссиғдин қуёш кўзларга чатри санжари
Бир аёқ музлук сув жоми Жамдуур, невчунки бор
Бир аёғ оғзича муз ойнаи Скандари.*

Ёз ойи. Ҳаво иссиқ. Шу қадар иссиқки, одам фақат муздай сув нафаси билан жон сақлаб биладигандай. У гўё борлиқнинг асосий файзи ва фароғати. Унингсиз табиат хуш кўринмайди. Қуёш кўқдан олов пуркайди. «Хуш кўрармен даҳрни совуғ сув бирлаким...» деган лирик қаҳрамоннинг истаги, ўйлаймизки, ёз алангалирида тобланган ҳар бир ўзбек учун англашиларли.

*Осмон лов-лов ёнар офтоб қўридан,
Уфқда саробдан оташин балдоқ.
Чинқириб юборар қуннинг зўридан
Қайгадир беркиниб олган чирилдоқ.*

Кўряпсизки, Абдулла Орипов битган бу сатрларда худди Мир Алишер Навоий фикрлари давом эттирилгандай. Ҳазрат Навоий тасвиридаги манзарани улар бойитади. Муқояса қилгингиз келади. Яна Абдулла Орипов мисралари ёдга тушади:

Бутун олам гүё улкан дошқозон,
 Қайдадир – қўринмас унинг нарёғи.
 Бу қайноқ қозонни кузатмоқ осон,
 Ичига тушмоқлик осонмас чоғи...

Ўшанда бобокалон шоиримиз тасаввурида ҳам олам улкан бир «дошқозон»га айланмаганмикан, дейсиз. Бир пиёла «музлук сув»ни жоми Жамшидга, шу пиёла оғирлигича музни ойнаи Искандарга тенглаштирган (гарчи бу муболағали қиёс бўлса-да) шоир ёз иссиғи жунбушга келган пайтларда манглайи «тер билан қотиб», бераҳм оташга чидаган зақматкаш деҳқоннинг аҳволини хаёлдан фориф этганига мутлақо инонмайсиз. Шунда беихтиёр Ҳирот атрофларидағи «Ногаҳон фалакка урган каби дўқ» сўзсиз қотиб турган «бўйчан тераклар», «Бирордан хижолат бўлган каби» дами ичидага «ер чизиб» турган толлар, «бутанинг тагида» ҳайратга чўмган бўзтўрғай ва «шохчадаги қушча»лар кўз олдингизда гавдаланади. Ахир, сиз буларни ҳеч вақт бориб кўрмагансиз, билмагансиз. Бу хаёлий саёҳат ва гувоҳликнинг сири нимада? Шеърий мантиқнинг кучи ва уйғунлигига. Тасвир ва манзаранинг табиий тарзда боғланишида!



«ЭЙКИ, ИСТАРСЕН ЧОҚИН ДаФЪИҒА ЯШМ...»

*Эйки, истарсен чоқин дафъиға яшм,
Үзга текмакка бериб имконға йүл.
Бехабар мазлум оҳи барқидин,
Ким чоқиндин доғи сўзонроқдур ул.
Турфароқ буким, санга маҳсус эрур,
Гар санга жонинг керак, огоҳ бўл.*

«Яшм» – муҳофаза тоши. Кимки уни қўлга киритса, ўзини чақин оғатидан омон сақлаган бўлармиш. Қитъадаги фикр у туфайли яшин балосидан қутулишга инонадиган кишига мурожаат билан бошланиб, иккинчи бир чақин хавфидан огоҳлантирувчи оҳангда давом эттирилади. Бу – зулм чеккан, зўравонликдан бағри садпора хору зорлар оҳу воҳининг барқи. У «барқи жаҳонсўз» – жаҳонни куйдирувчи чақмоқлардан ҳам сўзонроқ. Мазлум аҳволидан бехабарлик, хорланганларга яна хорлик орттириш ҳаракатидаги ҳар қандай киши мана шу оташга гирифтор бўлади. Агар эзувчиларга жон керак экан, бу интимом барқидан огоҳ бўлишлари керак! Чунки уни лутфи эҳсон, тўғрилигу эзгулик «суюи билан ўчурмагунча», яшм тоши сингари бирор-бир восита билан дафъ қилиш мумкин эмасdir.

«ХАҚ ТАОЛО БАНДАСИННИГ ҚИСМАТИН...»

Хақ таоло бандасининг қисматин
 Чун азал девонида қилмиш рақам.
 Чун анинг тағъиригининг имкони йўқ,
 Негаким, қилмиш ўзи жаффул қалам,
 Кимки ондин ортуқ ўксук истагай,
 Бордур онинг жаҳли ортуқ, ақли кам.
 Тенгри эҳсонига шод ўлгон қилур
 Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам –
 Шокир ўлмай улки озу ҳирсдин,
 Доим эткай ўзни ғамгин, кимга ғам.

Одам фарзандининг қисмати энг сирли нарсалардан ҳам сирлироқдир. У қандай бошланиб, қай тарзда тугайди – буни ҳеч ким башорат этолмайди. Қитъанинг биринчи байтидаги ҳукмга кўра, бандасининг қисмати «Хақ таоло» гагина равшан. Чунки уни «азал девони» да Хақ ўзи рақам қилгандир. Шунинг учун бу «рақам» ни тағъиир, яъни ўзгартиришнинг ҳам сира имкони йўқ: «Негаким, қилмиш ўзи жаффул қалам». «Жаффул қалам» – тўсатдан ёзишdir. Ҳамма гап “тўсатдан битилган” мана шу ёзувга боғлиқ. Ундан ортиғи ҳам, ками ҳам бўлмайди. Кам ёки зиёдлик даъвосидаги кишининг «жаҳли ортуқ, ақли кам».

«Тенгри эҳсони» деган тушунчани кўпчилик жуда жўн ёки саёз англашади. Илоҳий эътиқод бўйича, Тангри имонсизга эҳсон кўрсатмайди. Нияти бузук,



«ЭЙКИ, ИСТАРСЕН ЧОҚИН ДаФЪИҒА ЯШМ...»

Эйки, истарсен чоқин дафъиға яшм,
Үзга текмакка беріб имконға йүл.
Бекабар мазлум оҳи барқидин,
Ким чоқиндін доғи сұзонроқдур ул.
Турфароқ буким, санга маҳсус әрүр,
Гар санга жонинг керак, огоҳ бүл.

«Яшм» – муҳофаза тоши. Кимки уни құлға киритса, үзини чақин оғатидан омон сақлаган бұлармиш. Қитъадаги фикр у туғайли яшин балосидан қутулишга инонадиган кишиға мурожаат билан бошланиб, иккінчи бир чақин хавфидан огоҳлантирувчи оқанғда давом эттирилади. Бу – зулм чеккан, зұравонликдан бағри садпора хору зорлар оху воҳининг барқи. У «барқи жаҳонсұз» – жаһонни күйдирувчи чақмоқлардан ҳам сұзонроқ. Мазлум ақволидан бекабарлик, хорланғанларга яна хорлик орттириш ҳаракатидаги ҳар қандай киши мана шу оташга гирифтөр бүлади. Агар әзувчиларга жон керак экан, бу интимом барқидан огоҳ бүлишлари керак! Чунки уни лутфи эхсон, тұғрилигу әзгулик «сүйи билан үчурмагунча», яшм тоши сингари бирор-бир восита билан дафъ қилиш мүмкін эмасдир.

«ХАҚ ТАОЛО БАНДАСИННИГ ҚИСМАТИН...»

Хақ таоло бандасининг қисматин
 Чун азал девонида қилмиш рақам.
 Чун анинг тағъйирининг имкони йўқ,
 Негаким, қилмиш ўзи жаффул қалам,
 Кимки ондин ортуқ ўксук истағай,
 Бордур онинг жаҳли ортуқ, ақли кам.
 Тенгри эҳсонига шод ўлгон қилур
 Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам –
 Шокир ўлмай улки озу ҳирсдин,
 Доим әткай ўзни ғамгин, кимга ғам.

Одам фарзандининг қисмати энг сирли нарсалардан ҳам сирлироқдир. У қандай бошланиб, қай тарзда тугайди – буни ҳеч ким башорат этолмайди. Қитъанинг биринчи байтидаги ҳукмга кўра, бандасининг қисмати «Хақ таоло» гагина равшан. Чунки уни «азал девони»да Хақ ўзи рақам қилгандир. Шунинг учун бу «рақам»ни тағъйир, яъни ўзгартиришнинг ҳам сира имкони йўқ: «Негаким, қилмиш ўзи жаффул қалам». «Жаффул қалам» – тұсатдан ёзишdir. Ҳамма гап “тұсатдан битилган” мана шу ёзувга боғлиқ. Ундан ортиғи ҳам, ками ҳам бўлмайди. Кам ёки зиёдлик даъвосидаги кишининг «жаҳли ортуқ, ақли кам».

«Тенгри эҳсони» деган тушунчани күпчилик жуда жўн ёки саёз англашади. Илоҳий эътиқод буйича, Тангри имонсизга эҳсон кўрсатмайди. Нияти бузук,

үғри ва қаллоблар унинг қаҳрига лойиқ. Инсофсиз, виждони сўқирлар – Худо қарғаган кимсалар. Энди тасаввур қилинг, имони бут, виждони уйғок, диёнатли одам хор-зорлиқдан адойи тамом бўлиши мумкинми? Хўрлаш уни ҳақиқат ва адолатга хиёнат эмасми? Дилида ҳақиқати бор, адолатга содиқ кишини оёқости қилиб бўлмайди. Худонинг энг буюк эҳсони мана шудир. Бугина эмас, Аллоҳнинг эҳсону саховатидан шодлана олган киши элни ҳам қувонтиришга қодирдир:

*Тенгри эҳсонига шод ўлгон қилур,
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.*

Қани эди, шундай қувонч ҳаммага ҳам насиб этса. Ёлғиз шахс шодлигини эл шодлигига улайдиган «эҳсон»га эътиқод боғлашнинг нимаси ёмон? Шокир одам шукр қилувчиdir. Шукр – қаноатнинг чироғи. Фикрсиз шукроналиқдан чўчиш керак. Ҳақиқат мушоҳадасидан маҳрум қаноат – қуллик. Ҳазрат Навоий шеър сўнггида ўзни ғамгин этмайдиган, ҳирсу таъмадан поклантирувчи шокирлик хусусида сўзлаганлар.





«БУ МУЛК ИЧИНДА...»


*Бу мулк ичинда яхши-ёмон таъни тошидин,
Онча етишти бандай бечораға жафо.
Ким шоҳ мулки бандасиға чора қилмаса,
Йўқ чора эмди мулки Худо, бандай Худо.*

«Зиндаги аз мурдан мушкултар аст» – «Тириклик ўлимдин мушкулроқдур», деб ёзади Мирзо Бедил. Одатда қуёш чиққанда юлдузлар ғойиб бўлади. Шунга ўхшаб, тирикликнинг улуғ аламлари дилни эгаллаганда, унинг майда қувончлари барҳам топади. Ўлимни чора деб билмаслик керак. Ўлим – нажот эмас. Тириклик азобларини бутун мураккабликлари билан тушунмоқ – бу нажот. Мана шундагина руҳга илоҳий эрк йўллари очилади. Қитъа лирик қаҳрамони ҳолати ва нуқтаи назари шу жиҳатдан ибратли. Шеър қаҳрамони – бир «бандай бечора». Бечоралигига сабаб жафокашлиги. Табиатан у ёлғиз, ўз мулки «ичинда» ғариб. Унга шу қадар кўп, шу даражада аёвсиз таъна ва маломат тошларини ёғдиришганки, у «Ки шоҳ мулки бандасиға чора қилмас», деган қатъий қарорга етган. «Шоҳ мулки» чорасизлик қафасига айланган экан, унда чора маскани қаер? Худо даргоҳи. Юзаки қараганда, шоир охирги мисрада ўлимни эслатиб,

ўғри ва қаллоблар унинг қаҳрига лойик. Инсофсиз, виждони сўқирлар – Худо қарғаган кимсалар. Энди тасаввур қилинг, имони бут, виждони уйғоқ, диёнатли одам хор-зорлиқдан адойи тамом бўлиши мумкинми? Хўрлаш уни ҳақиқат ва адолатга хиёнат эмасми? Дилида ҳақиқати бор, адолатга содиқ кишини оёқости қилиб бўлмайди. Худонинг энг буюк эҳсони мана шудир. Бугина эмас, Аллоҳнинг эҳсону саховатидан шодлана олган киши элни ҳам қувонтиришга қодирдир:

*Тенгри эҳсонига шод ўлгон қилур,
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.*

Қани эди, шундай қувонч ҳаммага ҳам насиб этса. Ёлғиз шахс шодлигини эл шодлигига улайдиган «эҳсон»га эътиқод боғлашнинг нимаси ёмон? Шокир одам шукр қилувчиидир. Шукр – қаноатнинг чироғи. Фикрсиз шукроналиқдан чўчиш керак. Ҳақиқат мушоҳадасидан маҳрум қаноат – қуллик. Ҳазрат Навоий шеър сўнггида ўзни ғамгин этмайдиган, ҳирсу таъмадан поклантирувчи шокирлик хусусида сўзлаганлар.





«БУ МУЛК ИЧИНДА...»

*Бу мулк ичинда яхши-ёмон таъни тошидин,
Онча етишти бандай бечораға жафо.
Ким шоҳ мулки бандасиға чора қилмаса,
Йүқ чора эмди мулки Худо, бандай Худо.*

«Зиндаги аз мурдан мушкултар аст» – «Тириклик үлимдин мушкулроқдур», деб ёзади Мирзо Бедил. Одатда қүёш чиққанда юлдузлар ғойиб бўлади. Шунга ўхшаб, тирикликнинг улуғ аламлари дилни эгаллаганда, унинг майда қувончлари барҳам топади. Ўлимни чора деб билмаслик керак. Ўлим – нажот эмас. Тириклик азобларини бутун мураккабликлари билан тушунмоқ – бу нажот. Мана шундагина руҳга илоҳий эрк йўллари очилади. Қитъа лирик қаҳрамони ҳолати ва нуқтаи назари шу жиҳатдан ибратли. Шеър қаҳрамони – бир «бандай бечора». Бечоралигига сабаб жафокашлиги. Табиатан у ёлғиз, ўз мулки «ичинда» ғарип. Унга шу қадар кўп, шу даражада аёвсиз таъна ва маломат тошларини ёғдиришганки, у «Ки шоҳ мулки бандасиға чора қилмас», деган қатъий қарорга етган. «Шоҳ мулки» чорасизлик қафасига айланган экан, унда чора маскани қаер? Худо даргоҳи. Юзаки қараганда, шоир охирги мисрада ӯлимни эслатиб,

ўлимга тан бераётгандай. Аммо ҳазрат Навоий бунда жисмоний ўлимни эмас, фаноликни эътиборда тутгандар. Шунинг учун сиқилган ва бағоят озурда юрак ҳолати сўнгги сатрда бирданига ўзгаради. Бу шеърни ўқиганда «шоҳ мулки»ни инкор этган шахснинг ички озодлиги – хаёлдаги хурлиги ҳақида мушоҳада юритмоқ лозимдир.





«ЗАМОНДА ҲУСН ЭЛИГА ЖОН ФИДО ҚИЛИБ...»

Замонда ҳусн элига жон фидо қилиб, не наөзъ¹
Вафони мен киби бир бенаво тамаъ тутқай.
Замона ахлида йүқтүр вафо – не еткай анга
Ки, кимса хұбларидин вафо тамаъ тутқай.

«Хар кимга бир вафо күрсатдим, ундан юз бева-
фолик күрмагунча қутулмадим; Ҳар ким билан бир
меҳр-муҳабbat муомаласида бўлдим, минг жабру жафо
тортмагунча халос бўлмадим... Давр бевафоларининг
жабридан дод... То олам пайдо бўлгандан бери бу ўтда
ҳеч ким менчалик ўртамаган: то бевафолик бошлан-
гандан бери ҳеч ким мен каби бу алангада ёнмаган». Фиғон ва фарёдли ушбу фикрлар «Махбуб ул-қулуб»да ёзилган. Улуғ бобомиз шеърий асарларида «бева-
фоликдан янада кўпроқ шикоят қиласилар, янада
ғамгинроқ оҳангларда дод чекадилар. Бироқ юқорида-
ги қитъя мушоҳада характерига эга. Шоир ҳусн элига
жон фидо қилиб», «бир бенаво» ҳолида улардан вафо
кутишни хаёлдан ўтказади. Тўғрироғи, тама қиласиди.
Лекин мушоҳада мантиғи буни дарҳол инкор этади.
Нега? Чунки «Замона ахлида йўқтүр вафо». Демак,
шоир ғазалларидан бирида таъкидлаганидек, «Замона

ўлимга тан берәётгандай. Аммо ҳазрат Навоий бунда жисмоний ўлимни эмас, фаноликни эътиборда тутгандар. Шунинг учун сиқилган ва бағоят озурда юрак ҳолати сўнгги сатрда бирданига ўзгаради. Бу шеърни ўқиганда «шоҳ мулки»ни инкор этган шахснинг ички озодлиги – хаёлдаги хурлиги ҳақида мушоҳада юритмоқ лозимдир.





«ЗАМОНДА ҲУСН ЭЛИГА ЖОН ФИДО ҚИЛИБ...»

Замонда ҳусн элига жон фидо қилиб, не наөз
Вафони мен киби бир бенаво тамаъ тутқай.
Замона аҳлида йўқтур вафо – не еткай анга
Ки, кимса ҳўбларидин вафо тамаъ тутқай.

«Ҳар кимга бир вафо кўрсатдим, ундан юз бева-
фолик кўрмагунча қутулмадим; Ҳар ким билан бир
мехр-муҳаббат муомаласида бўлдим, минг жабру жафо
тортмагунча халос бўлмадим... Давр бевафоларининг
жабридан дод... То олам пайдо бўлгандан бери бу ўтда
ҳеч ким менчалик ўртанмаган: то бевафолик бошлан-
гандан бери ҳеч ким мен каби бу алангода ёнмаган». Фиғон ва фарёдли ушбу фикрлар «Махбуб ул-кулуб»да ёзилган. Улуғ бобомиз шеърий асарларида «бева-
фоликдан янада кўпроқ шикоят қиласилар, янада ғамгинроқ оҳангларда дод чекадилар. Бироқ юқорида-
ги қитъя мушоҳада характеристига эга. Шоир ҳусн элига
жон фидо қилиб», «бир бенаво» ҳолида улардан вафо
кутишни хаёлдан ўтказади. Тўғрироғи, тама қиласилар. Лекин мушоҳада мантиғи буни дарҳол инкор этади.
Нега? Чунки «Замона аҳлида йўқтур вафо». Демак,
шоир ғазалларидан бирида таъкидлаганидек, «Замона

ахли замон ранги бирла бевафодурлар». Шундоқ экан, «замон хұбларидин вафо тама» қылган киши нима олади? Бевафоликдан бошқа ҳеч нима. Бу қитъада замон вафосизлик дояси, одамлардаги бевафоликларнинг муҳофазачиси сифатида тасаввур этилади. Инсон – давр фарзанди. Ундаги қусур ва камчиликларни доимо давр ва замонга алоқадор санаб бүлмаганидек, ҳамиша улардан ажратиб туриб қоралайвермаслик ҳам керак.





«КИШИКИ ИЛГИНИ УСТУН ТИЛАР...»

*Кишики илгини устун тилар, сахо қылдик,
Құлида заҳри ҳалоҳилу гар Хизр сүйидур.
Ки бергучи агар ўлсун гадою олғувчи шоҳ,
Берур илик юқорио олур илик қүйидур.*

Мир Алишер Навоий таърифларига биноан «Саховат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизи» ёки шу денгизнинг «бебаҳо гавҳаридур». Сахийлик – улуғ кишиларга хосдир. Сахийлик ҳиммат аҳлиниң ихтисоси. Қитъадаги сўзлар шу фикрларнинг мантиқий давомидай ўқилади. Яъни: кимки қўли баланд бўлишини тиласа, сахийлик қилмоғи керак. Саховат – олмоқ эмас, бермоқ. Сахийнинг қўлида таъсири ўткир (ҳалоҳил) заҳар бўладими ёхуд оби ҳаётми, бунинг аҳамияти йўқ. Негаки, бергувчи гадо бўлса ҳам унинг қўли устун, олғувчи ҳатто шоҳ бўлганида ҳам қўли қўйидир. Ҳа, гадони шоҳдан юксак кўтаргувчи, янада аниқроғи, шоҳни гадо, гадони шоҳ этувчи инсоний фазилатлар бор. Саховат мана шулардан бири. Саховат-хайриҳоҳлик ва олиҳимматликнинг амалий исботидир. Ўзни баланд тута олган одам-қўлни баланд этади. Қўли устунлик эса ғурур устунлигига хизмат қилади.

аҳли замон ранги бирла бевафодурлар». Шундоқ әкан, «замон хубларидин вафо тама» қылган киши нима олади? Бевафоликдан бошқа ҳеч нима. Бу қитъада замон вафосизлик дояси, одамлардаги бевафоликларнинг муҳофазачиси сифатида тасаввур этилади. Инсон – давр фарзанди. Ундаги қусур ва камчиликларни доимо давр ва замонга алоқадор санаб бўлмаганидек, ҳамиша улардан ажратиб туриб қоралайвермаслик ҳам керак.



«КИШИКИ ИЛГИНИ УСТУН ТИЛАР...»

*Кишики илгини устун тилар, сахо қилдик,
 Қулида заҳри ҳалоҳилу гар Хизр суйидур.
 Ки бергучи агар ўлсун гадою олғувчи шоҳ,
 Берур илик юқорио олур илик қуийидур.*

Мир Алишер Навоий таърифларига биноан «Саховат одамийлик мулкининг мавж уриб турган денгизи» ёки шу денгизнинг «бебаҳо гавҳаридур». Сахийлик – улуғ кишиларга хосдир. Сахийлик ҳиммат аҳлиниңг ихтисоси. Қитъадаги сўзлар шу фикрларнинг мантиқий давомидай ўқилади. Яъни: кимки қули баланд бўлишини тиласа, сахийлик қилмоғи керак. Саховат – олмоқ эмас, бермоқ. Сахийнинг қулида таъсири ўткир (ҳалоҳил) заҳар бўладими ёхуд оби ҳаётми, бунинг аҳамияти йўқ. Негаки, бергувчи гадо бўлса ҳам унинг қули устун, олғувчи ҳатто шоҳ бўлганида ҳам қули қуийидир. Ҳа, гадони шоҳдан юксак кўтаргувчи, янада аникроғи, шоҳни гадо, гадони шоҳ этувчи инсоний фазилатлар бор. Саховат мана шулардан бири. Саховат-хайриҳоҳлик ва олиҳимматликнинг амалий исботидир. Ўзни баланд тута олган одам-қўлни баланд этади. Қули устунлик эса ғурур устунлигига хизмат қиласди.



«ҲАР КИШИКИМ ТОПСА ДАВРОН ИЧРА ЖОХ...»

*Ҳар кишиким топса даврон ичра жоху эътибор,
Ким аниң зотида бедоду ситам бүлғай қилиғ.
Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча бордур яхшилиғ.*

«Мансабга эришган дүст – бой берилган дүст», деган экан донишманд. Бу фикр балким мунозаралидир. Лекин у менимча, асосан тұғри. Мансабу мартаба кишини үзгартыради. Амалга минганды, ҳаволанмайдыган одам кам. Асрлар мобайнида шундай бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Мансабу эътиборга эришгандар аксарият пайтларда «қилиғ» чиқаришади. Ҳазрат Навоий шу қилиқлардан энг ёмонига диққатни тортганлар. Бу – адолатсизлик, ситамкорлик қилиғи. Бобомизга инонмок керак. У зотнинг: «Ҳар кишиким топса даврон ичра жоху (амал, юқори мартабали ўрин) эътибор», дейишилариға қараганда, мансаб пояларидан юқорилашган сайин инсонийликда тубанлашмай, зулму зўравонлигини орттирган кишилар, деярли, бўлмаган. Қитъанинг охирги байти, бундоқ қарабанда, бир насиҳат ёки истак. Лекин унда жавонмардликнинг шартларидан бири ифода этилган. Жавонмардлик ёки футувват деб аталган таълимот Яқин ва Ўрта Шарқнинг қатор

мамлакатларида кенг тарқалган. Бу таълимотнинг тарафдорлари ижтимоий тенглик ва адолат учун курашганлар. XIV асрларда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд. Бухоро сингари йирик шаҳарларида ушбу ҳаракатнинг кўплаб фаол намояндалари етишиб чиққан.

Бир одамдан: «Қандай киши жавонмард аталишга лойикдир?» – деб сўраганларида, у: «Нуҳ пайғамбарнинг яхши хулқи, Иброҳимнинг ишончи, Исмоилнинг тӯғрилиги, Мусонинг самимияти, Аюбнинг сабри, Дувуднинг изтироби, Муҳаммаднинг шиҷоати, Абу Бакрнинг ҳамдардлиги, Усмоннинг уятчанлиги, Алининг билимдонлигини ўзида мужассамлаштирган киши жавонмарддир. Шулар билан бир қаторда, у одам ўзини тергashi, яъни бор нарсасидан мағрурланмаслиги, ҳеч пайт шахсиятпастлик қилмаслиги, мақтовга учмаслиги, ҳамиша ва ҳамма жойда ўз сифатларидан фақат камчиликларини, биродарларининг хулқидан эса яхши ва мукаммалликларини кўрсатиши шартдир», деган экан.

Манманлиқдан бутунлай кечмоқ, бирорга қасд этмаслик; тил ва дил бирлиги; тафаккур меҳнатига эга бўлмоқ; мулойим сўзлик; сафарни севиш; тан ва кийими покиза тутмоқ; сир сақлаш лаёқатига эгалик; камтаринлик ва хоксорлик. Булар жавонмардлик одобининг қоидаларидир. Жавонмардликда ҳақиқатга садоқат – яшашнинг туб моҳиятидир. Бу оқим кишиларининг эътиқоди бўйича, ҳамма вақт ва ҳар қандай вазиятда фақат ҳақиқатни сўзлаш керак. Ҳақиқатга хиёнат, жаммики эзгуликка хиёнат ҳисобланган. Чунки ҳақиқатдан



«ҲАР КИШИКИМ ТОПСА ДАВРОН ИЧРА ЖОХ...»

*Ҳар кишиким топса даврон ичра жоху эътибор,
Ким анинг зотида бедоду ситам бўлғай қилиғ.
Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилғонча бордур яхшилиғ.*

«Мансабга эришган дўст – бой берилган дўст», деган экан донишманд. Бу фикр балким мунозаралидир. Лекин у менимча, асосан тўғри. Мансабу мартаба кишини ўзгартиради. Амалга мингандা, ҳаволанмайдиган одам кам. Асрлар мобайнода шундай бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай. Мансабу эътиборга эришганлар аксарият пайтларда «қилиғ» чиқаришади. Ҳазрат Навоий шу қилиқлардан энг ёмонига диққатни тортганлар. Бу – адолатсизлик, ситамкорлик қилиғи. Бобомизга инонмоқ керак. У зотнинг: «Ҳар кишиким топса даврон ичра жоху (амал, юқори мартабали ўрин) эътибор», дейишларига қараганда, мансаб пояларидан юқорилашган сайин инсонийликда тубанлашмай, зулму зўравонлигини орттиргмаган кишилар, деярли, бўлмаган. Қитъанинг охирги байти, бундоқ қаралганда, бир насиҳат ёки истак. Лекин унда жавонмардликнинг шартларидан бири ифода этилган. Жавонмардлик ёки футувват деб аталган таълимот Яқин ва Ўрта Шарқнинг қатор

мамлакатларида кенг тарқалган. Бу таълимотнинг тарафдорлари ижтимоий тенглик ва адолат учун курашганлар. XIV асрларда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд. Бухоро сингари йирик шаҳарларида ушбу ҳаракатнинг кўплаб фаол намояндалари етишиб чиқкан.

Бир одамдан: «Қандай киши жавонмард аталишга лойикдир?» – деб сўраганларида, у: «Нуҳ пайғамбарнинг яхши хулқи, Иброҳимнинг ишончи, Исмоилнинг тӯғрилиги, Мусонинг самимияти, Аюбнинг сабри, Дувуднинг изтироби, Муҳаммаднинг шиҷоати, Абу Бакрнинг ҳамдардлиги, Усмоннинг уятчанлиги, Алининг билимдонлигини ўзида мужассамлаштирган киши жавонмарддир. Шулар билан бир қаторда, у одам ўзини тергashi, яъни бор нарсасидан мағрурланмаслиги, ҳеч пайт шахсиятпараматлик қилмаслиги, мақтовга учмаслиги, ҳамиша ва ҳамма жойда ўз сифатларидан фақат камчиликларини, биродарларининг хулқидан эса яхши ва мукаммалликларини кўрсатиши шартдир», деган экан.

Манманлиқдан бутунлай кечмоқ, бировга қасд этмаслик; тил ва дил бирлиги; тафаккур меҳнатига эга бўлмоқ; мулоим сўзлик; сафарни севиш; тан ва кийими покиза тутмоқ; сирсақлаш лаёқатига эгалик; камтаринлик ва хоксорлик. Булар жавонмардлик одобининг қоидалариdir. Жавонмардликда ҳақиқатга садоқат – яшашнинг туб моҳиятиdir. Бу оқим кишиларининг эътиқоди бўйича, ҳамма вақт ва ҳар қандай вазиятда фақат ҳақиқатни сўзлаш керак. Ҳақиқатга хиёнат, жамики эзгуликка хиёнат ҳисобланган. Чунки ҳақиқатдан

ҳамма ишлар хақиқат томонга юришади. Фақат угина адолат ва диёнатга чин посбондир. «Қобуснома»да жавонмардликнинг асоси уч нарсада деб белгиланган. Бири, айтган сўзингни ўзинг бажариш. Иккинчиси, түғриликка асло хилоф иш қиласлиқ. Учинчиси, хайру эҳсонни кўзлаш. Жавонмард ваъдасига вафо этгувчи, софдил ва ростгўйдир. У бечора ва ғарибларга мадад курсатишдан мадад топган. Ёмонлардан яхшиларни ҳимоя қилишдан роҳатланган. Ҳазрат Навоий фардларидан бирида:

*Мурувват барча бермакдур емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ, –*

деб ёзганларида ҳам жавонмардликнинг ахлоқий талабларини акс эттирган эдилар. «Қобуснома»дан ўқиймиз: «Билгилки, жавонмардликнинг такомиллашгани шундай бўладики, у ўз молини ўзиники, бошқанинг молини бошқаники деб билади. Халқ молидин тама қилмагил, ўз қўлинг билан қўймаган нарсани олмагил. Халқа яхшилик қила олмасанг ҳам ёмонлик қилмағил». Мир Алишер Навоий худди шу кейинги жумладаги фикрни:

*Яхшилиғ гар қиласа, бори ёмонлиғ қиласа,
Ким ёмонлиғ қиласа, қилгонча бордур яхшилиғ, –*

шаклида баён этганлар ва ривожлантирганлар. Бизнингча, байтда фақат маъно эмас, чуқур моҳиятли

ишорат ҳам бор. Бобокалонимиз бу ишорат орқали жавонмардлик таълимотининг инсонсеварлик шартларига дикқатни тортишни кўзлаган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.



ҳамма ишлар хақиқат томонга юришади. Фақат угина адолат ва диёнатга чин посбондир. «Қобуснома»да жавонмардликнинг асоси уч нарсада деб белгиланган. Бири, айтган сўзингни ўзинг бажариш. Иккинчиси, тўғриликка асло хилоф иш қиласлиқ. Учинчиси, хайру эҳсонни кўзлаш. Жавонмард ваъдасига вафо этгувчи, софдил ва ростгўйдир. У бечора ва ғарибларга мадад кўрсатишдан мадад топган. Ёмонлардан яхшиларни ҳимоя қилишдан роҳатланган. Ҳазрат Навоий фардларидан бирида:

*Мурувват барча бермакдур емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур, демак йўқ, –*

деб ёзганларида ҳам жавонмардликнинг ахлоқий талабларини акс эттирган эдилар. «Қобуснома»дан ўқиймиз: «Билгилки, жавонмардликнинг такомиллашгани шундай бўладики, у ўз молини ўзиники, бошқанинг молини бошқаники деб билади. Халқ молидин тами қилмагил, ўз қўлинг билан қўймаган нарсани олмагил. Халққа яхшилик қила олмасанг ҳам ёмонлик қилмағил». Мир Алишер Навоий худди шу кейинги жумладаги фикрни:

*Яхшилиғ гар қиласа, бори ёмонлиғ қиласа,
Ким ёмонлиғ қиласа, қилгонча бордур яхшилиғ, –*

шаклида баён этганлар ва ривожлантирганлар. Бизнингча, байтда фақат маъно эмас, чуқур моҳиятли

ишорат ҳам бор. Бобокалонимиз бу ишорат орқали жавонмардлик таълимотининг инсонсеварлик шартларига диққатни тортишни күзлаган бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.





«СИНУҚ САФОЛКИ...»

*Синуқ сафолки, май дурдин ичкали топсанг,
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.
Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма,
Нишот неъматининг миннатини Хотамдин.*

Одам дунёга нега келади? Ҳур яшаш учун. Ҳазрат Навоий назарларида қаноат тушунчаси, эркинлик тушунчасидан ажралмасдир. Мана шунинг учун ҳам улуғ шоир шеър, достон ва насрий асарларида қаноатли бўлмоқни қайта-қайта ташвиқ этиб, қаноат туйғусининг хосиятларидан такрор-такрор сўзлайди.

Тарихдан маълумки, Жамшид қадимда ҳукм сурган Эрон шоҳларидан бири бўлган. У кўп ихтиrolар қилган. Ўшалардан бири одам ҳаёти ва оламдаги барча ҳодисотларнинг сирини аввалдан акс эттирадиган сеҳрли жомдир. Мир Алишер фикрларича, қаноат жоми ана шу шухратли жомдан ҳам устундир. Қаноатли одам бир синиқ саполга май қуйқасини қуйиб ичиш имконига эга экан, у ҳатто Жамшид жомини ҳам қабул қилмаслиги керак. Хотамнинг ҳиммату саховати асрлар давомида тилларда достон бўлиб келган. Аммо қаноатли зотларнинг ўз достонлари бор. Шундай бўлгач, улар шодлик ва хуррамлик ризқу неъмати учун Хотам миннатига чидашлари мумкинми?

Йўқ, албаттa. Ҳазрат Навоий қўлингда қуруқ нонинг бор бўлгач, тирикчилик ёхуд майшат ташвиши учун Ҳотам миннатини ҳам бўйинга олма дейдилар:

*Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма,
Нишот неъматининг миннатини Ҳотамдин.*

Мир Алишер Навоийнинг бундай насиҳатлари кишини тамагирлик ва қаноатсизлик ҳирсларидан муҳофаза этади. Ва юракда қандайдир осойишталик, хотиржамлик туйғуларини уйғотади.





«СИНУҚ САФОЛКИ...»

*Синуқ сафолки, май дурдин ичкали топсанг,
Қабул айламагил жоми салтанат Жамдин.
Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма,
Нишот неъматининг миннатини Хотамдин.*

Одам дунёга нега келади? Ҳур яшаш учун. Ҳазрат Навоий назарларида қаноат тушунчаси, эркинлик тушунчасидан ажралмасдир. Мана шунинг учун ҳам улуғ шоир шеър, достон ва насрий асарларида қаноатли бўлмоқни қайта-қайта ташвиқ этиб, қаноат туйғусининг хосиятларидан такрор-такрор сўзлайди.

Тарихдан маълумки, Жамшид қадимда ҳукм сурган Эрон шоҳларидан бири бўлган. У кўп ихтиrolар қилган. Ўшалардан бири одам ҳаёти ва оламдаги барча ҳодисотларнинг сирини аввалдан акс эттирадиган сеҳрли жомдир. Мир Алишер фикрларича, қаноат жоми ана шу шуҳратли жомдан ҳам устундир. Қаноатли одам бир синиқ саполга май қуйқасини қуйиб ичиш имконига эга экан, у ҳатто Жамшид жомини ҳам қабул қилмаслиги керак. Хотамнинг ҳиммату саховати асрлар давомида тилларда достон бўлиб келган. Аммо қаноатли зотларнинг ўз достонлари бор. Шундай бўлгач, улар шодлик ва хуррамлик ризқу неъмати учун Хотам миннатига чидашлари мумкинми?

Йўқ, албатта. Ҳазрат Навоий қўлингда қуруқ нонинг бор бўлгач, тирикчилик ёхуд майшат ташвиши учун Хотам миннатини ҳам бўйинга олма дейдилар:

*Иликка кирса қуруқ нон, маош учун чекма,
Нишот неъматининг миннатини Хотамдин.*

Мир Алишер Навоийнинг бундай насиҳатлари кишини тамагирлик ва қаноатсизлик ҳирсларидан муҳофаза этади. Ва юракда қандайдир осойишталик, хотиржамлик туйғуларини уйғотади.



«ҒАЗАЛДА УЧ КИШИ...»

*Ғазалда уч киши тавридур ул наевъ
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли.
Бирни муъжиз баёнлиқ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.
Бирни Исо нафаслик, ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи
Бирни Қудси асирлик Орифи Жом,
Ки жоми Жамдуурур синған сафоли.
Навоий назмиға боқсанг эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти ҳоли.
Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.*

Ушбу қитъани ҳазрат Навоий ғазалчиликдаги устодлари таърифига бағишилаган. Биринчи байтдаги фикр умумий. Унда ғазалда уч кишининг услугуб ва равиши яхши эканлиги, улардан ўтказиб шеър яратиш мушкул ишлиги таъкидланган. Кейинги икки қатор шу уч ғазал устасининг бири ҳақида:

*Бирни муъжиз баёнлиқ соҳири ҳинд,
Ки ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.*

Бу «соҳири ҳинд» – Хусрав Дехлавий. Шу бир байтда Дехлавий истеъдодига хос муҳим фазилатлар айтилган. Биринчидан, у шеърда ифода сиқиқлиги, яъни «муъжиз баёнлиқ»ка эришган. Шу маҳорати туфай-

ли унинг ўзи соҳир, сўзлари сеҳрли. Иккинчидан, бу шоирнинг қалби ёлқинли. Рух ва ҳолатларида ҳам сўзонлик акс этадики, булар ишқ аҳлининг бағрини ўртайди. Навбатдаги сатрларни ўқиймиз:

*Бири Исо нафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.*

Исо – ривоятларга кўра, нафаси билан ўликни ҳам тирилтира биладиган пайғамбар бўлганмиш. Мир Алишер Навоий Исога ўхшатаётган «ринди Шероз» – нафаси ўткир буюк форс шоири – Хожа Ҳофиз Шерозийдир. У фано майхонасининг ринди. Риндлиги учун ҳам кўнгли ўткинчи дунёning ўткинчи ғаму ташвишларидан фориғ. Ҳофизнинг ғазалиёти мурда кўнгилларни ҳам тирилтирувчи хаёлий оҳанглари, ҳақиқат майи мадҳ этилган маънолари билан шеърхон юрагига ларза солади.

*Бири қудси асирлик Орифи Жом,
Ки жоми Жамдуурур синган сафоли.*

Бу байт Абдураҳмон Жомий мадҳига бағишиланган. Бунда Жомий биринчидан, покизаликка (қудси асирлик) намуна қилиб кўрсатилган. Иккинчидан, у Жом шахридан етишган ориф, Ҳақ илмининг алломаси. Шунинг учун ҳам унинг оддийгина сапол идиши (хатто синган саполи) шоҳ Жамшиднинг ўша машхур Жоми билан тенгдир. Бу образли фикр бевосита Жомийнинг

ижодиётига ҳам тегишлидирки, унинг «синғон са-
фоли»дан завқ ва маърифат симирган кишиларнинг
орифга айланмаслиги мумкин бўлмаган ҳолдир.

*Навоий назмига боқсанг, эмастур,
Бу учининг ҳолидин ҳар байти холи.*

Демак, ҳазрат Навоий шеъриятига назар ташла-
ган киши «бу учнинг», яъни Хусрав Дехлавий, Ҳофиз
Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларнинг таъсирини
сеза олади. Бобомиз қитъа сўнггида ўз шеъриятини
кўзгуга, устозларини эса шу маънавий ойнага жамоли
акс этган уч «маҳваш»га нисбат берганлар:

*Ҳамоно кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли.*

Бу қитъа фақат устозларга ҳурмат-эҳтиром маъ-
носидагина эмас, дўстликни улуғлаши жиҳатидан
ҳам ибратлидир. Таърифлари битилган учала шоир
ҳам форсий адабиётнинг ўлмас вакиллари бўлишган.





«НАЗМИМ ИЧРА ҒАРИБ МАҶНИЛАР...»

*Назмим ичра ғарип маънилар,
Гурабо хайлидин нишонадурур.
Анда ҳар байт неча маъни ила
Байт эмаским, ғарипхонадурур.*

Тўртликдаги «ғарип», «гурабо», «ғарипхона», «байт» сўзларининг ҳар бири икки маънолидир. Биринчиси: «шеъримдаги «ғарип», яъни ажойиб маънолар ғариплар тўдаси – кўркам шеърлар хайлидин намунадир. Ундаги мазмунли байтлар гўёки безатилган ажойиботхона. Иккинчиси: менинг назмимдаги фикру туйғулар шунчаки ажойиб мазмунлар эмас, балки ғарип ва дардманлар тоифасидан нишонадурлар. Оддий инсон қалби ва ҳис-туйғуларини асраб-авайлаш, шу мақсаднинг образли тасвири бундан ҳам ортиқ бўладими?

Анда ҳар байт неча маъни ила...

Мир Алишер Навоийнинг бутун бошли асарларинигинамас, «ҳар байт»ини ўқиётганда ҳам шоирнинг ушбу «неча маъни ила»сини хотирга келтириш керак. Чунки уларда жуда камдан-кам ҳолларда бир маъноли сатрларга дуч келамиз. Уларнинг, деярли, барчаси мазмунан қатламдор, турлича ҳиссий бўёқ, руҳ ва мантиқ товланишларига эга.



«ОҒЗИНГА КИРГАН ТАКАЛЛУМ РИШТАСИН...»

*Оғзинга кирган такаллум риштасин чекма узун,
Ким бу иштин сарнигунлуқ юзланиб, нуқсон келур.
Күрки, чун оғзиға кирган риштасиға берди тул,
Анкабут, ул риштадин ҳар дам нигунсор осилур.*

«Оғизга кирган такаллум риштасин» узун чекмоқ – оғзига келгани демоқ, вайсақилик гапбозлик қымлоқ – дир. Ҳазрат Навоий бир ўринда сўзламоққа берилган одам билан, емоққа қул бўлган кимсанинг фожиасини билим шарофатидан маҳрумлик деб ҳисоблаган. Саёз чечанлик ва эзмалик ҳар қандай эшитувчининг асабини эговлади. Лекин бу ишдан кўп сўзловчига исталган пайтда зиён етмоғи аниқдир. Сарнигунлуқ – боши эгиклик. Ҳожатсиз тил бурролиги бошни хам қиласди. Буни лақмалик жазоси ёки шармандалик дейиш керак. «Ким бу иштин сарнигунлуқ юзланиб, нуқсон келур»даги охирги иборани «нуқсонлар келур», деб тушунилгани маъқул. Негаки, кўп гапирувчи, хоҳланг, хоҳламанг, нуқсон орттирувчидир. Бундай кимсаларга Мир Алишер Навоий ўргимчак аҳволини намуна этиб кўрсатадилар:

*Күрки, чун оғзиға кирган риштасиға берди тул,
Анкабут, ул риштадин ҳар дам нигунсор осилур.*

«Оғзига киргап риштасиға» муаллақ осилиб турған ўргимчакка нигоҳингиз тушган булиши керак. Аммо бу ҳодисанинг юзага келиш сабабини ўйлаб ҳам ўтируммагансиз. Ҳазрат Навоий шархларидан англашилаётирки, ўргимчак оғзидаги риштани чұзиди, атайин узайтиргани (тул бергани) учун ҳам ўзини-ўзи «нигунсор осилур»га мақкум этаркан. Бу қиёсдан сүнг биринчи байтдаги маъно ва мантиқ таъсири янада кучайди.





«НАВОЙ УМРИН ЎТКАРДИ...»

*Навоий умрин ўткарди машаққат бирла оламда,
Умиди улки, ул оламда топқай комронлиғлар.
Агар кофири муфлис масаллик топмади коме,
Ва лекин нафси чун кофир эди, қилди ёмонлиғлар.
Гар ул оламда Ҳақ фазл этмасаю адл ила сўрса,
Анга, бас бўлди зойиъ мунча чеккан нотавонлиғлар.*

Донишманд адибларнинг ҳукмларига қараганда, дунёда ҳар бир нарсанинг маҳсус ўлчови бўлганидек нафс ҳам ўз ўлчовларига эга. «Инсон фазлу камолининг ўлчови нафснинг ўлчови или ўлчанур», деган эканлар Ибн Сино. Айниқса, фозил одамнинг нафсга муносабати чуқурдир. Унинг маънавий фазилатлари нафс ўлчовлари олдида доимо камлик қиласи. Ва у буни яширмайди. Сир сақлашдан не фойда. Ахир бекитиш қусру гуноҳдан кутулиш чораси эмас-ку? Ҳазрат Навоий қитъасининг ilk байти ўқилганда, ҳали бундай фикрлар туғилмайди. Лекин бобомиз бу оламда умрларини мешаққат бирла ўтказганликлари ва «ул оламда» тинчлик ҳамда фароғат топмоқ умидида эканликларини таъкидлайдилар. Умуман олганда, у кишининг шундай умид билан ўзларини юпатмоқларига асос ҳам бор. Ахир у «кофири муфлис масаллик», яъни имонсизлик пасткашлик билан ҳеч бир мақсадга

интилмаган. Аммо бунда бир «Ва лекин...» бор. Унинг нафсида «кофир»лик бўлган. У ҳамиша ҳам нафси золим ёмонликларини енга олмаган. Буни халқ назаридан яшириш мумкинdir. Бироқ «гар ул оламда» ҳамма нарсани адлу адолат билан сўровдан ўтказиб, Яратган ҳеч нимани афв этмаса-чи? Унда нима бўлади? Шунча чеккан нотавонлик ранжлари ҳам бесамар кетади. Демак, инсон бутун умри давомида нафс зулми, нафс разолатларига қарши туриши керак. Бу қаршилик маънавий-илоҳий осудаликнинг гаровларидан биридир.





«УЙДА РАВНАҚДУРУР...»

*Уйда равнақдурур, агар кишига
Яхши ҳамхона бўлса ҳамзону.
Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа кадбону.*

Faфур Ғуломнинг машҳур «Хотин» шеъри «Бизнинг хотинларга ҳаё фазилат» деган сўзлар билан бошланади. Хўш, ҳаё нима? Бу ҳақда Абдулла Авлонийнинг ёзганларини эшитинг: «Ҳаё деб ишда, сўзда адабни риоя қилмакни айтилур. Ҳаё дилни равshan қила-дурган бир нурдурки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождур... Ифратнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдур». Ўзбек хотин-қизлари учун ҳаё меросий фазилат. Улар мана шу маънавий нур билан эркакларнинг дил чироқларини равshan, хонадонларни файзга тўлдириб қелганлар. Faфур Ғуломнинг: «Сенсиз келажак йўқ, бемаъни жаҳон», дея аёлга қаратса айтган:

*Астойдил ҳар эркак – йўлдош демаса,
Инсоф маҳкамаси судга беради.
Икки дўст қийинни енга олмаса,
Ҳаётнинг чиппакка чиқар омади, –*

мазмунидаги фикрлари моҳиятан узоқ асрларга бориб тақалади. Ҳазрат Навоийнинг ушбу қитъаси будаъвонинг яна бир мисоли «Яхши ҳамхона» деган соддагина бир иборада соф ва садоқатли аёл учун хос ва зарур барча хислатлар мужассамлаштирилган деса муболаға бўлмайди. Мир Алишер Навоий талқинларида яхши хотин, аввало, яхши ҳамхона. Бу эса хонадон равнақидир. Бир-бирини тушуниш, осойишталик ҳаётнинг аччик-чучукларини баҳам кўрмоқ, меҳр ва ишонч – буларсиз қайси оилада истиқбол бўлади? Ҳазрат Навоий «Ҳайрат ул-аброр»да: «Умр деган ёри вафодор этмиш», дейдилар. Вафоли ва заковатли умр йўлдоши ҳаётнинг вафосидурки, тақдирнинг аёвсиз жафоларини енгадиган имкониятлардан бири мана шудир.

Хулқи хушлик – аёлнинг олий зийнати. Уй учун бундан зиёд зеб йўқ. Уни ахтармаслик керак. Чунки:

*Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,
Бўлмаса анда турфа кадбону.*

«Турфа кадбону» – турмушда эрига ҳамдарду ҳамқадам бўла олган, феълу атвори, ҳусну жамоли тилларда достон заҳматкаш уй бекаси саналади. Шундай аёлсиз хонадон хароб. Ҳазрат Навоийнинг бу таъкидлари ҳозир ҳам ўз кучида: аёл меҳридан зийнат топмаган уйни ҳеч қандай зебу зийнат бахтсизликдан қутқара олмайди.



«МАНГА ЕТСА МИНГ ЗУЛМ...»

*Манга етса минг зулм неши фалондин,
Иложида ҳолимға ҳайрон қолурмен.
Жафо қилғоли қўйса вайронима юз,
Агар қавлай олмон, қоча худ олурмен.*

Доно ва маърифатли одамларнинг табиати учун латифлик, юмшоқлик хосдир. Буни таъб зарофати деса ҳам бўлади. Мана шу зарифлик озорни озор билан, қаҳрни қаҳр, зулмкорликни зулм билан енгишга кўпинча имкон бермайди. Чунки улар жоҳилликка қарши жаҳлга минишни жаҳолат, нодонга баробар туришни нодонлик деб англайдилар. «Дононинг аҳмоқлар даврасида сукут этишга мажбур бўлиши ажабланарли эмасдир, чунки ҳамиша ноғора овози танбур овозини эшиттирмай қўяди», деган эканлар Шайх Саъдий.

Мана, фалон бир нокас. Бу чаёнсифат кимсанинг зулм неши шоир бағрига тинимсиз санчилаётир. Лекин у иложида ўз ҳолиға ўзи ҳайрон. Ҳазрат Навоидаги қалб олижаноблиги ва руҳий нозиклик айни шу ҳайронликда. Буни пассивлик деб билмаслик керак. Шоир чаёндан ҳазар қилгандай ўша ёвуздан ўзини четга олади. Ва иттифоқо: «Жафо қилғали»

кулбай вайронамга келса нима қиласан?» деган
хаёл туғилади. Қарангки, үшанды ҳам у баттолни
кувлай олишига унинг күзи етмайды.

*Агар қавлай олмон, қоча худ олурмен, –
дея гүё күнгүлга таскин беради.*





«АЖАЛ ЧУН МУҚАРРАДУР...»

Ажал чун муқаррардур ўлмак учун, бас тамадин
Недур юз ғам ўтиға куйдирмак ўзни.
Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас не яъни
Ўлардин бурун ҳар дам ўлтурмак ўзни.

Инсон жаҳонни кўрса-ю ўзини кўрмаса, дунёни таниса-ю ўзлигини танимаса – у ўлимдан чўчийди. Ўлимдан қўрқмоқ – ўлимни тезлаштироқ демакдир, Мұҳаммад Йқбол:

*Аз марг тарси, эй зинда жсовид,
Марг аст сайде, ту дар камини, –*

яъни: «Эй ўспирин, ўлимдан қўрқсанг, сен пистирмадасану ўлим овчиdir», деган эди. Ҳазрат Навоийнинг қитъаси ажалнинг муқаррарлиги ҳақида. Файлусуфларнинг айтишларича, яшаш – ўлим остонасида туриб ҳаёт китобини вараклаш демак. Бу – ўлиб яшамаслик, аксинча, яшаб ўлишнинг чорасидир. Бундоқ олганда, ўлим жисмоний йўқлик. Лекин шунинг учунгина ўлимдан чўчиш-инсонийлик шаънини таҳқирлашдир. Инсон фикрий меҳнати билан тафаккур кучигагина суюниб ўлим чангалидан ўз ҳаётини сақлаб қола олади. Мана

шундагина одам «Чу туғмоқдур ўлмак учун...» деган фалсафани түғри тушунади. Ва ўзини «юз ғам ўтига» күйдирмақдан сақлайди.

Үлмасдан бурун ҳар дамда ўзни ўлдирмоқ – бу, ёмон туйғу, у тасаввурни янчыб, ақлни кучдан маҳрум қиласы. Л.Н.Толстойнинг Иван Ильичига ўхшаб ваҳима ичидан одам ўзини-ўзи ўлимга топширади.

Мұхаммад пайғамбар (с.а.в) икки тоифа кимсалардан ҳазар қиласынан, деган эканлар. Бири, «хуббул дунё» – мол-дунёни яхши күрган, иккінчеси, «хавфил мавт» – ўлимдан чүчиганлардан. Үлмасдан аввал ўзни ўлдириш худкушлик. Мешчанлик психологияси мана шундан ҳам пайдо бүлади. Эрта-ю, кеч ўлимдан чүчиб яшайдиган кишилар қаноти бору учиш истаги сүнгандықша үхшайды. Бундайларнинг ақволига фақат ачиниш мүмкін.





«УЧ КИШИДИН УЧ ИШ ЁМОН КҮРИНУР...»

*Уч кишидин уч иш ёмон күринур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин:
Шоҳдин тундлуғ, ғанидин бухл,
Молға майлу ҳирс донодин.*


Бу тўртликнинг мазмuni содда ва англашиларли. Донишманд бобомиз бу шеърда уч тоифа одамлардаги «уч иш», яъни уч хусусиятнинг ёмонлигини кўрсатгандар. Биринчиси, шоҳдаги тундлиғ. Тундлиғ – тезлик қўрслик дегани. Тунд киши кўпинча ўз ўжарлиги, қаҳру ғазабини аниқ идрок этолмайди. Унга ўжарлиги қатъият туюлади. Қуллигини мушоҳада қила билмаган кулнинг аҳволи ачинарли бўлса, руҳий зиёдан маҳрум тундлиғ ғоятда ҳазарлидир. Оддий одамнинг ёки кичикроқ мартабадаги амалдорнинг ўжарликлариغا қарши бориш мумкинdir. Лекин шоҳ табиатида бу нарса кучли бўлса-чи? Бу қаҳр пайтида оғзидан утлар сочиладиган аждаҳоликнинг айни ўзирикни, бунда кимларнингдир ҳаётига ажал чангаль солиши ҳам табиий, албатта. Тунд характерли шоҳнинг атрофидаги мулозимлари ҳам, ҳеч шубҳа йўқки, тундлиғда сultonларидан ўrnак олишган. Бундан туғиладиган ранж ва зиёнлар-чи? Ҳазрат Навоий «шоҳдин тундлиғ»,

«ёмон күрунур» деганларида яна қанча фожиа, қанча нохуш ҳодисаларни назарда тутганлар.

Энди «ғанидин бухл» түғрисида. Ғани – ҳеч нимадан әхтиёжи йўқ, бой-бадавлат киши. Бухл – баҳиллик. «Баҳиллик дори билан даволаб бўлмас касалликдир... Баҳил, нокас, олчоқ, тубан киши ўз молининг посбонидир, бойлик йиғиб, уни емай, ичмай сақлади», дейдилар адибу донишманд Аҳмад Югнакий. Ғани ана шу ҳирсий иллатлардан покланган зот. Чинакам ғаний учун катта бойлик – саховат. У элга эҳсон кўрсатиши мартаба деб билади. Шундай одамнинг баҳиллик ҳиссиётларига эрк бериши гўёки қарчиғайнинг чумолига айланишидай гапдир. Қарчиғай ҳамиша қарчиғай бўлиб қолиши керак. Ҳазрат Навоий истаган иккинчи моҳият мана шу. Донолик – юксак ақлий мартаба. У фикрий мартаба. Бу мартаба шоҳликдан ҳам, бойлиқдан ҳам устун. Инсоният асрлар мобайнида аҳмоқ шоҳдан ақлли гадони ортиқ қадрлаб келган. Абдулла Орипов қадим юонон масалчиси Эзоп ҳақида:

*Хўжасида бўлса ҳам қанча-қанча сийму зар,
Қарангки, жулдор кийган Эзоп мангу қолибди,-*

дейди. Дононинг фикри ва сўзи ҳеч нимага алмаштириб бўлмас хазинагина эмас, унинг мангу шуҳрати ҳамдир. Шунинг учун «молға майлу ҳирс» донога мутлақо ярашмайдиган иш.



«КИРМАГАЙ ЖАННАТ ИЧРА ҲЕЧ БАХИЛ...»

*Кирмагай жаннат ичра ҳеч бахил,
Гарчи ул бўлса саййиди Қураший.
Бормагай дўзах ичра ҳеч сахий,
Филмасал бўлса бандай ҳабаший.*

Маълумки, жаннат – диний тасаввурларда ўлимдан кейинги ҳаётда, яъни нариги дунёда роҳат-фароғатда яшаладиган жой. Бу манзил имон-эътиқодли ва тўғри одамлар учун белгиланган. Қуръонда жаннат тасвиirlарига алоҳида ўрин ажратилган: у ерда ҳамма нарса мўл-кўл. Ариқларда фақат сувмас, асал ва сутлар оқади. Боғларида ҳар турли дараҳтлар. Дараҳтларда шира-шарбатли мевалар пишиб ётибди. Ҳавосидан жонлар яйрайди. Дўзах бунинг акси; Унинг даҳшатли форликларида доимо ўт ёнади. Дину имони суст ва гуноҳкор бандалар шу оловда ёниб, сўнгсиз, саноқсиз қийноқларга гирифткордурлар. Тирик бандадан ҳеч ким, ҳеч вақт жаннатни ҳам, дўзахни ҳам кўрмаган. Лекин ҳазрат Навоий шеърда жаннатни эслатгандарида диққатни нимага қаратганлар? Сахийликка. Майли, биз сахий зотларни жаннати демайлик. Бироқ саховати беғараз, олижаноб одамларнинг кўпайиши шу дунё ҳаётининг жаннатга ўхشاшига ёрдам бермай-

дими? Ахир, үзи түйса ҳам күзи түймайдиган олчоқ, қитмир ва гүшна хасислар, ўғри-ю каззоблар у дунё эмас, ундан нарида ҳам қийноқларга дучор бўлишга муносибмасми? Мир Алишер Навоий насаби баланду, үзи паст баҳилдан саховатли ҳабашни устун кўрганлар. Куруқ даъвогагина айланиб қолган зот тушунчаси-нимас, инсондаги мавжуд одамийлик фазилатини улуғлаганлар. Шеърнинг тарбиявий қиммати ҳам мана шунда.





«БИЙИК ҲИММАТЛИК ЭЛГА АРЗИ ҲОЛ ЭТ...»

*Бийик ҳимматлик элга арзи ҳол эт,
Замири эли нури пош элдин савол эт.
Ки бор абри баҳори гавҳарафшон,
Чоқин ҳам олам аҳлиға зарафшон.*

Абдулла Ориповнинг «Илтимос» деган шеъри бор. Шоир унда «бир ҳаёт ҳадисин» баён айлаган. Бунинг туб моҳияти «ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин», деган мантиқдир. Тұғрида, бу дунёда сабру қаноатдан зўр нарса борми? «Нотанти йўлдошга» муҳтожликни англатгандан кўра йўлларда оч ва саргардон қолмоқ юз карра афзалмасми? Ҳазрат Навоий: «Бийик ҳимматли элга арзи ҳол эт», дейдилар. Улуғ ҳимматли эл – саҳовати юксак эл. Энди Абдулла Орипов сатрларига дикқат қилинг:

*Саҳоват аҳлиға гарчи юз бурдим,
Гоҳи дам ҳайратда лол қотиб турдим.
Норнинг им олдида чўкканин кўрдим,
Ҳаргиз илтимосга кунинг қолмасин.*


Қаранг, инсон табиати нақадар ўзгарувчан. Мир Алишер Навоий: «Бийик ҳимматлик элга арзи ҳол

эт», деб даъват қилганларида «Норнинг ит олдида» чўкмоғини хаёлга ҳам келтирганлар.

Аммо бизнинг асримиз учун бундай воқеалар одатий томошага айланган. Хуллас, Абдулла Орипов инкор этган тушунчани ҳазрат Навоий тасдиқлаганлар. Бунинг сабаби шундаки, илтимосми, талабми, бошқами, арзу ҳол этишга арзийдиган, ҳимматли беғараз зотларнинг борлигига бобомиз инонганлар. Абдулла Ориповда «Одам одамга бўри эмас», деган қарашларга ҳам эътиroz туғилган. Ва бу тўғри эътиrozдир:

*Бўри эмас дейсан одам одамга,
Кўзинг каттароқ оч, боққил оламга.
Бирор отамга дер, бирор онамга,
Ҳаргиз илтимосга қунинг қолмасин.*

Ҳазрат Навоий талқинларида замири нурли элдин «савол эт»моқ ҳам илтимос фалсафасини қамраб олади. Булар «нон бериб рангингни» «сомон» этгувчиликармас. Агар «ҳимматлик бийик» эл баҳор булутлари янглиғ «гавҳар» ёғдирувчи бўлса, кейинги тоифа кишилар чақин кабидурлар. Ахир, чақин бир лаҳза бўлса-да, олам аҳлиға зар сочади-ку!




«РОЗНИ АСРА...»

*Розни асра, чунки фош эттинг,
Яна пинҳон бўлурни қилма ҳавас.
Кўнглунг ичра нафас кабидур роз,
Қайтмас, кимсадин чу чиқти нафас.*

Роз асраш – сир сақлаш. Уни асраш – мутлақо шахсий иш. Инсон бошидан қандай воқеа ва ҳодисотлар кечмайди дейсиз бу ҳаётда. Истанг, истаманг, улар орасида пинҳон сақланадиганлари ҳам бўлади. Уларнинг баъзилари шахсий нарсалар сифатида фақат ўз қалбингда сақлашни талаб этади. Булар – қалб сирлари. Хотира эса бамисоли сир хазинасилик, ундаги сирларнинг қадр-қимматини чуқур тушунмаслик хотирани таҳқирлайди. Бобомизнинг таъкидларига кўра, сирни асраш ҳам керак. Ошкор бўлган сир-сирмас. Унинг «Яна пинҳон бўлур»ини ҳавас этиш бефойда. Чунки у ҳам нафасга ўхшаш бир нарса. Чиқсан нафасни қайтариб бўлмаганидек очилган сирни қайта яширишнинг мутлақо иложи йўқ. Сир бекитиш бошқа, писмиқлик бошқа. Буларни ажратиш лозим. Писмиқ зотлар кўрсичқон сингари ўзини яширишга мойил. Улар жон -жаҳдлари билан ўз нодонликлари ва жирканч қилмишларини хаспӯшлashedи. Оқил, одил, орифларнинг сир сақлашида эса ҳеч пайт қўрқув ва жонсараклик сезмайсиз.





«АГАР НОДОН МАҲАЛСИЗ ҲАРЗАКИМ АЙТУР...»

*Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур, далир айтур,
Кулоққа ёқмаса, маъниға танбиҳ айламак бўлмас.
Эшак савти Каломуллоҳда келди “Анкарул асвот”,
Анинг савтиға тақрибу таҳоши истамак бўлмас.*

Суқроти ҳаким: «Аҳмақ киши сукут ила аҳмоқлиғини ёпса, ўртача оқиллардан ҳисобланур эди. Лекин аҳмақлик ила сукут иккиси бир одамда жам келмас», – деган экан. Дарҳақиқат, шундай. Аҳмоғу нодонларда сукут сақлаш, яъни тилни тийиш қобилияти бўлмайди. Уларнинг иши ва «бурчи» оғзига келганини валдираш. Умуман, маъно ва мантиғи суст ва суюқ гап-сўзларнинг турган-битгани зиён. Улар онгга ҳам, руҳ ва қўнгилга ҳам ёмон таъсир ўтказади. Аммо буни қайси нодонга англата оласиз? Бу сўзлар қулоққа ёқмаслиги аниқ. Лекин ҳазрат Навоий бундай пайтларда танбеҳ айламасликка даъват қилаётирлар. Нега? Мир Алишер Навоий кўп жойларда нодонни эшакка нисбат беради. Бу қитъада нодоннинг эшаксифатлиги қуйидаги далил билан асосланган:

*Эшак савти Каломуллоҳда келди “Анкарул асвот”
Анинг савтиға тақрибу таҳоши истамак бўлмас.*

Чунончи: «Эшак савти» (овози) Куръон оятларидан бирида анкарул асвот – энг ёқимсиз овоз деб айтилған. У бутун нохушлиги билан үзгармас. Үндән хуш ва ёқимли садо истаб бүлмаганидек, нодонларнинг ўринсиз валдирашларини маъно ва мантиқ изига солишнинг ҳам иложи йўқ.

Конфуцийнинг фикрича, суҳбатлашиш керак бўлган одам билан гаплашмаслик одамни йўқотиш. Гаплашиш керак бўлмаган кимсалар билан суҳбатлашиш сўзни елга совуришдир. Доно одамнинг заковати шундаки, у инсонни ҳам йўқотмайди, сўзни ҳам беҳудага исроф қилмайди. Ҳазрат Навоий ҳам мана шундай заковат ва фаҳму фаросатни ёқлаганлар.





«СОВУҚДАН ҚОЧИБОН...»

*Совуқдан қочибон ўт шуъласидин,
Тезак дуди сари қилмоқдур оҳанг.
Киши зуҳд ичра майдин тавба айлаб,
Нашот андин хаёл айлаб емак банг.*

Мир Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да: «Май ичмоқ – жигар қонин ичмоқдир; май ичиш билан заҳар ютма; жонинг навдинасини сочиш билан наслинг тухмини қуритма», деб танбеҳ берганлар. Бугина эмас. Ҳазрат Навоий май ичишга нафсу ҳаво қурбони бўлиш ва шайтон истагига тобелик деб баҳолаган. Бу фикрларнинг тўғрилигига шубҳа йўқ. Энг иркит ичувчи ҳам майнинг зарар эканлигини ўзича билади, тан олади. Лекин ундан қутулмоққа келганда эса ожизлик қиласади. Чунки ичкиликбозлик – ожизлик. Маънан ногирон кимсаларда ҳеч пайт мустаҳкам ирода бўлмайди. Балки шунинг учун улар ҳар кун, ҳар соат заҳар ютмоққа мойилдурулар. Мир Алишер Навоий ушбу қитъада икки оғатга қарши гапирганлар. Биринчиси – май. Иккинчиси – банг. Шеър мазмунидан англашилишича, кимдир тақводорлик (зуҳд) юзасидан «майдин тавба» айлаган. Аммо у «фасодга ўхшаган бир модда»дан қутулиб, янада жирканч ва хавфлироқ

иккинчи бирига ўзини мубтало этган: имони суст майхұрдан имонсиз банги ақволига тушган. Ҳазрат Науой бу ишни совуқ пайтида «ұт шуъласидан» қочиб, кишининг «тезак дуди сари» ўзни уриш ҳодисасига ўхшатади. Бу фикрни ривожлантириб, майхұр ақлини ұтга күйдирувчи, банги – «тезак дуди» ютувчи, деса ҳам нотүғри бўлмайди.





«ПОҚДОМАН ЗУАФОДИН НЕКИ ЗОЯНДА БЎЛУР...»

*Покдоман зуафодин неки зоянда бўлур,
Руҳпарвардуру, жонбахш зиҳи хилқати пок.
Кўрки, Марямға ўғил Исо руҳуллоҳ эрур,
Урса бу ҳолға нопок улус таън не бок.*

Йигирманчи аср Шарқ халқлари бошига кўп таъна, маломатлар ёғдирди. Гафур Гуломнинг «Шараф қўлёзмаси» шеърини эсланг. Бу шеърда шоир ўзбекларни қабила деб атаган «олий ирқ даъвогарлар»ига қарши ҳақиқатларни сўзлаган. Абдулла Орипов ўзига «бенасиб таом» пишириб, бировга кийгизиб, ўзи киймаган заҳматкаш халқига қаратади: «Юлдузни кашф этиб ном олдинг: «авом», дейди. Бундай камситишларнинг мундарижаси кенг, саноғи кўп. Ўн мингта, борингки, юз мингта жоҳил ва баттол кимсаларнинг қилмиши бутун бир халқнинг хислату феъл-атворини белгилай олмайди. Ўзбек халқи тарихининг ҳамма давларида маърифатли ота-боболаримизнинг аёлга муносабати жуда юксак бўлган. Бу фикрнинг ёрқин исботи классик шеъриятимиздир. Аёл улуғланган шеърнинг нафаси ғоятда сеҳрли ва ўз-ўзича умидбахш. Аёл таҳқирланган шеърдан кўра қабоҳатли иш йўқ. Бизнинг қайси бир

классик ижодкоримиз аёл шаънига ёмон сўз битган? Ҳеч қайсиси. Аёл нафосати, аёл поклигини эътироф этишда Шарқ шоири билан мусобақалашиш осон бўлмаган. Мана, ҳазрат Навоийнинг биргина шу қитъасини олайлик. Унда покдомон аёл таърифини ўқиймиз. Бобомиз аёл покизалигини авлод истиқболининг асосий шарти сифатида талқин этганлар. Тоза хулқли аёлдан фарзанд туғилса, у – руҳпарвар, жонбахш ва хулқи, табиати озода бўлади, дейдилар ҳазрат Навоий. Ва БибиМарям ҳамда у кишининг ўғли Исо пайғамбар (а.с) қисматини эслатади. Диний китоблар Биби Марямнинг одоб ва ахлоқда тенгсиз бўлганлигини нақл этади. У эркак зотига яқинлашмасдан ҳомиладор бўлган. Шунинг учун у кишидан дунёга келган ўғилнинг нафаси ўликни ҳам тирилтирувчи бўлган экан. Руҳуллоҳ – Исо (а.с)нинг лақаби, унинг илоҳий Руҳга мансублигига ҳам ишоратдир. Қитъа сўнггида ҳазрат Навоий бу ҳолга нопок вужуд ила етишиб бўлмаслигини қайд қилганлар. «Ўзи поку, кўзи поку сўзи пок» аёл қиёфасида бобомиз ёлғиз оиланинг эмас, миллатнинг равнақини ҳам назарда тутган бўлсалар керак.





«ТОЖ КҮП ДАРДИСАР БЕРУР...»

*Тож күп дардисар берур бизга,
Зулмидур ақлу хуш торожи.
Бошимиздин бу тожни кам қил,
Барча гар бўлса салтанат тожи.*

Тождорлик тарихи – бир сўз билан айтганда, дардисарлик тарихи. Тожу таҳт ташвишлари учун қанчадан-қанча қабиҳ ишлар қилинганд. Қанча қонлар оққан. Неча юз минглаб меҳнаткашларнинг бошига мусибат ва кулфат тошлари ёғилган. Тож «мехри» узлуксиз тарзда кин ва адоват алангаларини пайдо этган. У отани ўғилга, ўғилни отага душман қилган. Эллар ва элатлар ўртасидағи қирғин, урушларнинг кўпчилигига тож «ҳирси» сабаб бўлган. Тож мазмунан зулм ва зўрликдан ажралмасдир. Тарих китоблари бу зулм ва зўрлик воқеаларига тўлиб кетган. Лекин ҳазрат Навоий ушбу қитъасида тожнинг одамларга «кўп дардисар» беришини қайд этарканлар, «Зулмидир ақлу хуш торожи», дея фожианинг туб асосини ҳам очадилар.

Тожи таҳтнинг энг даҳшатли зулми – инсон ақлу хушини ғорат қилишидир. Ақлу хуш торож бўлдими, ҳамма-ҳаммаси яксондир. Улуғбекдай аллома отасининг қатлига бош қўшган падаркуш Абдулатиф ақлу

хүшини нима торож этган эди? Албатта, тож! Тож
ғафлати кўзига парда тортмаганида Ҳусайн Бойқаро
суюкли набирасининг жаллодига айланармиди? Ҳаз-
рат Навоийнинг:

*Бошимиздаги бу тожни кам қил,
Барча гар бўлса салтанат тожи, –*

деган гапни айтиши ўша замон учун катта жасорат эди.





«ИЛМИ ДИН КАСБ ҚИЛКИ...»

*Илми дин касб қилки, суд эрмас,
Чарх мушкүлларини ҳал қилмоқ.
Лекин ул илм доғи нафъ этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ.*

Ҳадислардан бирида: «Аллоҳ таолодан фойдали илм сўрангиз ва бефойдасидан сақланингиз», дейилган. «Чарх мушкүлларини» ҳал қилмоққа ёрдам бермайдиган илмларни ҳазрат Навоий бефойда илм деб ҳисоблаганлар. Ва бундай илм билан машғул бўлмоқни мақсадга айлантирмасликка чақирган. Бундан мурод, қайси шакл ва қай жиҳатдан бўлмасин, фанга, охир-оқибатда ҳалққа фойда етказишdir. Ҳаёт ва онг тараққиётига хизмат қилмаган илм – илмсизликдан ўзга нарса эмас. Тараққиёт учун эса билишнинг ўзигина кифоя этмайди: билимга яраша амал ҳам керак. Элу юртга илмдан етадиган наф – бебаҳо. Бу маънавий фойданинг ўрнини бошқа ҳеч нима тўлдира олмайди. Шунинг учун ҳазрат Навоий алоҳида урғу билан:

*Лекин ул илм доғи нафъ этмас,
Билибон бўлмаса амал қилмоқ,—*



деб ёзган эдилар. Билган нарсани биламан, билмаганни билмайман дея олиш, мана шу ҳақиқий билим. Билим даражасига мувофиқ амал ва ҳаракат, бу, чин олимга хос фазилат саналади.





«НИҲОНИЙ ИГНА САНЧАР ЁРЛАРДИН...»


*Ниҳоний игна санчар ёрлардин,
Адуваш новак афганлар кўп ортуқ.
Мунофиқ шева золим дўстлардин,
Мухолиф табъ душманлар кўп ортуқ.*

«Дўст билан обод уйинг, гар бўлса, у вайронга ҳам...» деганда Эркин Воҳидов ҳақ. Дўст – кўнгил уйининг ободлиги. Дўстлик сиймосида жаҳоннинг энг улуғ қувончларидан бири акс этади. Лекин бу гаплар чин дўстликка тегишли. Ҳақиқий дўстликни донишмандлар икки вужуддаги битта қалб, дейишган. Ўртада эътиқод ва маслак бирлиги бўлмаса, дўстлик йўқ. Одамни одамга яқинлаштирадиган хислатлар кўп. Но-донни нодонга нима яқин қиласди? Гумроҳлик. Жаҳолат. «Жаҳолат деб ўқумаган, ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонликни айтилур, дейди Абдулла Авлоний. – Жаҳолат инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур». Ёмон хулқларнинг топиши туви ҳамма пайт ёвузлик ва пасткашлик равнақига хизмат қиласди. Мана шунинг учун оломон ўртасидаги дўстликдан эҳтиёт зарурдир.

Дўстликнинг узилмас ришталари: меҳр, имон, диёнат ва виждан уйғуналиги. Аммо унинг олтин ҳалқа-

лари – Ватан туйғуси ва халқ ишқидир. Ватан эрки ва халқ истиқболи дардидә ўртандын курашчан юраклар топишувиғина оқибатли ва дүстликда ажралмасдир. Бундай ҳолатда риёкорлик қилиб бўлмайди. Хиёнат ўз вижданингга хиёнатга айланади. Аммо ҳаёт шафқатсиз. У негадир том маънодаги ёру биродарлиқдан қизғанади. Дўст тимсолида қўпинча эътиқоди суст, маккор кимсаларни кишига рўбару этиб қўяди. Ҳазрат Навоий бизга танитиб кетган «ниҳоний игна санчар ёрлар» ҳам айни шу тоифа кимсалардандир. Улар гўё зоҳирдан садоқатли дўст. Лекин ичдан душман. Буни сир тутмоқ учун турланиб, риё йўлкаларидан мунофиқлик кўчаларига чопиб яшашади. Мир Алишер Навоий бундай «дўст»дан ошкора ўқ узувчи душманни кўп афзал бил, дейдилар. Душман ўз номи билан душман. Унинг бутун қилмиши кишини ҳушёрликка, қарши чоралар кўришга ундан туради. Мақсади бузук мунофиқ «рафиқ эса сизни ғафлатда қолдиради. Ундан зулм кутилмайди. Бироқ у кутилмаган жой ва хаёлга келмаган томонлардан жабру жафо ўтказади. Ҳуллас, «ниҳоний игна санчар» «дўст»лардан қанча тез узоклашилса, ўшанча яхши ва фойдалидир.





«ЭЙ НАВОЙЙ, ОЛАМ АҲЛИДА...»

*Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.
Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.*

Тама билан таъна сўзлари бир-бирига яқин сўзлардай туюлади менга. Бунинг сабабини шундай изоҳлаш мумкин: таманинг катта-кичиги бўлмайди. Бирордан бир хас тилаш ёки арзимас манфаатга кўз тикиш ҳам тами. Шуларнинг орқасида таъна, ҳам яшириниб ётади. Бир кун бўлмаса, бир кун бу таъна, эҳтимолки, тош бўлиб отилар. Эҳтимолки, найза сифатида кўнгилга санчилар. Юракни ана ўшандага пушаймонлик эзади. Таманинг тескари натижаси доимо оғули. Ана шу оғудан ҳазар этмоқ керак.

Тама қандай туғилади? Унинг дояси манфаат ҳирси. Нафс рағбати. Очкўзлик. Тама – бойлик, мансаб ва шуҳратга ўч кимсаларнинг ёсуманидир. Уларни тинимсиз аврайди, йўлдан оздиради. Тама қилишни – инсоннинг ўз хоҳиши билан тубанлашуви, ўзи истаб, одамийлик ҳиссиётларини таҳқирлаши деб қараш лозим. Ҳазрат Навоийнинг «олам аҳлида тамасиз» киши йўқ, дейиши кимларгадир кескин даъво бўлиб

туюлгандир. Лекин Навоий замонидан беш юз йил берида туриб – инсоният психологияси ўрганилса, дея тахмин этайлик: «Оlam аҳли» ўртасида ҳақиқий маънодаги тамасиз зотлар топилармикин? Балким топилар. Ҳазрат Навоий даврида ҳам қаноати улуғ кишиларнинг сони ҳозиргидан кам бўлмагандир. Бироқ тамадан бутунлай озод одамлар сони тамапарастларга нисбатан барибир кам. Доимо ноёб бўлган улар. Шунинг учун бобомиз қатъий равишда: «Эй Навоий, олам аҳлида тамасиз йўқ киши», деганлар. Ва тамасизликда олий шараф кўрганлар:

Ҳар кишида бу сифат йўқтур, анга бўлғай шараф.

Шу ўрнида бир савол қўяйлик: «Тарки тама» нега шараф келтиради? Негаки, у «улуғ ишдур». Бу ишни ҳазрат Навоий улуғ билганлар.

*Сен агар тарки тамаъ ҳилсанг, улуғ ишдур буким,
Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен бир тараф.*

Сўнгги сатр қитъанинг илк мисрасидаги фикрнинг тўғрилигини ҳам тасдиқлади, ҳам гўё исботлайди. Чунончи: тамагирлар дунёсида тамадан фориғ кишининг пайдо бўлиши ўз-ӯзича катта воқеа. Унинг ўзи маънавий-ахлоқий бир қутбни ташкил қиласди, Демак, олам аҳлининг барчаси – бир тараф, унинг ёлғиз ўзи – бир тараф. Ҳазрат Навоий қуйидаги қитъада яна тама туғрисида ёзадилар:

*Навоий, тاماъ тухмин сочма күп,
Риё ашкىдин анга сув очма күп.
Амал мазраъин эккали берма ер,
Хавоу ҳавас хирманин елга бер.*

Бу шеърдаги маъно олдинги қитъага қараганда образли тарэда ифодаланган. «Тама тухми», «риё ашки», «амал мазраъи», «хавоу ҳавас хирмани» – булар истиоравий иборалар бўлиб, образли моҳиятга эга. Ўкувчи «тамаъ тухми» нима эканлигини аниқ тасаввур қила олмайди. Лекин фикр юритса, бу «тухм» қабиҳ бир нарсалиги, риё «суви»сиз униб-усмаслигини дарров тушунади. Ва «Тама бу, риёкорлик ҳамдир», деган хуносага келади. Мазраъ – экинзор. Бобомиз күнгилдан амал «мазраъ»ига ер бермасликка чақираётىрлар. Мана шунда «хавоу ҳавас хирмани» ҳам ўз-ўзидан елга совиленган бўлади.





«КҮРУБМЕН ОНЧА ҒАМУ ДАРД ОШНОЛАРДИН...»

*Күрүбмен онча ғаму дард ошнолардин,
Чекибмен онча алардин алам, ано бирла.
Ки түшсә жоним ажал селиға, эзур хўброқ
Ғарықлиқки, халос ўлмоқ ошно бирла.*

Инсон күнглига ёр-ошнолардан қанча ғаму дард етса, у қалбан ўшанча ёлғизлашади. Бундай танҳолик бора-бора ҳар қандай ошнодан ўзни четга олишни мажбуриятга айлантиради. Шеър қаҳрамони шундай ҳолатдаги киши. У яқин одамларидан анча қайғу ва озор кўриб, бундан ҳам ортиқ алам чеккан. Унинг «кўрибмен», «чекибмен» дейишидан ички бир ҳазинлик ўқ-сиклик англашилади. У жони ажал селига ғарқ бўлганда ҳам «ошно бирла» «халос ўлмоқ»дан ўша селга чўкиб ўлмоқни «хўброқ» ҳисоблайди:

*Ки түшсә жоним ажал селиға, эзур хўброқ
Ғарықлиқки, халос ўлмоқ ошно бирла.*





«МЕНКИ ЎЛДУМ ДАҲР ЭЛИГА ОШНОЛИФ РАНЖИДИН...»

*Менки ўлдум даҳр элига ошнолиғ ранжидин,
Қилмағаймен ошнолиғ, гар Масиҳ ўлсун яно.
Ошнолардин, тилармен, айласам бегоналиғ,
Қайда мумкин бўлмоғим бегоналарга ошно.*

Бу қитъада «ошнолиғ ранжи»нинг кўлами янада кенгайган. Энди шоир «даҳр элига» яқинлик оқибатидан нолиётир. Унинг ишончлари олам ва олам аҳли учун «қоида» тусини олган. Мехрсизлик, оқибатсизлик кўнгилни эзган. У «ошнолиғ» роҳатидан бутунлай воз кечмоқчи. Умуман, унда «ошно» деган сўзга ишонч хисси сўнган. Шунинг учун у ҳеч иккиланмасдан.

*Ошнолардин тилармен, айласам бегоналиғ
Қайда мумкин бўлмоғим бегоналарга ошно,-*

дейди. Хўш, одам зотидан шу қадар ҳам безиш ва қочиши керакми? Бундай шеърларни ўқигандаги жисмоний танҳолик атрофидагина фикрламаслик лозим. Одам маънавий ҳаётида ички ёлғизланишнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ёлғизланиш сабабларини тўғри идрок эта олган қалб идеал ахтаради. Бундай қалбнинг йўли

- Әдәк иули. У ошно-ю бегоналардан узоклашган сайин ҲАҚИҚАТга күпроқ яқынлашади. Шунинг учун «Ошнолардин тилармен, айласам бегоналиғ» деган қаноат билан ҳасрат чекаётган кишига улуғ ОШНОсини топган Шахс сифатида қараш керак булади. Чунки у ақл ва руҳ ҳаракатлари түхтаб қолган ҳар қандай одамдан фарқли үлароқ, Ҳақ манзилларига ошиқаётган ёки үша жойларда роҳатланаётган комил инсондир.





«ДУР АНГА НА СҮЗ СИФЛАИ НАҲС ДЕБ...»

*Дур анга на сүз сифлаи наҳс деб,
Қилур туркү ҳиндуға зоҳир нифоқ.
Биайниҳ анингдекки, сичқай чибин,
Оқ узра қарою, қаро узра оқ.*


«Сиз нимани тушунмасангиз, у сизга бегона», дейди И.Гёте. Билимли ва доно одам тушунмаганини тушуниш учун интилади, чора ахтаради. Жоҳил ёки нодон кимсалар билимсизликларини гумроҳлик билан «тўлдиришади». Натижа нима бўлади? Нодон нимани англамаса, уни қоралайди. Гумроҳга нималарки бегона кўринса, уларга душманлик кўзи билан қарайди. Қитъада ўзига «на сўз»ки йироқ сезилса, уни бутунлай йўққа чиқарувчи фосик фош этилган. Унда таъкидланишича, бундай кишилар фитна қўзғовчилардир. Улар ақллари етмаган ҳақиқатларни ерга уриш билан қаноатланмасдан, «туркү ҳиндуға нифоқ» ҳам зоҳир қилурлар. Бундай товламачилар ҳаммаёқни булғовчи чивинга ўхшайдилар.



«МАЖОЗДИН МАНГА МАҚСУД ЭРУР ХАҚИҚИЙ ИШҚ...»

*Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафъ улки беҳақиқат эрур.*

Маълумки, Шарқ шеъриятида ишқий ғоя ва образлар икки йўналишда талқин этилган. Биринчиси, мажозий ишқ. Бунда одамнинг одамга, ташқи оламга муҳаббати куйланган. Иккинчиси, олий идеалга – Ҳаққа бўлган севгини англатувчи илоҳий ишқдир. Бу ишқ «ишқи ирфоний», «ишқи маънавий» деб ҳам юритилган. Ҳақиқий сўфий шоирлар илоҳий ишқни мажозий ишққа дахлдор ҳисобламаганлар. Уларча, шаҳвоний ҳирслар аралашган ишқ – тубан ишқ. Илоҳий ишққина одам қалбининг ҳаётбахш нури ва покиза руҳидир. Бу нур эса Тангри жамолида зухурланади. Шунинг учун туну кун ҳусн ва латофатда tengi топилмас маъшуқа Тангри висоли дардида ёнмоқ керак. Қитъада мажозий ишқ билан илоҳий ишқни бир-бирига зид қўювчиларга муносабат билдирилган. Мажоздан мақсад ҳақиқат. «Гар инсон идрок эта олса», айни ҳақиқатдур мажоз. Ҳазрат Навоийнинг нуқтаи назарлари ана шу. Навоийшунос



Ё.Исҳоқов қайд қилганидек, Мир Алишер Навоий ма-
жозий ишқни «ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки
ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида»
баҳолайди. Лекин улар ўртасида қатъий чегара ҳам
қўймайдилар. Шунинг учун ҳам ул зот:

*Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошиқ.
Қилур мажозни нафъ улки беҳақиқат эрур,—*

деган эдилар. Ҳазрат Навоий шеъриятидаги ошиқ
мажоздин «ҳақиқатқа йўл» топган, дунё ва одам қисма-
тига қарашлари ниҳоятда кенг лирик характердир. У
инсонни севиб, Аллоҳни унутмайди. Худо муҳаббатида
ўртаниб, инсоннинг улуғ ва шарафли зот эканлигини
ёддан чиқармайди. Биз улуғ бобомиз шеърларини
ўқиб, улар устида мушоҳада юритганимизда мана шу
томонга ҳам жиддий эътибор қилишимиз шарт.





«ТУХФАЛАРКИМ ЮБОРДИ ҚАЙСАРИ РУМ...»

*Туҳфаларким юборди қайсари Рум,
Бурса жинси фаранг дебоси.
Турфа кўргилки зумраи ислом,
Анга солди фаранг яғмоси.*

Эски хитой файласуфи Лао Эрни замондошларидан бири «Қанотли арслон» деб таърифлаган экан. Чиндан ҳам унинг жасурлиги илми ва ҳурлигидан юқори бўлган. «Файласуфлар бир-бирини севиш учун туғилмайди. Чунки бургут биргаликда парвоз қилмайди», деган фикр ҳам худди шу файласуфнинг феъл-атвoriga мувофиқ келади.

Кунлардан бир кун бир йифинда у, «Мени ҳеч ким ғолмайди», дебди. Шунда ғаним ва мухолифлар, «Нега енгилмас экан? Ким у? Жавоб берсин!» деб ғавғо бошлишибди. Ташланишлар кучайса ҳам Лао Эр ҳеч физ очмабди. Аммо охири жавоб беришга мажбур ўлгач, ўртага чиқиб, «Мен, ахир, енгилганман...», дебди. Ана шунда ғанимлар гап нимадалигини фаҳмлаб, ўюк қудратга таслимият түғрисида бош қотиришга пришиб кетишибди. Алишер Навоийнинг руҳида ҳам, нёқарашида ҳам ўша қадим хитой файласуфининг яқинлик бор. Чунончи, Навоийнинг кўпдан-кўп

фикр ва тушунчаларида Ҳаққа содиқликдан туғилган ғолиблик мавжуд. Шунинг учун уларнинг баъзилари чинакам башорат моҳиятига эга.

«Наводир уш-шабоб» девонидан жой олган ушбу китъада ҳам тарихий бир башорат мазмуни яширин, деса ғалат бўлмайди. Унда айтилишича, қайсари Рум, яъни Турк султони Ҳиротга, аниқроғи, Султон Ҳусайн Бойқаро саройига Бурсада тўқилган нафис ва чиройли фаранг матоларини тухфа қилиб юборади. Ҳар хил даражадаги маҳаллий амалдорлар учун ўша матолар, албатта, қизиқ кўринган. Лекин Навоий қизиқишининг ҳорисликка айланганлигига эътиборни қаратади. Ва бу ҳодисанинг замирида мусулмонлар жамоасининг «фаранг яғмоси»га гирифтор бўлишини хаёлидан ўтказди. Бу ҳақиқат тарихчи А.З.Валиди Тўғон томонидан қуйидаги тарзда изоҳланган: «Оврупонинг саноат молларига қизиқиш Ўрта Осиёда ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошланганди. Ҳатто Истанбулдан Ҳиротга олиб келинган бундай қимматбаҳо нарсаларнинг кўпи «фаранг шойилари» эди. Алишер Навоий Фотиҳ Султон Маҳмуд томонидан Ҳиротга жўнатилган фаранг молларидан иборат ҳадялардан баҳс юритар экан, бу матолар воситаси илиа фарангларнинг ислом оламини яғмо этишга киришганликларини шоирона бир зайлда ифода қилгандир».

Дунёда босқинчилик ва қарамлик тузоғига туширишнинг йўли ёки усули фақат ҳарбий зўравонлик эмас, балки илм-фан, маданият, санъат ниқобидаги яғмолар ҳамdir. Миллат ўзлигини ич-ичдан емирувчи

бундай ҳодисаларни туркий халқлар тариҳда бир неча бора бошдан ўтказишган. Алишер Навоийнинг доҳий шоирлиги шундаки, Оврупога тобеликка томон очилган мусулмон дунёсидаги бир «дарча»ни ўз вақтида бехато билган ва элу улусни бундан огоҳлантирган. Кейинги асрлардаги воқеа-ҳодисалар Навоийнинг ҳақлигини тўла-тўқис тасдиқлаган бўлса-да, донишманд шоир ишорат ва огоҳликка чорловидан зарур даражада хулоса чиқарилмаган. Оқибатда эса Ғарбнинг кийим-кечак ва ҳар турли жиҳозларига ошуфталик олдинги замонлардагига нисбатан шиддат ила кучайса кучайганки, пасаймаган.

«Бадоеъ ул-бидоя»да Ҳусайн Бойқаро саройида вазирлик мартабасигача кўтарилиганинг энг бой-бадавлат сармоядори, шу билан бирга, беҳад маккор, фитнабоз зотларидан бўлган ва умри тасаввурга сиғмас фожиа билан якун топган Низомулмулкка бағишлиб битилган бир шеър бор. Тўрт байтли ушбу қитъада Низомулмулкнинг қандайдир сирли қилмиши боис шарманда ва бадном бўлганлиги фош этилган.



«СОҲИБИ АЪЗАМ НИЗОМУЛМУЛК...»

*Соҳиби аъзам Низомулмулк, чунким бўлди азал,
Ҳажсвlar қилди Уторуд чархи қажрафторни.*

*Чун ҳаводис тунбоди эсди, барбод айлади,
Йўқки муҳру дафтару зилуча, йўқи борни.*

*Банду тутқунлуқ бас эрмас эрдиким, беморлиғ
Бир йўли солди аёқдин ул фақири зорни.*

*Келтуурлар сўрголи девонға они хожалар,
Воқеан бу навъ сўргай дўстлар беморни.*

Қитъа мазмунидан англашилаётирки, нечоғли ҳийлагар ва айёр бўлмасин, ўзи ҳеч кутмаган бир тарзда Низомулмулк тумшуғидан илиниб, обрў-эътибор, мартаба ва мавқедан ажралиб, хору залил аҳволга тушган. Ўзининг ашаддий душмани ҳолатига ҳам Навоий барибир ачинади ва:

*Банду тутқунлуқ бас эрмас эрдиким, беморлиғ
Бир йўли солди аёқдин ул фақири зорни, –*

дейди. Ҳуш, соҳиби аъзам Низомулмулкнинг омад, ютуқ, шон-шуҳратини ерга қориштирган ушбу воқеа қандай воқеа эди ва у қачон содир бўлган эди?

«Бу қитъа (яъни юқоридаги қитъа – И.Х), ўз мазму-

нига кўра, – дейди А.Абдуғафуров, – Низомулмулкнинг биринчи таназзули – хукмрон қаҳрига учраши муносабати билан ёзилган. Академик В.В.Бартольднинг Мирхонд ва Ҳондамир маълумотлари асосида ёзишича, бу воқеа 1478 йилда юз берган». Умуман қаралганда, мазкур мулоҳаза ҳақиқатга анча яқин. Шунинг билан бирга, унда тўла ишонишга монелик қиласиган нуқталар ҳам бор. Масалан, шеърнинг сўнгги байтини олайлик:

*Келтуурлар сўргали девонға они хожалар,
Воқеан бу навъ сўргай дўстлар bemorni.*

Агар ўшанда Низомулмулк чиндан ҳам «ҳукмрон қаҳрига» йўлиққанда, масала тез ҳал бўлиб, албатта, у жазосини олар, хожалар томонидан сўроқ ва тафтиш қилишга ҳожат қолмасди. «Воқеан бу навъ сўргай дўстлар bemorni» деган таъкид ҳам бунда бошқа бир сир мавжудлигидан далолат беради.

Бандасига хос риё ва мунофиқлик ҳолини эринмай ўрганган аллома Ҳорис-бин Мухосибий турли ижтимоий табақага мансуб иккюзламачиларни бир неча гуруҳга ажратади. Унингча, уларнинг бир жамоаси ўлкада улкан мавқе ва шуҳрат соҳиби бўлиш учун мансаб кетидан қувиб, мақтов ва эҳтиромга бурканишни кўзлайдиган, худди шуғараз илиа ҳукмдорларга танилиш, улар ишончини қозониб, яширин орзу-истакларини рўёбга чиқариш фурсатларидан усталик билан фойдаланувчи кимсалардир. Низомулмулк шунақа кишиларнинг ҳам энг қуви ва тажрибалиси эди.

Бироқ шуни ҳам эслатиш керакки, В.В.Бартольд баъзи тарихий манбаларга суюниб, Низомулмулк шахсиятига хос бир қатор фазилатларни тилга олади ва Муҳаммад Исфизорий ўзининг Ҳирот тарихи мавзусидаги китобини унга бағишилаганини ёзади.

Низомулмулк қанчалик олижаноб, саховатпеша, фажирпарвар қиёфада кўринган бўлмасин, бир ҳақиқат жуда аниқ: у Ҳиротда Навоийга қарши тиш қайраган, шоирнинг қадамини ўлчаб, ортидан фисқу фужур тарқатишни мақсад қилиб олган амалдорларнинг пешволаридан эди. Ўз манфаати, шон-шуҳрати йўлида у ҳамфикр ва ҳамтовоқларини ҳам аямасди.

Устод Садриддин Айнийнинг ёзиича, Низомулмулк саройда Мажидиддин қўл остида фаолият юргизаётган пайтларда яширин равишда подшоҳга ундан мудом арз ва шикоят қилган. Охири сultonга у Мажидиддиннинг хиёнаткорлигидан, огоҳлантирувчи ариза киритади. Ҳусайн Бойқаро эса уни Мажидиддиннинг ўзига беради. Шундан сўнг Мажидиддин ишга киришиб Низомулмулкнинг ўғиллари, амалга қўйган яқинларини бирин-кетин қамоқقا тикиб, мол-мулкларини мусодара эттиради. Ва рақибини тамоман обрўсизлантириш ниятида шаҳардаги катта чорсунинг бошида бир кун мобайнида уни боғлатиб қўяди. Лекин Навоий қитъасининг ёзилиш тарихи, бизнингча, Низомулмулк ҳаётидаги ўзга бир қаллобликка дахлдор. Ўзининг пайғамбар наслига мансублигини исботлаш иштиёқида у сохта бир бир шажара туздиради ва уламо ҳамда шайх ул – исломдан

уни тасдиқлатиб олади. Иш янада пишиқ, яна ҳам ишончли бўлишини ўйлаб, буюк шоир Абдураҳмон Жомийдан шажарага имзо чекишини илтимос қилиб, унинг ҳузурига одам жўнатади. Жомий эса илтимосини рад этиб, Низомулмulkка қўйидаги тўртликни ёзиб юборади,

*Онро, ки бувад нури наби дар башара,
Ҳожат нобувад ба тўли арзи шажара.
В-онро, ки зи рух натобад ин нури сара,
Шажара надиҳад бағайри лаънат самара.*

Мазмуни: «Кимнинг юзида пайғамбар нури жилваланса, шажарани қуролу қалқон айлашга ҳеч ҳожат сезилмайди. Ва чеҳра ўша мусаффо нурдан маҳрум бўлса, шажара лаънатдан ўзга бир самара бермайди». Оқибат айнан Жомий айтгандек бўлади: сир очилади. Қаллоблик бошига маломат ва лаънат олиб келган Низомулмulk диний маҳкамага тортилади. Зеро, бу каби сохта шажара ва васиқалар, аввало, бойлик ортириш учун, кейин ўз мазҳабини кўтариш ғаразида, ниҳоят насаб эътибори ила юқори туриш даъвоси билан тартиб берилган.

Яна Жомий рубоийсига қайтсак. Бу шеър шоирнинг «Фотиҳат уш-шабоб» девонидан ўрин олган. Девоннинг дастлабки нусхаларини кўздан кечирган киши уларда уни учратмаслиги ва шу боис бошқача фикрга бориши муқаррар. Таниқли жомийшунос Аълоҳон Афзаҳзоднинг маълумоти бўйича, «Фотиҳат

уш-шабоб»ни Жомий уч бора янгидан тартиб берган. Охирги таҳрир ва тўлдириш ишлари эса Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан 1479 йил амалга оширилган ва Низомулмulkка бағишилаб ёзилган рубоий ана шунда девонга киритилган. Навоийнинг қитъаси Жомий рубоийсидан сал кейин ёзилгани инобатга олинса, «Бадоеъ ул-бидоя» ҳам 1479 йилда тузилган, дейишга тўғри келади. Албатта, Низомулмulk ҳам бўш келадиган ва осонлик билан таслим бўладиган кимсалардан эмасди. У мушкул вазиятдан қутулгач, Жомий ва Навоийга қаратилган ифво, тухмат, хусумат ҳужумларини зимдан кучайтириб юборган. Бунда у ўзини шоир ҳисоблаб юрган гумашталарни ҳам ишга согланлиги, бироқ дили, фикри очиқ одамлар уларнинг гапларини эътиборга олмаганлигини қадимий баёзлардан биридаги мана бу рубоий ҳам ҳар қалай тасдиқлайди:

Коҳию Ғизолий он ду лояъқили маст
 Дар ғийбати Жомию Навоий зада даст.
 Дар даҳр касе ба мисли эшон нагузашт,
 Коҳий, чу хас асту ҳам Ғизолий чу саг аст.

Мазмуни: «Коҳий ва Ғизолий деган икки ақлсиз маст Жоми-ю Навоийни ғийбат қилиш билан машғулдирлар. Дунёда улар каби ҳеч нокас яшаб ўтгани йўқ. Коҳий дегани бир хас бўлса, Ғизолийси итнинг айни ўзидир».

Американинг файласуф адаби Ралф Эмирсон ёзади:

«Агар одам бузилса, унинг тили ҳам, албатта, бузилади. Қачонки, инсонни олий ва покиза ҳис-түйғулар эмас, балки молпарастлик, кайфу сафога ташналик, моддий күдрат сохиби бўлиш, шон-шуҳрат орзуси бошқарса, унинг қалби самимиятни йўқотади, фикр-қарашлари мустақилликдан ажралади. Қачонки, самимилик ва ростлик ўрнини иккюзламачилик ва ёлғон эгалласа, киши иродасизлик оғатига йўлиқади». Навоийга ҳасад ва шафқатсизлик билан ташланган кимсалар ана шунақа маънан афтода, иродасиз зотлар эди. Навоий улар билан мансабу мартаба, мулк ва обрў-эътибор талашганми? Йўқ, албатта. Мутафаккир шоир, деярли, бутун ҳаёти мобайнида амал ҳирсига ён бермаган. Қандай қилиб бўлса ҳам расмий мақомдаги вазифани қабул этмасликка уринган. Амирлик мансабига тайинланиш тўғрисидаги буйруқни қабул этишдан ҳам у аввал бош тортганлиги маълум.

«Вақфия»да: «Илгимдин келгунча зулм тифин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиқом марҳамин қўйдим», дейди Навоий. Зулм қиличини синдириб, мазлум кулфати ва ҳақ-хуқуқи учун интиқом олмоқ – Навоий душманларининг йиртқичлигини ошириб-тоширган асосий сабаблардан эди. Ҳолбуки, Навоий бу дунёning ғанимликка чорловчи майда манфаатларини назарга илмаган. У фақат Мажидиддин ё Низомулмулкка эмас, Е.Э.Бертельс сўзлари билан айтганда, «давлат вазифасини шахсий бойлик тўплаш воситаси деб билган барча мансабдорларга қарши курашган». Бу курашда ҳамма вақт ҳам ғолибликка эришилмаган ва эришили-

ши мумкин ҳам эмасди. Ҳаёт ва умр тажрибаси буюк шоирни кўпдан-кўп қийинчилик, зиддиятли ҳолатларга кўнишиш ва уларни борлигича қабул этишга ўргатганди.

*Эй Навоий, гар десанг, кўп инжимай давр аҳлидин,
Ҳар не дерлар, ё қилурлар қилмағил парво басе.*

Баъзан бепарво бўлишдан ўзга чора ҳам йўқ эди. Низомулмulkнинг 1490 йили яна вазирлик лавозимини згаллаши, ҳеч шубҳасизки, Навоийни қувонтирумаган. Лекин даҳри дун ўйинларини англаб етгани боис бундан у ортиқ ранж ҳам чекмаган. Фақат «Ҳазойин ул-маоний»ни тузәтганда Низомулмulk ҳақидаги қитъани девонларидан ҳеч бирига киритмаган.

Навоий шахсиятининг улуғлиги ва куч-қуввати ҳам душманлар билан курашда ниҳоятда ёрқин кўринади. Чунки душман ва душманлик муаммосини теран талқин қилган Жалолиддин Румийнинг эътирофи бўйича, ғаним бўлмаса, шижаот руҳи сўнади.

*Дарҳақиқат, ҳар адудорийи туст
Кимёву нафеъу дил жўйи туст.*

Яъни: «Ҳақиқатда ҳар бир душман сенинг дори-ю дармонинг, юрагингга тасалли ва мадор бағишлайдиган кимё шулардир», дейди Мавлоно. Навоий ҳам айни шундай нуқтаи назарга соҳиб бўлганлиги боис юрт, миллат, дин, илм-фан, адабиёт қайғуси билан

яшаган, ҳеч кимсага душман бўлмаган ва душман қиёфасида кўринмаган ҳам. Лекин улуғ шоирнинг ғарибона хулқини англайдиганлар жуда сийрак бўлган. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб, Навоий бир ўринда шундай деган эди:

*Тут ғариф ун била паймона манга,
Кўргузуб хулқи ғарифона манга...
Юзланиб шавкату жоҳу иқбол,
Қисматим бўлди басе мансабу мол.
Ҳар не эл қилди талаб, мен топдим,
Барчадин силкиб этак, кўз ёптим.*

Шоирнинг сермулоҳаза, зийрак замондошлари қандай ўйлаган, буни билмаймиз, аммо тўрт байти ўша шеър Навоийнинг башоратидан бир нишонадир. Уни ўқиганда ўз-ўзидан ҳар хил фикр, оғир мулоҳазалар туғилади. Айтайлик, Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг Низомулмulkка муносабатини холис баҳолаб, вақтида унинг кимлигини билганида Мўмин Мирзо қатл этилармиди? Мўмин Мирзо ўлдирилмаганда, ота – болага, бола – отага қилич қайраб, оға-инилар тахт талашиб, қон тўкмаганида гуллаб яшнаган қудратли бир салтанат парчаланиб кетмасмиди? Маълум бир маънода буларнинг бари Низомулмulkнинг касофати, подшоҳнинг одам танишдаги қатъиятсизлиги ва кечикишидан содир бўлган эди. Навоийга кимлардир чоҳ қазиган ва унга ўзи кулаган. Лекин улар орасида дорга осилиб, териси шилингани эса «соҳиби аъзам» Низомулмulkдир.



«РИЁЙИ КАЪБАДИН ДАЙРИ ФАНОФА...»

*Риёйи Каъбадин дайри фаноға
Кириб, гар бутқа зоҳир қилдим имон.
Мени ёзғурма, эй шайхи риёйи,
Мен гар кофур эдим, бўлдим мусулмон.*

Алишер Навоий бу қитъани қариллик чоғларида ёзган ва у «Бадоеъ ул-васат» девонига киритилган. Амалга ошириладиган ишда маълум бир мақсад бўлганидек, шеър ёзишда ҳам мақсад бўлади. Мақсад қанча аниқ, қанча теран шаклланса, шеърнинг таъсир даражаси ўшанча баланд, ўшанча фойдали бўлади. Ушбу қитъани ёзишдан қўзланган ният риёни қоралаш, риё аҳлига муносабат билдириш. Риё иккюзламачилик, ёлғонни рост кўрсатишга уриниш, носамимилик, у ёки бу моддий манфаат учун маккорлик қилиш. Риё барча яхши ва гўзал фазилатларнинг кушандасидир. Риё жой топган юракда, албатта, ҳасад ва хусумат бўлади. Риё ҳар қандай одамни мунофиқликка ён беришга, тўғриликдан йироқлашиб, алдов ва мунофиқлик йўлига киришга мажбур этади. Қайси жойдаки, одамлар ўртасида ихтилоф, келишмовчилик, ишончсизлик, манманлик ва бўхтон бош кўтарса, ўша ерда риё бор. Аллоҳнинг расули риёни «яширин ширк», деб баҳолаган эканлар.

Зеро, риё ва дин, риё ва имон бир-бирига мутлақо қарши тушунчалардир. Сўзида, амалида ва ҳолида риё аралашган кимсаларнинг тили дилига, зоҳири ботинига ҳеч қачон мувофиқ келмайди. Ана шунинг учун маломатийлар ибодатни, зуҳд ва тақвони ёки бошқа ижобий ҳолларни кўз-кўз қилмасдан, риёни билиш ва риёга қарши курашишга даъват этганлар. Уларга кўра, инсон риёнинг ҳар қандай турини томиридан қуритиб, ихлос соҳиби мақомига кўтарилимагунча, диний ҳаётда ҳеч нарсага эриша олмайди. Эришганда ҳам маҳдудлик ва зоҳирпастликдан нарига ўтмайди.

Илк дафъа сўфий лақаби билан танилган Абу Ҳошим Сўфийнинг нуқтаи назари бўйича, ихлосга эришишдан кўра риёдан қутулиш кўп мушкулдир. У риёни шу қадар чуқур тадқик қилганки, тасаввуф аҳли орасида «Абу Ҳошим бўлмаса эди, риёнинг яширин сирлари очилмасди», деган эътироф кенг тарқалган.

Албатта, сўфийлар ҳам, маломатийлар ҳам риёдан баҳс юритганда Қуръони Каримдаги фикр ва кўрсатмаларга асосланганлар. «Бақара» сурасининг 264-оятида буюрилмиш: «Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун берадиган, Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўқса чиқарманг! Зеро, унинг (риёкорнинг) мисоли худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайдики, унга шаррос қуйган ёмғир текканда қаттиқ-силлиқ тошлигича қолдирган. (Ундан риёкор) мунофиқлар яхши амаллар қилдик, деб ҳисоблайдилар, аммо қиёмат кунида

топган ва сарфлаган дунёларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар. Аллоҳ коғирларни ҳидоят қилмайди». Бу ояти каримада риёкорнинг «устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга» қиёсланиши бежиз эмас. Чунки силлиқлик, тилёғламачилик риёning биринчи талаблариданdir. Бундан ташқари, риёда ҳилм ўрнини қаттиқлик эгаллади. Аҳмад Яссавий, «Кўнгли қаттиқ халойикдин қочдим мано», деганда куфр ва риё аҳлини назарда тутган.

Навоийнинг қитъаси «Риёйи Каъбадин...», деган ибора билан бошланади. Очифини айтганда, бу ибора бир қадар ғалати эшитилади. Чунки Каъба муқаддас даргоҳ. Куръони Каримда айтилганидек, «Албатта одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги Муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи) бўлган Каъбадурки, унда мақоми Иброҳим (яъни, Каъбани қуришда Иброҳим алайҳиссалом оёқлари остида бўлган харсангтош, у тошдан ҳанузгача Иброҳим пайғамбарнинг оёқ излари кетмаган) ва унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши (каби) очиқ оят-аломатлар бордир...» (Оли Имрон: 96 – 97) Риё ва риёкорлик сидқ ва ихлосни очиқ инкор этмайди. Аксинча, энг муқаддас туйғу ва тушунчалар номи ила иш юритади.

Чин мусулмонга нисбатан риё аҳлининг Каъба зиёратига интилиши, балки устунроқ бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бундан ҳеч фойда чиқмайди. Навоий худди шу ҳолатни инобатта олиб ва худди шундай тоифадаги кимсаларга қаратса «Риёйи Каъбадин» қо-

чиб «дайри фаноға» кириб, «бут»га сиғинганлигини сўзлайди. Хўш, бу гапни қандай қабул этиш керак: бутпастлик маъносидами? Йўқ, албатта.

Дайр сўзи бир неча маънони билдиради. Булар: бутхона, майхона, зовия, инсонлик олами; ориф ва авлиёлар тўпланадиган жой. «Дайри фано» – ўзлиқдан кечганлар олами. Унда «бут»дан мурод нима? Бут сўзининг луғавий маъноси – санам. Бу сўз севгили, маъшуқ, матлуб мазмунида ҳам қўлланилган бўлиб, футувват аҳли «фато» (йигит)ни бутчироқ, ишқ жамоаси ошиқни бутпаст ўлароқ қабул этганлар. Тасаввуфда эса бут бу ваҳдад, илми илоҳийга ортиқ даражада иштиёқ сезган орифнинг кўнгли демак. Шундай қилиб, Навоий риёдан дин ва иймонни ажратса олмаганларга комил орифнинг маърифатини қарши қўймокда. Шоирнинг ишонч-эътирофига кўра, агар инсон орифлик йўлини танласа, орифи комилнинг кўнгил нуридан файз олса, у гарчи кофир эса-да, мусулмон бўлиши шубҳасизdir. Бундай ҳолатда ҳатто риёкор шайхнинг ёзғиришидан ҳам ҳеч қандай зиён етмайди:

*Мени ёзғурма, эй шайхи риёйи,
Мен гар кофур эдим, бўлдим мусулмон.*

Риё аралашган ҳеч бир ишда холислик бўлмайди. Риё дунё ишларини чигаллаштиради, одамларни билиб, кўриб туриб бир-бирига ёлғон сўзлашга, бир-бини алдашга илҳомлантиради. Мана шунинг учун ҳам риёning шакл-шамойили ва сирларини билиш,

энг хавфли душман сифатида ҳар ким унга қарши кураша олмоғи керак. Маломатийлар ўзининг қилган ишларига эътиборни тортган кимсани ғофил, қилган ишларидан қаноатланган ёки қувонганни риёкор, деб баҳолашган. Шу боис Боязид Бистомий «Инсонлар ичиди Аллоҳ ила орасида энг қалин парда тортилган кимсалар учдир: илми туфайли олим, ибодати боис обид, зухди туфайли зоҳид даъвосида бўлганлар», дейди. «Риёйи Каъба» ичиди димиқиб қолмаслик учун ҳам буни англаш лозим.





«ЧУ РАЗЛ ҲАВСАЛАСИЗДУР...»

*Чу разл ҳавсаласиздур, не тонг, агар ногах,
Етишса мукнат анга, аржуманд тутқай ўзин.
Чу сукр боиси нисён эрур ажаб эрмас
Ки, жоҳ ани маст айлагай, унумтғай ўзин.*

Инсон хулқ-атворини чуқур билиш, унинг ҳолини, аҳволидаги ўзгаришларни яхши англаш билан бевосита боғлиқдир. Алишер Навоий қитъа жанридаги шеърларида ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига дикқатни жалб этса-да, аслида, уларнинг аксариятида ҳолнинг сирлари, ижобий ёки салбий ҳолларнинг ақл ва ахлоққа кўрсатган таъсирлари ҳам тадқиқ этилади. Разл – паст, тубан, ярамас табиатли кимса дегани. Разолатга ўч, разиллик йўлидан юрган одамда ҳеч вақт очиқ ва мардона бир ҳаракат бўлмайди. У ниятини яшириш, пайт пойлаб кун ўтказишга маҳкум. Ана шу сабабларга кўра ҳам Навоий разлни ҳавсаласиз дея таърифлайди. Лекин бу алдамчи ҳавсаласизликдир. Тасаввур қилинг, бир пасткаш баландроқ бир амал ёки мартабага эришди. Нима бўлади? Унда биринчи кўзга ташланадиган кайфият иззатталаблик бўлади. Яъни, Навоий айтмоқчи ўзни «аржуманд» тутади.

Одамлар орасида «Амал ҳар қандай кишини ўз-

гартиради», деган қараш бор. Аслида, эса бу саёзлик, ожизлик, ҳавойилик, хусусан, разилликнинг юзага қалқишидирики, бунда амални айблаш ўзини унча оқламайди. Мансаб ва мартаба ўзни унутишга, «Ким эдингу, ким бўлдинг», деган савол хусусида бош қотирмасликка имкон беради. Бу эса мастлик ҳолатидан, деярли, фарқланмайди. Буни кўп маротаба кўрган, кузатган Навоий ёзади:

*Чу сукр боиси нисён эрур ажаб эрмас,
Ки, жоҳ ани маст айлагай, унутғай ўзин.*

«Нисён» ўзни унутиш. Ўткинчи дунё омадлари юз очганида тубан кимсалар ўзларини аржуманд этсалар бундан ажабланманг. Чунки улар ким эканликларини дарҳол эсдан чиқарадилар. Баланд амалу мартаба «шароби»дан маст бўлганлар, албатта, «унутғай ўзин», дейди донишманд шоир. Бу гап фақат ўтмишнинг эмас, бугуннинг ҳам энг муҳим ва долзарб гапидир.





«АЗ АВОМИ ТИРАЙИ ПУРҲИРСИ ДУНЁ ДУР БОШ...»

*Аз авоми тираийи пурҳирси дунё дур бош,
Гар ҳамехоҳи, ки гардад сад машакқат аз ту рафъ.
Дур будан беҳ зи ғавғои магас з-он рӯ, ки ҳаст
Беҳадат ранж аз ҳужумаш, лек не имкони нафъ!*

Қитъада тилга қораланаётган авом – онг ва идроки тийра тӯда. Унинг қонида молу дунё ҳирси ғалаён қилади. Унга яқинлашиш ранж ва машаққат туғдиради. «Агар юз машаққатдан қутулишни хоҳласанг, мана шу ҳарис оломондан йироқ бўл», деб ўгит берадилар бобомиз. Бу – биринчи байтдаги гап. Шеър тамсил усулида битилган. Мисол учун «магас» – пашша танланган. Пашшанинг ғавғоси, албатта, ёқимсиз. Тинғиллаши-ю, хирагидан кайфият бузилади. Нодон ва гумроҳлар ҳам шунаقا. Улардан қанча узоқлашилса, кўнгил ўшанча тинч ва осуда бўлади.



«ЧУ ОЛИМ АЗ ПАИ БОЛО НАШАСТАН...»

*Чу олим аз пай боло нашастан,
Ба ҳар мажлис равад хуш пой кубон.
На олим, жоҳилаш дон, он ки ўро
Намояд хуш ба жуз болои хубон.*

Олимлик – баланд маънавий-ақлий мартаба. Илм ахли бундан бошқа, дейликки, мансаб ёки иззат-эътибор баландлиги учун елиб-югурса, бу энди олимлик эмас, тубанлик, ўзига нисбатан золимликдир. Чин олим ёлғизликка мойилроқ бўлади, сокинликни хушлайди, мажлис ва йиғинларда кимлигини кўз-кўз қиласкермайди. Қолаверса, ҳар қандай ҳавойилик, ғайритабиий интилишидан олим киши малол туяди. Олимлик даражаси ва унвонларига соҳиб кўп одамларни мен биламан. Лекин улар орасида табиатан камсуқум, «тўрга» чиқишни ўйламайдиганларини ниҳоятда кам учратганман. Буни ўйлаганда ҳар доим Мир Алишер Навоийнинг ушбу қитъаси эсимга тушади. Унда таъкидлашича, агар олим тўрдан жой эгаллаш ғаразида «ҳар мажлис»га чопаверса, олимлик номи ҳам, шарафи ҳам унга ҳайф. Чунки у жоҳил. Унинг «илми» жаҳолатдан нишонадир. Бобомиз бундай ким-саларнинг фикр-қарашларини енгилтак гўзалларнинг тушунчалари билан тенг қўяди.



«СИҲАТ АР ХОҲИ, МАҚУН МАЙЛИ ТАОМ...»


*Сиҳат ар хоҳи, макун майли таом,
То набошад иштиҳои ғолибат.
Лек бояд даст аз ўвақти кашӣ,
Ки ба ҳӯрдан нафс бошад толибат.*


Шайх Саъдий ёзадилар: хурросонлик икки дарвеш сафарга чиқишибди. Улардан бири заиф бўлиб, иккинчиси семиз ва бақувват экан. Заиф кунора ифтор қилар, ҳамроҳи кунида уч маҳал овқатланаркан. Иттифоқо, уларни бир шаҳарда жосусликда айблашиб, битта хонага қамаб, эшикни лой билан шуваб ташлашибди. Орадан икки ҳафта ўтгач, уларнинг гуноҳсиз эканликлари маълум бўлибди. Эшикни очиб қарашса, ҳалиги заиф тирик, бақувват одам ўлиб ётганмиш. Бу ҳолдан ажабланишибди. Шунда бир донишманд: «Агар буларнинг қисмати аксинча бўлганида, таажжубланишга арзириди, зероки, улардан бири кўп овқатланишга одатланган эди, очликка бардош бера олмай ўлди. Буниси, овқатни жуда оз ейишга одатлангани учун сабр қилиб ўлимдан омон қолди», деган экан.

Қиссадан ҳисса маъносида Шайх Саъдий ҳикоят охирида тўрт қаторли шеър келтирганлар. Аммо шу шеър ўрнига Мир Алишер Навоийнинг шу қитъасини

ҳам қўйиш мумкин. Чунки ҳазрат Навоий илгари сурған фикр Шайх Саъдийникидан кескин фарқланмайди. Уларнинг иккаласида ҳам ният битта: «Қўп таом ейиш соғлиқни ейди. Нафси ғолиб кимса ажалга эртароқ мағлуб бўлади».

Ибн Синога нисбат берилган машҳур ҳикмат бор: одам еб-ичмоқ учун яшамайди, яшаш учун еб ичади. Кўнгил гушналиги – фикрлашдан тўхташ, дардсизлик. Назар ташланг, уларнинг, деярли, барчаси бир хилда лоқайд. Бир хилда ҳорис. Мир Алишер Навоий рубоийларидан бирида: «Тўқлуқ чу кўнгулни қаттиқ айлар, оч ўл», дейдилар. Мана, дили тош, дийдаси сувуқ кимсалар қандай пайдо бўлади. Улардан нима кутиш мумкин? Еб-ичиши, ухлаш, «турлук-турлук» кийим кийиш ва мол йиғиши – уларнинг «фаолият» майдони шу. Ҳазрат Навоий қитъасидаги маъни юзаки қаралганда унча чукурмасдай. «Сиҳат тиласанг, иштаҳанг оғзингга овқат тиқаверма. Лекин иштаҳанг бўлганда ҳам, меъёрини унутма, қўлинг ва оғзинг қанча вақтлироқ тийилса, ўшанча яхши», дейди шоир. Аммо бу насиҳатнинг замирида: «Нафсингга хилоф иш қил!» деган мазмун борки, унга амал этиш ҳам маънавий, ҳам жисмоний саломатликнинг гаровидир.





«МАҢНИЙИ ШИРИНУ РАНГИНАМ БА ТУРКЙ БЕҲАД АСТ...»


*Маңниийи ширину рангинам ба туркй беҳад аст,
Форси ҳам лаълу дарҳои самингар бингарӣ.
Гӯйиё дар раста бозори сухан бикӯшодаам,
Як тараф дӯкони қаннодию як сӯз заргарӣ.
З-ин дӯконҳо ҳар гадо коло күжо донад ҳарид,
З-он ки бошад ағниё, ин нақдҳоро муштари.*

Қитъанинг биринчи байти фахрия мазмунига эга. Бобомиз ифтихор ҳисси билан: «Туркий тилда ширин ва ранг-баранг маңнили шеърларим беҳаддир. Агар назар ташласанг, форсийда ҳам лаълу дур янглиғ қимматбаҳо шеърларимнинг қўплигига иноасан», дейдилар. Кейинги сатрларда шу ҳақиқат тасаввурий мантиқ ва манзарада исботланади. Яъни: шоир сўз бозорида ғаройиб бир дӯкон очган. Унинг бир томони ширинлик дӯкони-ю, иккинчи томони заргарлик. Лекин бу дӯконлардан бирор нима олмоқ учун кучли ақл, фаросат, ўткир назар керак. Ақли noctor, кўнгли ботил нодонларга эса йўл бўлсин, улар «дӯкон» оралаб шунчаки ўтиши ёки унинг атрофида ўралашиби мумкин, холос. Тафаккур эҳтиёжларини қондира олганлар эса, бой-бадавлат бўлишади.

Беш юз йилдан ортиқ вақт ўтибдики, бу гап ўзи-

нинг мазмуни ва аҳамиятини ҳаррача ҳам йўқотмабди. Дарҳақиқат, билиш, тушунишни қўя турайлик. Мир Алишер Навоийнинг ижодиётига яқинлашиш учун катта тайёргарлик керак. Буюк мутафаккир шоири-мизнинг асарларини англаш, уларнинг маъно қатламларини очиш, гўзаллик сирларидан завқланиш ва ҳайратланишдан ортиқроқ ғанийлик йўқ.





«ДУШМАН ГАР ҲАСУД ШУД НЕК АСТ...»

*Душман гар ҳасуд шуд нек аст,
Ки ба ранж ояд ўзи феъли бадаш.
Феъли ўёру душманат бошад,
Аз пай қасди жисмү жони худаш.*

Қайсиdir замонда учта ҳасадчи бир жойда топишиб қолишибди. Биринчиси: «Хеч кимга яхшиликни раво кўрмайман», деса, иккинчиси: «Бировнинг бировга яхшилик қилишига мутлақо қаршиман», дебди. Учинчиси эса: «Менга кимда-ким неклик қилса, ўша билан душман бўларман», деган экан. Мана, ҳасад нима ва ҳасадчи ким? Ҳасад онгдаги, қондаги иллат. Балки шунинг учун ҳасадчилар сўнгги нафасларигача бу офатдан кутула олишмас. Аммо «ичида тонналаб кўмир» тўпланган ҳасадчининг душманлигини сезганингизда, бир нарсани ҳисобга олинг: ўзингизни унга мутлақо душман билманг. Негаки, унга ўзидан ортиқ ғаним бўлмайди. У шўрлик ҳар соат, ҳар кун ичдан ўзини-ўзи тириклайн ейди. Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоий қитъасида: «Душманинг ҳасадчи бўлса, яхшидир», дейилган. Ва уни адойи тамом қиласиган қарши куч ёмон феъли деб кўрсатилган. Албатта, у ҳеч пайт, хулқини тузатиш бир ёқда турсин, ўзига танқидий ҳам қарай олмайди. Ёмон феъли – душмани унга йўлдош бўлгач, бу душман уни бир кунмас, бир кун яксон этиши англашиларлидир.



«ОЛИМУ ЖОҲИЛ АГАР ЧИ ҲАРДУ ЖИНСИ МАРДУМАНД...»

*Олиму жоҳил агар чи ҳар ду жинси мардуманд,
Фарқ бошад дар миён аз осмон то хоки рах.*

*Дурру жола ҳарду аз абранду дар ҳайъат шабех,
Он равад бар тожи шаҳ ин лек дар хоки сияҳ,*


Шеър аввалида айтилганидек олим ҳам, жоҳил ҳам инсон. Ҳар иккаласи одам тоифасидан. Лекин орала-ридаги фарқ осмон билан ер қадардир. Чин олимни қўёшли кунга қиёсланса, жоҳил қоронғи тун. Олининг матлаби – ҳақиқат, эзгулик, одамийлик, ҳурлик. У ҳаётда илму ҳикматнинг қўли баланд бўлсин, дейди. У: «Эй инсон, ўзингни англа, қадрингни арzon сотма, сенга нон-туз берган халқингни севгил, жонингни Ватанингдан ортиқ кўрма», деб ўргатади.

Ҳақиқий олим мана шулар учун заҳмат чекади, одамларнинг ўзаро иттифоқ яшаши, улуғ орзулар йўлида ҳамжиҳат курашишларини истайди. Жоҳил бурнидан нарини кўра олмайди. У жаҳолатнинг қули. Унинг ҳаётини гумроҳлик, ваҳшийлик бошқаради. Қитъада булар қуйидаги тамсилий сўзда ёритилган:

*Дурру жола ҳар ду аз абранду дар ҳайъат шабех,
Он равад бар тожи шаҳ ин лек дар хоки сияҳ,*

Мазмуни: дур ва дүл – ҳар иккиси ҳам булутдан пайдо бўлиб, зоҳиран бир-бирига ўхшаса-да, дур подшоҳ тожига чиқади, дўл эса қора тупроққа киради. Бу мантиқ мулоҳазага йўл очади. Энди сиз олим ким, жоҳил ким, олим қадрининг юксаклиги-ю, жоҳил қадрсизлигининг сабаблари тўғрисида истаганча фигурлашингиз мумкин.





«ТИРААМ АЗ МАРДУМИ ЧАШМИ ХУД, ЭЙ ФОНИЙ, ЗИ БАС...»

*Тираам аз мардуми чашми худ, эй Фоний, зи бас,
К-омадам бар рўзи мардум дар жаҳон номардумий.
Одами обий магар жуям зи дарё, ғарқа гашт,
З-он ки аз рўй замин гум гашта жинси одами.*

Бу дунё – шафқатсиз дунё, улуғ одамларга у азалдан мурувватсиз. Раҳмсизлиги учун ҳам не-не буюк зотларнинг дилларини қақшатиб, бошларига жабру жағолар ёғдирган. Навоий унинг субутсизлиги, бағри тўла кин, адоват ва разолат эканлигидан кўп ўқсиб, кўп азоб чекканлар. Ҳалқда: «Кўп йиғласа, кўзи қорайди», деган тушунча бор. Қитъада: «Эй Фоний, ўзимнинг кўз қорачиғимдан тийрадурмен», дейилиши шу гапга ишора. Ҳўш, шоир нега шу қадар кўп йиғлаган? Чунки «жаҳон ҳалқи орасида муртадлик» авжига чиққандা, у дунёга келган. Умр ўтаверган. Атроф-муҳитдан комил одамларни ахтариш давом қиласверган. Лекин шундай бир кун келганки, ер юзидан «жинси одами» – одам жинси йўқолиб кетган, деган қарорга кўпчиликнинг диққатини тортишдан ўзга чора қолмаган. Аммо шунда ҳам одам излаш истаги бобомиз қалбида сўнмаган. Чунки у киши охирги хулосадан олдин:

«Энди дарёга ғарқ бўлиб, «одамобий-сув одамини қидираман», деганлар. Бу фикр куппа-кундуз Афина кўчаларида машъал кўтариб юрган Сукроти ҳакимдан нимага бундай қилиб юрганини сўрашганда, «Одам ахтариб юрибман», деган ҳодисани хотирлатади. Суврати одам, сийрати ҳайвон, зоҳирда фаришта, ботинда шайтонлар сони тасаввур этиб бўлмас даражада кўпdir. Чин инсон бунинг акси – ҳаддан ортиқ кам, ўксийдиган миқдорда сийракdir.





«ҲАР КАСЕ К-АЗ РҮИ ИСТИҒНО БА МАРДУМ ХОНД ШЕЪР...»

*Ҳар касе к-аз рўи истиғно ба мардум хонд шеър,
Нек ҳам гар ҳаст созад зишт пеши ҳалқ беш.*

*Даъвийи макбулии шеър ар қунад сар то ба пой,
Хештанро ҳам қунад мардуд ҳамчун шеъри хеш.*

Истеъдодли шоир ҳалқ назаридаги одам. Кўпчилик билан унинг учрашуви ҳам, эл олдида шеър ўқиши ҳам – бир синов. Бундай вазиятларда у фақат ижодкор сифатида эмас, одамийлик талаблари жиҳатидан ҳам кимлигини синовдан ўтказади. Шоирлик билан такаббурлик, завқ билан олифталик илҳомий кўтарикилий билан зўрма-зўраки жазава мутлақо зид ҳолатлардир. Қисқаси, шоир ёзганда ҳам, шеър ўқиганда ҳам роль бажармаслиги керак. У ролга кирдими, яхши шеърниң қимматини ҳам бир пул қилади. Шу маъноларда қитъадаги фикр сабоқ бўларли. Чунончи: ҳар кимки ҳалқ олдида истиғно билан шеър ўқиса, яхши шеър бўлса-да, тингловчиларга у ёмон таъсир кўрсатади. Буни ҳисобга ола билмаслик, «Шеърим бошдан-оёқ одамларга мақбул», деган холосага олиб боради. Бундай даъво эса шеърига ўхшаб, муаллифни (ёки шеър ўқувчини) ҳалқ назаридан йироққа суради.

Донишманд шоир Ҳайдар Хоразмий: «Зоҳиру ботин хабари сўздадур», деган эди. Сўзниг оғзаки ифодасида ҳам кишининг суврати-ю, сийратидаги энг муҳим белги ва хусусиятлар намоён бўлади. Ахир, оддийлик, самимийлик ва табиийликдан юксакроқ фазилат бўладими?!






«СИФЛА К-ОЗОДАРО НАГҮЯД БАД...»

*Сифла к-озодаро нагүяд бад,
Ё наёяд фарози хони касе.
На ба дарё расад забони саге,
Нанишинад ба суфраи саг магасе.*

Абдулла Орипов шеърларидан бирида: «Эзгу, латиф ҳислар бўлмасин таҳқир, Булбулни бойқушга топширманг зинҳор», дейди. Афсуски, эзгу ва латиф туйғуларнинг таҳқирланиши ҳаммани ҳам безовтлантирумайди. Шундай кишилар борки, улар булбулни бойқуш чангалига топширишдан ором оладилар. Баъзилар разил ва дилозорларнинг яхши одамларга ўтказган жабру озорларига парвосиз қарайдилар. Аслида, бу ҳам ёмонликни қўллаш ва бойқушларга шерикликдир. «Соф қалбни учратган» маҳал дарров ҳушёр тортиш, дарҳол унинг ҳимояси ҳақида қайғуриш керак. Бу жиҳатдан ҳазрат Навоий қитъасидаги сўзлар ибратлидир. Бобомизни қандайдир разилнинг покиза одам шаънига бад гапни тилга олиши ҳам ташвишлантирган. Ул зотнинг айтишларича, пасткаш ҳеч кимнинг дастурхонига ёвуқлашмаслиги лозим. Зотан, дарёга итнинг оғзи тегмагани, дастурхонга итпашша қўнмагани маъқулдир.



«АВЛИЁУЛЛОХ МАЗОРИ ТҮС ВАЙРОНИ АРО...»

*Авлиёуллох мазори Түс вайрони аро
Күптуур, йүқ бок агар тавфида күрса кимса ранж.
Мунчаким вайрона кездим ганж бир ҳам йүқ эди,
Бүйла вайрон ким күрубтур анда мадфун мунча ганж.*

Мозор – муқаддас жой. Ҳар кимнинг бу дунёда ўзи «сиғинар мозорлари» бор. Уларда аждод- авлодлар жасади дағн этилган. Кимнингдир бобо ва бувиси, кимнингдир ота ё онаси, кимларнингдир ҳаётдан эрта кўз юмган ўғил-қизлари қатор ястанган қабрларда ётади. Эслаш, ўткинчи дунёдан кўз юмган кишиларни хотирлаб яшаш – савоб. Ҳайвонга хотира ато қилинмаган, хотирлаш қобилияти билан одам ҳайвондан фарқ қиласди. Хотирасизлик фақат ҳайвонлик эмас, ваҳшийликдир. Халқимизда: «Арвоҳ рози – Худо рози», деган нақл бор. Мана шу гапнинг ўзи ҳам ҳар бир мозорни асраб-авайлаш, вақти-вақти билан у жойга бориб туришни канда қилмасликни шарт этиб қўяди.

*Менинг ер устида танишларим кам,
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ,-*

дейди Абдулла Ориф. Аслида, ер остида ётган буюк зотларнинг барчаси тирикларнинг дўстлариидир. Шундай дўстлик туйғусига эга бўлмоқ фақат оқилликмас, орифлик ҳамдир. Авлиё – вали сўзининг кўплиги. Вали – Аллоҳ паноҳидаги киши, илоҳий кароматлар соҳиби, азиз дегани. Мир Алишер Навоийнинг айтишларича, «мазори Тўс вайрони аро» ётганлар орасида валилар кўп экан. Шунинг учун ранж чекиб бўлса-да, бу мозорни зиёрат қилиш керак бўлган. Чунки бундай заҳматдан заррача зиён етмайди.

*Мунчаким вайрона кездим ганж бир ҳам йўқ эди,
Бўйла вайрон ким кўрубтур анда мадфун мунча ганж.*

Бу байтнинг биринчи мисрасидаги фикрни: «Қанча мозорларни кездим, бироқ уларда бирорта ҳам валининг қабрини учратмадим», маъносида ҳам англаш мумкин. Аммо бундай тушуниш хато бўлур эди. Халқда хазина ёки ганж вайрона ичидаги яширин бўлади, деган тушунча бор. Шоир шундай қарашларга суюниб, вайроналарни айланиб (мозорларни эмас!) «бир ҳам» ганж топмаганлигини сўзлайди. Ва унда чинакам ганж кўмилган жой – айни шу мозористон, деган тушунча туғилади: «Бўйла вайрон ким кўрубтур онда мадфун-мунча ганж». «Мунча ганж» – мазори Тўсдаги неча ўнлаб валиларнинг барҳаёт Руҳи. Уларнинг қабрларини нурга чулғаган инсоний ва илоҳий хислатлариидир.

Бобомизнинг бошқа бир қитъасида не «важҳдинки

мазорат ибодатгоҳ» бўлури шарҳланган:

Ажаб йўқ эрса зиёратгоҳ ахли обидким...

Обид – ибодат қилувчи. Мазоратларга борадиган «зиёрат ахли»нинг обидлигидан ажабланмаслик керак. Чунки:

Ибодат эткали хуш ердуур зиёратгоҳ,





«ҲАҚ ЗОТИҒА БИРАВКИ, ХИРАД БИРЛА ФИКР ЭТАР...»

*Ҳақ зотиға биравки, хирад берла фикр этар,
Отин эл ичра оқилу фарзона айлабон.*

*Миқдорини тенгиз суйининг истар англамоқ,
Лекин хубоб жомини паймона айлабон.*

Маълумки, бутун мавжудотнинг яратувчиси – Худо. Унга тенг зот йўқ. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий талабаларга тушунтирганидек:

*Худодир бу жаҳонни,
Бор этган барча жонни,
Бошқа кимса қодирмас,
Яратмоққа бир жонни...*

Қуръон сураларидан бирида: «Сен Худодан бошқа Илоҳ йўқ эканлигини бил!» дейилган. Ҳуш, буни қандай билиш мумкин? Барча «борлиқ ва нарсаларда Худо зоҳир» экан, уни моддий тарзда идрок қилиш имкони борми? Қитъадаги бош фикр шу саволларга жавобдир. Мир Алишер Навоийнинг таъкидлашларича, кимдаким «Ҳақ зоти»ни хирад, яъни ақл орқали мушоҳада қилмоқчи бўлиб, ўз номини «эл ичра оқилу» доно айламоқ истаса, бундай «аллома»нинг сув юзидағи пуфак



«жомини» идиш этиб, дengiz сувининг миқдорини англамоқчи бўлган телбадан фарқи қолмайди. Шундай бемаъни иш билан ҳақиқатга эришилмаганидек, «эл ичра оқилу фарзона»ликни кўзлаш ҳам қулгилидир.

Ҳақ зотини билмоқнинг гўзал воситаси – Ишқ. Худо инсон кўнглининг воҳид султони бўлмоғи керак. Унинг муқаддас сифатлари ва кўрку камолини акс эттирадиган сеҳрли кўзгу – Рух. Дейликки, «гул юзида булбул» нола чекаётир. Аслида, у сирларининг нотиқи. Шам ўтида чарх ураётган парвона нега куйиб кулга қунишдан чўчимайди? Чунки у нуқсонсиз ёрнинг хуснига шайдо. Маъшуқи азал хоҳласа, «чаман оташгоҳига оташин гулдин» ўт солади. Истаса, «кун кўзгусин ақшом кули» билан жилолантиради. «Қуёшқа гаҳ қизормоқ, гоҳи сорғормоқ» ўша мавҳашнинг хоҳишидан. Хуллас:

*Сени топмоқ басе мушкулдуурур, топмаслиғ осонким,
Эрур пайдолиғинг пинҳон, vale пинҳонлиғинг пайдо, –*

сингари хаёл ва иқрорлар билан яшамаган, илоҳий муҳаббатнинг беомон туғёнларидан маҳрум ким-саларнинг орифлиги ёлғондур. Блез Паскал: «Исо Христоссиз Худони билмоқ қийингина эмас, «самарасиз ҳамдир», деган. Худди шундай гапни Муҳаммад (с.а.в) ва Куръони Карим ҳақида ҳам айтиш лозим. Биз аждодларимизнинг диний-илоҳий ақидаларига тұғри баҳо беришни истасак, уларнинг Куръонга юксак муносабатларидан кўз юммаслигимиз керак.



«ЭЙ НАВОИЙ, БИР ҚОРИ КОФИРНИ КҮРСАНГ ИШҚ АРО...»


*Эй Навоий, бир қори кофирни күрсанг ишқ аро,
Кўрма онинг ҳолатин ўз ҳолатингдин кўп йироқ.
Сенда бу ҳолат ниҳон келди, анда ошкор,
Лекин ул якранглик бобида сендин яхшироқ.*

Таълим-тарбияга доир китобларда ахлоқ иккига ажратилган. Биринчиси, ахлоқи ҳусния – яхши хулқлар, иккинчиси, ахлоқи замима – ёмон хулқлар. Ахлоқи замиманинг яширин унсурларидан бири – фосиқлик. Фосиқ кимса сиртдан бемалол имон ва диёнат тарафдори бўла олади. Лекин у ичдан бузук хаёл юритувчи, дилидагини тилга ўзгача рангда зоҳир қилувчиидир. Мир Алишер Навоийнинг танбеҳлари шу ҳусусда. Халқимизда: «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга», деган гап бор. Шеърдаги фикр шу маънода ҳам ибратли. Шоир ўзгани эмас, ўзини айблаётир. Чунончи: «Бирор кофир қорини ишқ аро кўрсанг, унинг ҳолатини ўз ҳолингдан кўп узоқ ҳисоблама. Негаки:

*Сенда бу ҳолат ниҳон келди, анда ошкор,
Лекин ул якранглик бобида сендан яхшироқ».*

Демак, ишқ өткөнда мунофиқлик қилишдан сақланиш керак. Бундаги «якранглик» ва ошкоралик ирқу дин чегараларидан кенгроқдир. Дарҳақиқат, ри-ёкор мусулмондан, «қори коғир»нинг («қори коғир» иборасини қироатчи коғир мазмунидагы ҳам тушуниш мүмкин. Чунки биринчи мисрада ийҳом санъати тат-биқ этилган) ишқи ўрнакли.





«ЧУ НАВКАРГА БЕРДИНГ ИЖОЗАТ, ЯНА...»

*Чу навкарга бердинг ижозат, яна
Келиб, қылса хизматқа құлдошлиқ,
Бил андоққи, жуфтунга берсанг талоқ,
Яна истагай қыммоқ үйношлиқ.*

Навкар сүзи ҳозир асосан, аскар маъносида тушунилади. Лекин бу шеърда у нуфузли бирор мансабдорга ёрдамчи – ходим мазмунини ифодалайди. Оқил ва тадбирли бошлиқ кимларнидир ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам, албатта, шошма-шошарлик ва адолатсизликка йүл қўймайди, балки «етти ўлчаб, бир кес», қабилида ҳукм юритади. Дейлики, қонуний эҳтиёж ва зарурият туфайли қайсиdir бир ходим мартабасидан четлаштирилди. Унинг яна қайтиб келиб, «хизматқа құлдошлиқ қилиши» тўғрими? Қитъадаги ҳукм бўйича, бундай ҳамкорлик нотўғри. Бу билан муносабат ва фаолиятдаги субутсизлик қораланади.



«УЛКИ, ИФЛОСДИН АЁГИНДА...»

*Улки, ифлосдин аёғинда
Кафш йўли азми чоғи йўқтур онинг,
Шукр қилдик боқиб бирор сори
Ки, юуруга аёғи йўқтур анинг.*

Ушбу қитъа: «Бирни қўриб фикр қил, мингни кўруб зикр қил!» деган моҳиятни тасдиқлайди. Биринчи байтни ўқишингиз заҳоти, йўл юриб келаётган бир кишини учратгандай бўласиз. Иттифоқо, унинг яланг оёқлари диққатингизни тортади: кирланган, гўё «ифлосдин» кафш кийиб олгандай. Буни ночорлик, муҳтожлик таъқиби сифатида қабул қиласизу, дилингиз ачийди. Кейинги байтни ўқийсиз: бошқа манзара. «Юуруга аёғи йўқ» одам ночор мўлтираб турибди...





«ДУНЁ АҲЛИДИН АГАР ТОПТИ ТАМОВВУЛ БИРИСИ...»

*Дунё аҳлидин агар топти тамоввул бириси,
Ўзгалар ҳасрат ила мол ҳадисин дерлар.
Бир худ ботти нажосат ичига бўғзигача,
Ўзгалар ушбу нажосатқа ҳасад ҳам ерлар.*

Дин – моддий манфаат эмас, ибодат ва муҳаббатдир. Диний эътиқодда ахлоқий поклик биринчи ўринда туради. Диндорлик ниқобида пул ва бойлик тўплашни кўзлайдиган кимсалар олчоқдурлар. Улар: «ҳалол ризқ талаб қилмоқ, ҳар бир муслим учун вожиб», дея жамоат орасида ҳадис қироат қиласверадилар, аммо айтганига амал қиласлик гуноҳ эканлигини унудилар. Мир Алишер Навоий айтмоқчи, мабодо гушна дин аҳлидин бирортаси бойликка етишиб, донгтаратса, ўзгаларининг ботинида нафс ити ҳаракатга келади. Ва муқаддас каломларга ҳам шак келтириб, «ҳасрат ила мол ҳадисин» қироат қиласди. Бобомиз бу риёкорликни «нажосат ичига бўғзигача» ботган пари қисматига ўхшатадилар. Нажосатга булғанган парининг гўзаллигидан не фойда? Парилиги қоладими унинг? Бошқа бефаҳмларнинг «ушбу нажосатқа ҳасад» этишлари янада афсусланарли!



«ОЛМАВУ ГУЛОБ ҚАЙНАТУРҒА...»

*Олмаву гулоб қайнатурға
Табъи эрмас улуғ қазонға роғиб.
Демак бу қазон кичикдур асру,
Эрмас мунга ҳиммат аҳли толиб.
Ким руху ғизосининг қазони,
Мундин ҳам улуғ эмас муносиб.*

«Олмаву гулоб қайнатурға» машғул киши ҳам, ҳар қалай, ҳожат чиқарувчи одам бўлгандир. Аммо у кичик қозонда «олмаву гулоб» қайнатавериб, табиатан майдалашиб қолган. Яъни табъи «улуғ қазонға» рағбатни йўқотган. Бу ҳам баҳиллик, ҳимматсизликнинг бир кўриниши. Шунинг учун бағрикенг ва саховатли одамлар ичдан табъ қозони кичикларга яқинлик сезмайдилар:

*Демак бу қазон кичиқдур осру,
Эрмас мунга ҳиммат аҳли толиб.*

Бу – «ҳиммат аҳли»нинг муносабати. Таъби паст кимсанинг рухи ҳам, шубҳасиз, ўшанга яраша бўлади.

*Ким руху гаройибининг қазони,
Мундин ҳам улуғ әмас муносиб.*

Шеърни үқиб тугатдингиз. Бироқ «кичик қазон» муаммосидан фикран ажралолмай турибсиз. «Кичик қазон» – маънавий торлик, қолаверса, баҳиллик рамзи. Торлик одам онгида иллат пайдо этади. Демак, «улуғ қазонға» рағбат билан яшамоқ керак.





«ЗАМОНА АҲЛИ ЭМАСЛАР АТОЛАРИҒА ШАБИХ...»

*Замона аҳли эмаслар атолариға шабиҳ,
Этур замонға мушобиҳ аларға ҳар хислат.
Мутиъ эрурлар, ангаким замондин олғай ком,
Аду анғаки етишкай замонадин шиддат.*

«Буюк боболарнинг турфа хислат»лари авлодлар қонида доимо шиддат-ла жўшиши, эрку адолатга уларни даъват қилиб туриши керак. Оталардаги олий хислатлар фарзандларда давом топмаса, юртни тақдирини жаҳолат тумани қоплади, озод шахслар сони камайиб, нафс қулларининг сафи кенгаяди.

*Мен ҳам яшаяпман ўз замонамда,
Давримдан қайга ҳам тушардим йироқ,-*

дейди Абдулла Ориф. Тўғри эътироф. Лекин ўз замонида яашаш замонасозлик қилиб, давр разолати ва қабиҳликларига таслим бўлиш дегани эмас. Даврни англиш – воқеликни тўғри идрок этиш, замонни билиш – унинг макру ҳийлаларидан ҳам кўз юммасликдир. Мана шунда «замона аҳли» оталарнинг олижаноб фазилатлари, армону умидларидан йироқлашмайдилар. Мана шунда инсон замонга қараб турланиб-тусла-

нишдек тубанликтан сақланиб, унинг буқаламунлигини аникроқ кўради. Акс ҳолда мир Алишер Навоий:

*Замона аҳли эмаслар атолариға шабиҳ,
Эрур замона мушобиҳ аларға ҳар хислат,-*

деб ёзмаган бўлурдилар. Замона аҳлининг атолариға ўхшамаслиги ҳам, балки унча фожия эмасдур. Бироқ уларнинг ҳар хусусияти, ёлғон ва адоват, манманлик ва зўравонлик, жаҳолат ва нодонликни қўллаб-қувватлайдиган замонга монандлиги – бу, фожия. Замон алдаса, кишини доғда қолдириб алдайди. Унинг адувлиги – душманлиги беаёвдир. Ҳазрат Алишер Навоий:

*Мутиъ эрурлар, ангаким замондин ўлғай ком,
Аду, ангаки етишкай замонадин шиддат,-*

дея айبلاغан мутелар буни идрок қилишдан ожиздурлар.





«ХИЛҚАТИМНИ ДЕВЛАР БИРЛА АГАР ҚИЛСАМ ҚИЁС...»

*Хилқатимни девлар бирла агар қилсам қиёс,
Лоф бўлғай, гар десамким, ул ҳамондур, бу ҳамон.
Тоатимни габрлар фисқиға ёндоштурсалар,
Не бу андин яхшироқ бўлғай, не ул мундин ёмон.*

Дев – халқнинг мифологик тасаввурларида яратилган образ. Дев – эзгуликка қарши курашувчи ёмонлик ёвузлик рамзи. Дев – маккор, ғазабкор, бузғунчи маҳлуқ. Бобомиз ўз хилқатини девларга қиёслаб: «Лоф бўлғай, гар десамким, ул ҳамондур, бу ҳамон», деган хукмни билдирганлар. Воажаб!

Наҳотки, ҳазрат Навоийдай буюк зотнинг табиати девларнидан ҳам баттар бўлган бўлса? Бу ҳам етмаганидай, ул зот ўз қиёсларини «лоф бўлғай» дея тавсифлаганлар. Нима бу: очиқликми, ростликми?

*Гунаҳни озини қилмай, писанд андишасиз бўлма,
Ўлур ҳар зарра оташдин, тутошиб минг шарар пайдо, –*

дейди Ҳамза. Инсон тийнатида нуқсон ва камчиликлар кўп бўлади. Улар тўғрисида бошқа бировлар эмас, ҳар кимнинг ўзи мулоҳаза юритиб, уларни бартараф этиш

учун мардона қайғуриши зарур. Маломаттүйликдан ақл нурланади, ҳар турли андишасизликларнинг олди олинади. Одам ўз гуноҳкорлигини тан олиш ҳиссидан узоқлашдими – у, албатта ёвузлашади. Гуноҳкорлик ҳисси ёлғон ва сохта тасаввурларга қалқондир. Алданмадими, демак, алдамайди. Ҳазрат Навоийнинг шеърий иқоридаги асл моҳият шундай: Эй инсон, ўзингни бегуноҳ фаришта ҳолида кўрсатишга уринма! Сийратингни тафтиш эт – девни қўрасан. Ичингдаги фитна-фасодни тозала. Ҳасад ва хоинликни қув!

Тоат-ибодат одамни юзсизлик ва бузғунчиликлардан сақлаши муқаррар. Қитъанинг сўнгги байтида ҳақиқий маломаттүй эътирофи илгари сурилган:

*Тоатимни габрлар фисқига ёндоштурсалар,
Не бу андин яхшироқ бўлғай, не ул мундин ёмон.*

Яъни: тоат-ибодатимни мажусийлар фисқига қиёсласалар, тоат-ибодатим уларнидан яхшироқ бўлмаганидек, уларнинг фосиқлиги менинидан ёмон бўлмайди. Бу ўзни атайин айблаб, яхшилик «нақди»ни кўзлашмас, албатта, саркаш қалб изҳоридир.



«ЙИГИТЛИГИМДАКИ, ТАҚВОЮ ЗУХД ВАҚТИ ЭДИ...»

*Йигитлигимдаки, тақвою зуҳд вақти эди,
Фужсуру фисқ била зойеъ айладим авқот.
Үтуб йигитлик, уйла манга келди чун қарилиғ,
Маош одати маъхуд ила кечирсам, уёт,
Десамки, тоат этиб, саждадин күтармай бош,
Бошимға ургали лойиқ күрунуб ул тоот.
Қазодин улча манга келди, зикри ҳожат эмас,
Билур чу шиддати ҳолимни Қозијол ҳожот.*

Үтган умрдан афсус-надомат чекмаслик керак-лигини инсон билади. Бироқ била туриб, күнглини афсусу пушаймонликларга чўктира боради. Нима учун? Ҳар кимнинг қусур ва хатолари ҳар хил. Бирор аламу ҳасратларининг товушини эрта эшигади, бошқа бирор кечроқ.

Йигитликни умр баҳорига ўхшатишади. Чиндан ҳам у баҳордай яшнаб, баҳордай шиддат билан кечади. Кун келади-ю, йигитлик сени мангуга тарқ этганигини, энди ҳеч қачон навқиронлик завқ-шавқи такрорланмаслигини англайсан. Кўз кеч, анча кеч очилади. Бехуда бой берилган фурсатлар қийнайди. Амалга оширилмаган ишлар, ўткинчи орзулас хаёли жонни қийнайди. Мана, қўлингда Мир Алишер Науойнинг девонлари. Варақлайсан. Ушбу қитъадан нигоҳингни узолмайсан. Илк байтни такрор-такрор ўқийсан:



*Йигитлигимдаки, тақвою зуҳд вақти эди,
Фужуру фисқ била зойеъ айладим авқот.*

Сен учун йигитлик «тақвою зуҳд вақти» эмас эди. Боболарингнинг минг йиллардан зиёд тарихга эга диний тажрибалари ва урфу одатларидан ажralган банда - сен қаёнда-ю, парҳезкорлик, зуҳду тақво қаёнда? Ўзинг билмаган, мустақил ўрганмаган нарсаларни айлашга ўргатилгансан. Ҳазрат Навоий билан не ишинг бор, у зотнинг пушаймонликлари ўзларига. Тўтига ўхшаб сен динни қорала, дарвешликни инкор қил. Илоҳий маслак, раҳмоний туйғулардан бенасибсан-ку. Бундан азоб ҳам тортмайсан. Ёшлиқда нималарга эришдинг-у, нелардан мосуво бўлдинг?

Фужуру фисқ била зойеъ айладим авқот.

Бу сўзлар юракда акс-садо уйғотмайдими? Наҳотки, ўша қимматли вақтларингни кибр, фисқ, риё билан зое айлаганингни англамасанг? Ахир: «Ўтуб йигитлик, уйла манга келди чун қарилиғ», дейишинг ҳам яқин. Инсон маълум бир ёшда бошдан кечирганларининг барча-барчасини сарҳисоб этиши керак. Ва «Маosh одати маъхуд ила кечурсам, уёт» – кексаликни ҳам тирикчилик ташвишларига қурбон қилишим уят деб ўйланиш шарт.

*Десамки, тоат этиб, саждадин кўтармай бош,
Бошимга урғали лойиқ, кўрунуб ул тоот.*

Бу байтни ўқиб Навоий бобомиздан, каттадир, ки-чиқдир нуқсонни хаспүшламаслик ва ўзни аямасликни ўрганиш лозим. Иккинчидан, Аҳмад Яссавий сўзлари билан айтганда, «Жон ва дилни муштоқ этиб маърифатга, ҳақиқатнинг асрорига жўён» бўлмагунча саждага бош эгиш бефойда.

Шеър сўнгига: «Қазодин улча менга келди, зикри ҳожат эмас», дейилади. Нега бу қайғули мужданинг «зикри ҳожат эмас?» Чунки «қозијол ҳожот» – ҳожат чиқарувчи, яъни олий ҳакамнинг ўзи унинг «шиддати ҳоли»дан хабардор, одамлардан пинҳон ҳар қанақа ҳолат, Ҳақ назарида ошкордур.





«ҲИКМАТ АҲЛИ ШОҲНИ ДАРЁҒА ТАШБИҲ ЭТТИЛАР...»

*Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ эттилар,
Ким ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур,
Гаҳ топар ғаввос бир соатда юз дурри амин,
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат билан нобуд эрур.*

Ҳикмат аҳли – файласуф ва донишмандларнинг қиёсларича, шоҳни дарёга қиёсласа бўларкан. Дарёнинг эл-юртга етказадиган фойдаси маълум. Шоҳлар ҳам бамисоли дарё. Адолат ва муруваттага чанқоқлар бу «дарё»дан (албатта, одил шоҳлардан) ташналикларини қондиришлари мумкин. Лекин бунинг учун ғаввослик фаросатига эга бўлмоқ зарур. Масалан, дарё қаърига шўнғиган ғаввос гоҳо «бир соатда юз дурри» гавҳар олиб чиқса-да, баъзан «наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд» ҳам бўлади. Шоҳнинг «дарё»нинг ичидаги одамни тириклиайн ютадиган наҳангиги бор. Унга яқин турганда ҳам, унинг саховатидан баҳраманд бўлаётганда ҳам шуни унутмаслик керак. Ҳуллас, ҳар қандай ҳукмдорнинг тийнатида ёвузлик яширган, жаллодлик мавжуд. Қитъада: «Буни унутманг, ана шундан эҳтиёт бўлинг», деган чорлов бор.



«ФОСИҚ МЕНУ КОФИРИ НИҲОНИ...»

*Фосиқ мену кофирни ниҳони
Каъба сафари эрур манга ҳайф.
Ўзни буки яхши кўргузурмен,
Биллаҳку, менга калисо ҳайф.*

Фосиқлик – хулқ чиркинлиги, гуноҳ ишлардан ўзни тийиб билмаслик. Фосиқ – фосид – бузук хаёлларини яшириб, кун кечиради. Унинг кофирлиги ғайридинлигига эмас, балки субутсиз ва такаббурлиги. Маълумки, Каъба – Макка шаҳридаги зиёратгоҳ, мусулмонларнинг қиблай дуоси бўлган. Шеърда фисқу фужурдан тозаланмай, «Каъба сафари»га бориш ҳайф эканлиги таъкидланган. Одам ўз камчиликларини сезиши, ниҳоний тубанликларига муросасиз бўлиши лозим. Афсуски, у кўпинча буни истамайди. Ва ўзни яхши кўрсатишдек майлга асир бўлиб қолади. Ҳазрат Навоий Каъба эмас, калисо – черковни ҳам ўзи учун ҳайф ҳисоблаганида, айни шу фосиқликни нишонга олганлар.



«ШАРБАТИЙ КОР БҮЛДИ ЭРСА ОҚИБАТ...»


*Шарбатий кор бүлди эрса оқибат,
Зотида лекин қарам бордур амин.
Ушбу икки важҳ ила эрмас ажаб.
Гар анинг отин хитоб этсам карим.*

Бу тўртликка, «Шарбатийнинг қулоғи оғирлиғиға қитъа демак...», деб сарлавҳа қўйилган. Савол туғилади: бундай «бағишлов» касалга чалингтан кишига малол келмайдими? Сарлавҳада, «агарчи бу ҳам анга оғир келур», деган узрли жумла бор. Одамнинг вужуди ва аъзолари хасталаниши табиий. Бироқ ундан олижаноб фазилатларнинг яроқсизланиши ёмон. Шарбатининг эса қулоғи оғирлашгани билан зотидаги қарам омон сақланган. У ҳам карим – сахий, марҳаматли, ҳам амин – ишончли посбон.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сахийларни уч тоифага ажратиб ёзади: «Уларнинг яна бир қисмида давлат бўлмас, лекин давлати бор кишиларни ваъзу насиҳат қилиб, эҳсон қилдирур, бева-бечораларга ишлаб топган нимарсасини хоҳ либос, пул бўлсин улошиб берур. Ўзини очдан ўлмоғига кўзи етиб турса ҳам ўзидан бошқа хоҳ ҳайвон, одам бўлсун қорни оч кишига қўлидаги ошаб турган таомини берур. Ўзини ўлмоғи

билин иши бўлмас. Ҳар доим умумга фойдаси кўпроқ тегадурғон ишларни қилур. Биргина умумни фойдаси учун бўладурган ишга Ватан, хонумон, балки ширин жонидан ҳам кечар. Мана бу зотларга Карим дейилур». Шундай фазилатлар соҳибини одамлар кар «ёрлиғи» билан тилга оладими? Кар дейилса ҳам, бу сўз Карим бўлиб эшитилаверади.





«ҲАР НЕ ЭЛГА КОМ ЭРУР, КЕЧТИ НАВОЙИ БОРИДИН...»

*Ҳар не элга ком эрур, кечти Навоий боридин,
Қилмади, неким буюрди нафси хориж рой анга.
Бу жаҳонда барча нафси воясидин чекти эл,
Ул жаҳоннинг вояси гар музд еттас,вой анга!*

Мир Алишер Навоийнинг рубоийларидан бири: «Дунё сори ҳирс ҳар ямондин ортиқ», деган мисра билан бошланади. Ҳирс инсон онги ва вужудидаги барча ёмонликларнинг бошқарувчиси. Унинг пушти паноҳи эса нафс. Аҳмад Яссавий: «Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади», дея бежиз нолимаган. Нафси золимни енгган киши ўзи жонига ўзи жабр ўтказишни тўхтатган ҳисобланади. Буни фаҳмлай олмаган авом эл емоқ, ичмоқ, киймоқ учун югурди, елади, ёлворади ва зарур чоғда авраб-алдайди. Албатта, одам тўқ яшши керак. Кўз оч бўлса, кўнгил тўймайди. Қолаверса, йил ўн икки ой иқтисодий танглиқда яшаш хорлик ва ҳақоратдир. Намунавий адабиётда кенг талқин этилган фақирлик фалсафаси мутлақо бошқа нарса, уни йўқчилик, хору зорликка чидаш, қорин тўйса, шунга шукр қилиш мутелиги деб англаш хато. Ҳазрат Навоийнинг: «Ҳар неки элга мақсад эрур барчасидин

мен кечдим», деган сўзлари нафс бандаларига қаратылган. Қаноатдан хориж нафси нимани буюрса, шуни бажарган оломондан четлашиш фароғат-ку?! Бу жаҳонда нафс эҳтиёжларига құл силтаган хислатли, фозил зотлар күпайиши лозим. Шундай Комил зотлар борлигини сезиб, билиб яшаш ҳам хушбахтилайдир.





«НЕ НАЗМИКИ ЎТЛУҒ КҮНГУЛДАН ЧИҚАРДИМ...»

*Не назмики ўтлуғ күнгүлдин чиқардим,
Дедимким: менинг хотиримга ёранғой.
Манга онча ўт солди ҳар байтким, табъ
Гар оби ҳаёт ўлса андин үсонғой.
Тилармен ани мен доғи ўтқа солсам
Ки, қайдинки келди ҳам ул сори ёнғой.*

«Дардлиғ күнгүл – шуълалиғ чароғ». Шеър шу чароғнинг нури билан таъсирили. Дардли юракдан чиққан сўз нуридан ўқувчининг руҳи ёришади. Бунингсиз ақл ва идрок камолотини ўйлаш бехуда. Мир Алишер Навоий: «Не назмки ўтлуғ күнгүлдин чиқардим», деганларида мутлақо ҳақ. Улуғ бобомизнинг ҳар бир сатри юрак алансидан сачраган чўғдай гап, уларни қанча кўп ўқисангиз, ўт-оташ ботинни ўшанча кўпроқ ёриширади:

*Манга онча ўт солди ҳар байтким, табъ
Гар оби ҳаёт ўлса андин үсонғай.*

Ўтда ёнаётган одам нимадан шикоят қиласди? Албатта, аланса ва ҳароратдан. Шеърларим мени шу

қадар ёнғинга гирифтор этдики, табъ «оби ҳаёт»га түлганды чидай олмасди. Негаки, уни үчириш имконсиздир. Бу чорасизликнинг чораси нима?

*Тилармен ани мен доғи ўтқа солсам,
Ки қайдинки келди ҳам ул сори ёнғой.*

Байтнинг биринчи сатридаги гапга асосланиб, ҳазрат Навоий шеърларини куйдириб ташлашни ҳам ўйлаган дея, қандайдир далиллар билан буни исботлашга уриниш, албатта, соддалик бўлурди. Шарқ файласуфларида, ақл – бу олов, кўнгил – оловнинг ўзгариши натижасида бошқа шаклга ўтиши деган тушунча бўлган. Шоирнинг «ўтлуғ кўнгулдан» чиқкан шеърларини «доғи ўтқа» солмоқдин муроди кўнгул камолотини кўзлашдир. Ўтнинг қайдин кўтарилганиги аён: кўнгулдан. У кўнгилга йўналтирилса, яна кўнгилга қайтмоғи шарт. Демак, ўт яна ўтга туташиб, аслига қайтади. Бу «оловхона» ошиқ ва ориф шоирлар қалбидир.



«МУНДОҚ МУҚАТТАОТКИМ, МЕН ЙИҒМИШАМ, ЭРУР...»

*Мундоқ муқаттаотким, мен йиғмишам, эрур
Ҳар бир ҳадиқаи хирад айлар чун фароғ.
Мажмуин уйла кишвари, англаки сатҳини,
Ҳикмат суйидин айламишам қитъа-қитъа боғ.*

«Биз ёлғондан, қалби мунофиқ, жонли зиддиятдан үзга ҳеч нима әмасмиз. Биз ўз-ўзимиздан яширинамиз. Үзимиз ўзимизга ниқоб тұқыймиз», деган эди Блез Пас-кал. Азиз үқувчи, агар диққат қилған бұлсангиз, Мир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам аксарият қитъаларини ана шундай бешафқат фикрлар талқинига бағишилаганлар. Инсон ёлғонлардан покланиб, нодонликда ўзни овутиш ва жаҳолатға күникишдан халос бұлмас экан, у тубан зиддиятлар мужассамига айланиб қолаверади. Ўз-ўзингдан бекинма! Асл моҳиятингни англа! Күнглингга ниқоб тортма! Бу даъватлар шоир қитъаларидаги юзлаб сатрлардан баразла эшитилиб туради. Ҳазрат Навоий ҳамиша ҳақиқатни ёзғанлар. Мир Алишер Навоий ҳақиқатларига зид бұлған, у киши инкор этған тушунчаларни ёлғон ёки арзимас гаплар деб билсангиз хато қиласиз.

Қитъаларнинг мажмуи, сатҳи турфа-турфа боғдан

таркиб топган бир кишвар бил, деганлар Навоий бо-
бомиз. Ҳикмат суви ила кўкартирилган бу тафаккур
боғ-бўстонидан ҳеч қачон узоқлашманг!



МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
«Важҳи маош учун...»	6
«Қаноат тариқиға кир...»	11
«Таваккулни ул ким...»	18
«Кимки махлуқ хизматиға...»	20
«Камол эт қасбким...»	22
«Не раҳравики, тожи ҳидоят...»	24
«Юзига асли ёмоннинг...»	26
«Чу душман ўлди қадимий...»	28
«Виқор гавҳарию...»	30
«Бийик мақомиға улким...»	33
«Тўнни зарбофт айлабон...»	35
«Тилингни асрағил...»	36
«Сахий улдур...»	41
«Лаим фарқиға иқбол тожини қўймоқ...»	44
«Шаҳға муқарраб ўлса бирор барча хайлдин...».	46
«Шаҳо, эл жавҳари жонин чиқординг...»	48
«Бийик мақомлиғ эл...»	50
«Умрин аглаҳ кечурууб...»	51
«Поклар жони бўлур озурда...»	52
«Үйла ғарқи майдуурлар халқ бу давр ичраким...»	53
«Кимки ўзлук иморатин бузди...»	57
«Турфа иш кўрким, фалон ҳар вақтким, қилғай намоз...» ..	59
«Фалон котиб ар хатни мундоқ ёзар...»	60

«Қиблат ул куттобким, дерлар ани Султон Али...»	62
«Йүлдин озды ҳар мулозимдинки ғафлат айладинг...»	64
«Хұб әкан өзінде мустағний әдінг, келмас әдінг...»	66
«Юз туман нопок әрдин яхшироқ...»	68
«Чун манга лутф этти шоҳ...»	69
«Бүйнума яшм осилғондин эмас...»	72
«Уй ичра ҳам китоба...»	73
«Қаноат гүшасин тутқилки...»	74
«Ҳиммат аҳлики әзур...»	76
«Тенгри хонин...»	78
«Күб олтин, кумуш сори құл сұнмоғил...»	80
«Аҳли маъни гуруҳида...»	83
«Жон басе құлдым фидо...»	85
«Байт ул ҳазанға кирсам...»	87
«Эзур орифқа ганжи файз етса...»	89
«Жаҳон ганжиға шоҳ әзур...»	91
«Ҳар имаратким туганди гарчи шүхедур жамил...»	93
«Бизнинг иморат ичинда тузилган икки манор...»	95
«Сиймни сочқучи мингдин бирдур...»	97
«Башар хайли анга мажбул әзурлар...»	98
«Фалонға ажаб ҳол әзурким...»	101
«Сафиҳ золим ила бұлма...»	103
«Бордилар ёмғур дуосин қылғали аҳли риё...»	105
«Юқори үлтуурни ким тиласа...»	109
«Нокасу ножинс авлодин...»	111
«Агар оқыл эсанг...»	113
«Тавозұй яхши, аммо...»	114
«Шахнинг афъоли...»	118
«Қарилар хотири нозиқдур...»	120
«Не толиъдурки...»	122

«Кийиб самур ила киш...»	124
«Эр уруб лаъл тож ила гулбонг...»	126
«Кулоқда асра гаронмоя сўзнию фикр эт...»	128
«Чун ғараз сўздин эзур маъни анго...»	130
«Биравким хирадманднинг нуктасин...»	132
«Хўбким, йўқтур шамойил бирла ширин сўз анга...»	134
«Шаҳ лутфи гарчи бўлса кўп қобил, топар нашъу намо...»	135
«Хуш кўурмэн даҳрни совуғ сув бирлаким бу ёз...»	138
«Эйки, истарсен чоқин дафъиға яшм...»	140
«Ҳақ таоло бандасининг қисматин...»	141
«Бу мулк ичинда...»	143
«Замонда ҳусн элига жон фидо қилиб...»	145
«Кишики илгини устун тилар...»	147
«Ҳар кишиким топса даврон ичра жоҳ...»	148
«Синуқ сафолки...»	152
«Фазалда уч киши...»	154
«Назмим ичра ғариб маънилар...»	157
«Оғзинга кирган такаллум риштасин...»	158
«Навоий умрин үткарди...»	160
«Уйда равнақдуур...»	162
«Манга етса минг зулм...»	164
«Ажал чун муқаррардур...»	166
«Уч кишидин уч иш ёмон кўринур...»	168
«Кирмагай жаннат ичра ҳеч баҳил...»	170
«Бийик ҳимматлик элга арзи ҳол эт...»	172
«Розни асра...»	174
«Агар нодон маҳалсиз ҳарзаким айтур...»	176
«Совуқдан қочибон...»	178
«Покдоман зуафодин неки зоянда бўлур...»	180

«Тож күп дардисар берур...»	182
«Илми дин касб қилки...»	184
«Ниҳоний игна санчар ёрлардин...»	187
«Эй Навоий, олам аҳлида...»	189
«Күрүбмен онча ғаму дард ошнолардин...»	192
«Менки үлдүм даҳр элига ошнолиғ ранжидин...»	193
«Дур анга на сүз сифлаи наҳс деб...»	195
«Мажоздин манга мақсад эзур ҳақиқий ишқ...»	196
«Түхфаларким юборди қайсари рум...»	199
«Соҳиби аъзам низомулмулк...»	202
«Риёни қаъбадин дайри фаноға...»	210
«Чу разл ҳавсаласиздур...»	215
«Аз авоми тирайи пурхирси дунё дур бош...»	217
«Чу олим аз пай боло нашастан...»	218
«Сиҳат ар ҳоҳи, макун майли таом...»	219
«Маънийи ширину рангинам ба туркй беҳад аст...»	221
«Душман гар ҳасуд шуд нек аст...»	223
«Олиму жоҳил агар чи ҳарду жинси мардуманд...»	224
«Тираам аз мардуми чашми худ, эй Фоний, зи бас...»	226
«Ҳар касе к-аз рӯи истиғно ба мардум хонд шеър...»	228
«Сифла к-озодаро нагўяд бад...»	230
«Авлиёуллаҳ мазори тӯс вайрони аро...»	231
«Ҳақ зотиға бирокки, хирад бирла фикр этар...»	234
«Эй Навоий, бир қори коғирни кўрсанг ишқ аро...»	237
«Чу навкарга бердинг ижозат, яна...»	239
«Улки, ифлосдин аёғинда...»	240
«Дунё аҳлидин агар топти тамоввул бириси...»	241
«Олмаву гулоб қайнатурға...»	242
«Замона аҳли эмаслар атолариға шабиҳ...»	244
«Хилқатимни девлар бирла агар қилсанм қиёс...»	246

«Йигитлигимдаки, тақвою зухд вақти эди...»	248
«Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ эттилар...»	252
«Фосиқ мену кофири ниҳони...»	253
«Шарбатий кор бўлди эрса оқибат...»	254
«Ҳар не элга ком эрур, кечти Навоий боридин...»	255
«Не назмики ўтлуғ кўнгулдан чиқардим...»	258
«Мундоқ муқаттаотким, мен йиғмишам, эрур...»	260

Адабий – матърифий нашр

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

КАСБИ КАМОЛ ЎЗНИ ТАНИШДИР

Муҳаррир

Зиёдбек ЎРИНОВ

Мусаҳиха

Дилфузা МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи ва дизайнер

Ойбек ХУДОЙБЕРДИЙЕВ

Техник мухаррир

Иброҳим ИНҚИЛОБОВ

"Yoshlar matbuotı" нашриёти
Босишига 2021 йил 20 апрелда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 70x100^{1/32}
Харф гарнитураси Cambria . Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт б. т. 13.2 Шартли б. т. 8.25
Адади: 3000 нусха. 21 – 03-сон буюртма.
Баҳорси келишилган нархда.
Тел: (+998) 71 147 - 00 -14
Факс (+998) 71 273 -00 -14

"Yoshlar matbuotı" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60 -уй.

«Янги аср авлоди» нашриёт матбаа-марказида чоп этиган китоблар рӯйхати

Алишер Навоий

«Ҳайрат ул-аброр

Қаттиқ муқова.

Бичими: 84x108 ^{1/32}.

Ҳажми: 240 б.

Алишер Навоий ижодида «Хамса»нинг биринчи достони – «Ҳайрат ул-аброр» алоҳида ўрин тутади. Мазкур достонда жамият ҳаётининг барча томонлари қамраб олинган. Шу билан бирга достонда кўнгил ва унинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган достон Абдуқодир Ҳайитметов тайёрлаган насрий баён асосида нашрга тайёрланди.

Алишер Навоий

«Фарҳод ва Ширин»

Қаттиқ муқова.

Бичими: 84x108 ^{1/32}.

Ҳажми: 336 б.

«Фарҳод ва Ширин» насрий табдилининг дастлабки

нашрида турли сабаблар билан жами 476 байт табдил қилинмаган. Бунда аксарият даҳрий тусга эга совет мафкураси сабаб бўлгани эҳтимолдан холи эмас.

«Фарҳод ва Ширин»нинг тўла янги насрый табдили амалга оширилди. Бу хайрли ишни амалга оширишда, албатта, олдинги барча табдилчиларнинг тажрибаларидан келиб чиқилди.

Алишер Навоий

«Лайли ва Мажнун»

Қаттиқ муқова.

Бичими: 84x108 ^{1/32}.

Ҳажми: 192 б.

«Лайли ва Мажнун» достони илгари ҳам насрый баён қилинган. Бироқ олдинги баёнлар дастлабки уриниш бўлгани учун қатор камчиликлардан холи эмас. Навоий асарларини насрый баён қилиш мумтоз адабий тилни билиш баробарида бадиий пухталикни ҳам талаб қиласиди. Ваҳоб Раҳмон насрый баёни асосида тузилган «Лайли ва Мажнун» достонининг мазкур янги насрый табдили аслиятга жуда яқинлиги билан эътиборга молик.

Алишер Навоий

«Сабъаи сайёр»

Қаттиқ муқова.

Бичими: 84x108 ^{1/32.}

Ҳажми: 288 б.

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонига қадимий Эрон шоҳи Баҳром Гўр билан боғлиқ афсоналар асос қилиб олинган. Хамсанавис салафларидан фарқли равишда Навоий бу машхур мавзудан ўзининг илғор ғояларини ифода этиш мақсадида фойдаланиб, қолипловчи ҳикояга кирган новеллаларни ихчамлаштириб, мазмун ва шакл жиҳатидан мукаммал асар яратган. Навоий достонининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, шоир асарининг заминига инсоннинг ҳақиқий севгисини асос қилиб олади. Улуғ инсоний севги воситасида Навоий давлат, ижтимоий, ахлоқий-этик ва бошқа масалаларни кўтариб чиқиб, достондаги асосий мавзуни баён қилиш жараёнида уларни ҳам кетма-кет ҳал қилиб беради.

«Сабъаи сайёр» шу пайтгача тўла насрый баён қилинмаганди. Ниҳоят, мазкур достоннинг тўла насрый баёни сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилинмоқда.

Алишер Навоий

«Садди Искандарий»

Қаттиқ муқова.

Бичими: 84x108 1/32.

Ҳажми: 448 б.

«Хамса»нинг якунланувчи достони «Садди Искандарий» маълум анъаналар асосида яратилган. Алишер Навоий Искандарнинг (Александр Македонский) саргузаштлари фонида адолатпарварлик, марказлашган давлат тузиш, инсонийлик борасидаги ўзининг илғор қарашларини талқин этади. Эндиликда ушбу достон моҳиятини соддалаштириб кенг китобхонларга тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода достоннинг насрый табдили нашр этилаётир.

ISBN 978-9943-69-074-5



9 789943 690745

"YOSHLAR MATBUOTI"